

**Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари**

# **АХБОРОТНОМАСИ**



**№2 (06) 2011**



# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

илмий-амалий нашр

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари

## Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров  
Ниғматилла Йўлдошев  
Зоҳид Дўсанов  
Ҳақимбой Ҳалимов  
Алишер Шарафутдинов  
Шўхрат Узаков  
Толибжон Умаров

## Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

## Масъул котиб:

Шавкат Ёдгоров

## Таҳрир хайъати:

Светлана Ортиқова  
Нуриддинжон Исмоилов  
Рустам Рўзиев  
Баҳодир Исмоилов  
Аббосхон Сангинов  
Мухтор Зоиров  
Фаҳри Раҳимов  
Фуркат Шодманов  
Жаҳонгир Максумов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

## Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,  
Тараққиёт кўчаси 59-уй

## Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Буюртма №  
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»  
МЧЖ ҚК босмахонасида  
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,  
Авлиё ота кўчаси 7-уй

## МУНДАРИЖА

<b>Н.ЙЎЛДОШЕВ. Р.УБАЙДУЛЛАЕВА.</b>	Фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчи. ....	<b>1</b>
	Реформа судебно-правовой системы — важное направление в реализации Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. ....	<b>5</b>
<b>Э.ЖЎРАЕВ. Т.УМАРОВ.</b>	Ассосиз текширишларга ўрин йўқ. ....	<b>9</b>
	Имплементация положений конвенционных актов в области криминализации коррупции в национальное законодательство. ....	<b>12</b>
<b>Ю.ДЕН. Й.ШЛИХТЕ.</b>	Соглашения в уголовном процессе: роль прокурора. ....	<b>16</b>
	Процессуальная сделка в уголовном судопроизводстве: актуальное правовое положение в Германии. ....	<b>20</b>
<b>Б.ПЎЛАТОВ.</b>	Ҳуқуқий маданият: фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари. ....	<b>25</b>
	Оқилона солиқ сиёсати — иқтисодиёт ривожининг кафолатидир. ....	<b>28</b>
<b>Қ.ИБРОҲИМОВ. И.ИСМАИЛОВ.</b>	Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари фаолияти табиати. ....	<b>31</b>
<b>У.ТУХТАШЕВА</b>	Вопросы совершенствования общественного контроля за деятельностью суда и органов прокуратуры. ....	<b>34</b>
<b>А.АБДУЖАББАРОВ.</b>	Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари. ....	<b>38</b>
<b>М.ЭГАМБЕРДИЕВ. Б.КАЛОНОВ.</b>	Фуқаролик процессида прокурорнинг иштироки. ....	<b>40</b>
	Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофазасига доир қабул қилинган қонунлар, истиқболли дастурлар, режа ва концепцияларни аҳамияти ва уларни бузганлик учун жавобгарлик. ....	<b>44</b>
<b>М.МУСАЕВ.</b>	Понятие и криминологическая характеристика рецидивной и профессиональной преступности. ....	<b>47</b>
<b>М.БАРАТОВ, Т.РАҲМОНОВ.</b>	Давлат органларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини такомиллаштириш масалалари. ....	<b>50</b>
<b>В.ФАЙЗУЛЛАЕВА.</b>	Административное задержание несовершеннолетних правонарушителей. ....	<b>54</b>
<b>А.ЭРГАШЕВ. А.ХИДОЯТУЛЛАЕВ.</b>	Мулккий суғурта шартномаси бўйича суғурта товони тўлаш тартиби. ....	<b>57</b>
	Вопросы применения коллизионных норм в международном частном праве. ....	<b>60</b>
<b>А.ОДИНАЕВ. М.ХАКИМОВ.</b>	Неустойканинг мақсади ва вазифалари. ....	<b>63</b>
	Предмет и специфика правового обеспечения наследования прав на объекты интеллектуальной собственности. ....	<b>66</b>

## СУД АМАЛИЁТИ:

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари.

- “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўқрисида”.
- “О некоторых вопросах судебной практики по делам о легализации доходов, полученных от преступной деятельности”.

### Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қарори.

- Хўжалик судлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав фондларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўқрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида;

О некоторых вопросах применения хозяйственными судами актов законодательства о ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки.

Тадқиқотчи н.х.рахмоқулова томонидан 12.00.03 – «фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ» иxtисослиги бўйича юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган номзодлик диссертацияга ТАҚРИЗ.

“Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми: натижалар, муаммолар ва ечимлар” мавзусида минтақалараро илмий-амалий конференция ҳақидаги ахборот.

ОЎК томонидан нашр этилган китоб. “Жиноятчилик, наркобизнес ҳамда терроризмга қарши кураш шароитларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари”.

Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари\*

## ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўтган йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” деб номланган маърузасида юртимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқувчи олти устувор йўналишдан бири сифатида демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, мазкур йўналиш мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг самарасини таъминлашда асосий омил ҳисобланади.

Юртимизда тадбиркор ва ишбилармонларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун яратиб берилган қонуний имконият ва имтиёзлар, қулай инвестициявий муҳит туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилиб, барча соҳаларда иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Шу маънода, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг ўтган даврида ушбу йўналиш халқимиз учун янги иш ўринлари яратиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришнинг энг муҳим омилларидан бирига айланди.

Айниқса, Юртбошимиз томонидан Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши юқоридаги фикрларимизнинг исботи бўлди, десак муболаға бўлмайти.

Зеро, бу элим деб, юртим деб ёниб яшаётган, халқ фаровонлиги ва Ватан равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётган минглаб тадбиркорларимиз учун янада кенгроқ имкониятлар эшигини очди. Бундай имтиёзлардан фойдаланиб, фаолиятини бундан-да ривожлантиришни кўзлаётган, мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги йўлида изланаётган ишбилармонларнинг сафи тобора кенгайиб боришига замин яратилаётганлиги диққатга сазовор ҳолдир.

Ўз навбатида, муҳтарам Юртбошимизнинг шу йил 7 февралда қабул қилган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик

субъектларини ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, улар кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашда, уларнинг эмин-эркин фаолият олиб боришлари йўлида мустаҳкам ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун юртимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи шу соҳада меҳнат қилаётганлиги фикримиз исботидир. Соҳа ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланганлиги тадбиркорликни ривожлантириш учун янада кенг йўл очмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мулк ва мулкрий муносабатлар муҳофазаси қатъий қоида сифатида белгилаб қўйилган. Хусусий мулк, тадбиркорлик ҳақида тасаввур қилишимиз мушкул бўлган бир даврда, яъни 1992 йилдаёқ Бош Қонунимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилганлиги қанчалик оқилона қарор бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи яна бир қарра исботлаб турибди.

Шунингдек, 1998 йил 24 декабрда “Хўжалик юривчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги ҳамда 2000 йил 25 майда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари амалга киритилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг тартиби аниқ равшан белгиланди. Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ва шароитлар яратиш, уларнинг фаоллигини ошириш, шунингдек, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизми янада мустаҳкамланди. Соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ишбилармонларга қулай шарт-шароитлар яратилиши ва имтиёзлар берилиши кўлами кенгайтирилди. Президентимизнинг 2005 йил 14 июнда қабул қилинган “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ушбу йўналишда муҳим бурилиш ясади.

Мазкур ҳужжатларда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, таф-

\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 21 июндаги ПФ-4323 Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги лавозимига тасдиқланди.

тиш қилиш белгиланган тартибда фақат Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд тартибда қўлланилиши акс эттирилди. Назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доираларидан ташқаридаги масалалар бўйича текшириш ўтказганлиги, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди. Бу тартиблар ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топгани боис, ноқонуний текширишлар сони кескин камайишига эришилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш, текширишларни янада қисқартириш, тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш, тадбиркорларни давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этишга оид Фармон ва қарорлари ҳам қабул қилиндики, булар соҳа вакиллари учун янада қулай шарт-шароитлар яратди.

Ана шундай эътибор туфайли жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимизда дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари таъминланди.

Мухими, юртимизда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг энг қисқа ва соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Бунга кўпи билан икки иш куни кетади. Бир пайтлар тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун идорама-идора ойлаб юришга тўғри келган, турли идораларга катта миқдорда тўловлар тўланган бўлса, бугун ҳаммаси оддий, қонуний ва халқимиз манфаатига тўла мосдир.

Ҳозирги пайтда тадбиркор ўз ишини бошлаши учун йирик сармоя эгаси бўлиши ҳам шарт эмас. Тадбиркор бизнес-режа асосида исталган банкдан микрокредит ёки имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини бемалол йўлга қўя олади. Бизнес-режа тузишда тадбиркорга кўмакчи бўлиш учун эса консалтинг хизматлари фаолияти йўлга қўйилган. Демак, истак ва интилиш бўлса, кифоя.

Ана шундай қулай шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар туфайли бугун юртимизда тўрт юз мингга яқин тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Уларнинг иқтисодиётимиздаги улуши йил сайин ортиб бормоқда. 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган бўлса, унинг 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжалиқларига, 210 мингдан ортиги касаначилик соҳасига тўғри келади.

Буларнинг барчаси юртимизда мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришга, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирishга, янги иш ўринлари яратишга ва шу асосда халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда муайян ишлар амалга оширилаётганлигини

ҳам қайд этиш лозим. Зеро, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш масалалари прокуратура органларининг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Бу борада соҳага оид қонунлар ижросининг таъминланиши устидан мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Бош прокуратурага тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, назорат органлари мансабдор шахсларига тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Прокуратура органлари ўтказётган назорат тадбирларидан маълум бўляптики, кўрилатган чора-тадбирларга қарамай, жойлардаги давлат бошқаруви органлари, назорат-текширув органлари, архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва кадастр хизмати, солиқ, банк идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар қўйиш, улар фаолиятига асоссиз аралашуш, тамағирлик иллатлари каби қонунбузилиши ҳолатлари ҳам йўл қўйилмоқда.

Жумладан, ўтган 2010 йил мобайнида 705 та тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилганлиги, шундан 182 та ҳолатда муружаатлар қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаганлиги, 177 та ҳолатда ортиқча йиғимлар ундирилганлиги, 27 та ҳолатда тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги, 92 та ҳолатда уларнинг ҳуқуқларини поймол этувчи қарорлар қабул қилинганлиги, 11 та ҳолатда ортиқча ҳужжат ва маълумотлар талаб қилинганлиги, 216 та ҳолатда эса бошқа қонунбузарликлар содир этилганлиги аниқланди.

Ўтган йил мобайнида тадбиркорларга нисбатан тўскинлик ва ҳуқуқбузарликларнинг 184 таси банк, 129 таси бозор, 60 таси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, 57 таси маҳаллий ҳокимликлар, 44 таси давлат солиқ идораси, 37 таси ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари, 32 таси статистика, 27 таси савдо-саноат палатаси, 17 таси ер тузиш ва кадастр, 13 таси ветеринария, 11 таси давлат санитария ва эпидемиология назорати марказлари ва 94 таси бошқа идора ҳамда ташкилотлар мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан содир этилган.

Прокуратура органлари томонидан мазкур қонунбузилиши ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 335 та тақдимнома киритилиб, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 391 та протест келтирилди. 297 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймастик ҳақида огоҳлантирилди, 555 нафар шахс эса интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорларнинг ман-

фаатларини кўзлаган ҳолда судларга 80 та ариза киритилди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, айрим ҳолатларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятларига турли тўсқинликлар яратилиб, уларга берилган қатор имтиёз ва енгилликларни қўллаш ҳақидаги қонун ҳужжатлари талаблари ижроси мутасадди идоралар томонидан лозим даражада бажарилмаяпти.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Избоскан тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати мансабдор шахслари томонидан кўрсатилган хизматлар учун 16 нафар тадбиркордан 1,2 млн. сўм, Жиззах вилояти архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан “Новеджизак завод” ва “Элеганс текс” масъулияти чекланган жамиятларидан 661 минг сўм ҳамда хусусий тадбиркорлар О.Аҳмедов ва З.Ўраловдан 168 минг сўм ортиқча маблағ ундирилганига гувоҳ бўламиз.

Прокуратура органлари томонидан юқоридаги қонунбузилиши ҳолатларига ўз вақтида ҳуқуқий баҳо берилиб, тадбиркорлардан олинган ортиқча тўловларнинг уларга қайтарилиши ҳамда айбдор шахсларнинг интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилишлари таъминланди.

Шунингдек, ўтган йили тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши юзасидан 69 та жиноят иши кўзғатилди. Уларнинг 21 таси порахўрлик, 13 таси мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва мансаб сохтакорлиги, 23 таси ўзгалар мулкани ўзлаштириш, 1 таси фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва 11 таси бошқа турдаги жиноятлар билан боғлиқдир.

Жиноят ишларидан 17 таси банк, 11 таси солиқ, 9 таси ҳокимлик, биттаси ички ишлар ва 21 таси бошқа мутасадди идоралар мансабдор шахсларига нисбатан кўзғатилган.

Масалан, Юнусобод тумани савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи А.Зиявуддинов “Гамма ультра марин” масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Ибрагимовдан алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш учун лицензия бериш эвазига 200 АҚШ долларини пора тариқасида олаётганида ушланиб, ҳозирда у терговда жавоб бермоқда.

Нарпай тумани Давлат солиқ инспекцияси инспектори А.Аманов эса “Нарпай Юлдуз савдо” шўъба корхонасида ноқонуний равишда текшириш ўтказиб, молиявий жарима қўлламаслик эвазига 400 минг сўм пора олганида ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан айбдор шахс суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Афсуски, тадбиркорликни ривожлантириш ва уларга молиявий кўмак бериш асосий вазифаси ҳисобланган банк ходимлари томонидан ҳам тадбиркорларга нисбатан тамагирлик қилиш, кредитлар ажратишда сунъий тўсиқлар яратиш, ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини талон-торож қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Хусусан, “Агро банк”нинг Янгиқўрғон филиали мансабдор шахслари “Нажобат” фермер хўжалиги ҳисоб

рақамидаги 12,6 млн. сўм маблағни ноқонуний равишда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ўтказиб юборганликлари учун ҳозирда суд олдида жавоб бермоқдалар.

Шунингдек, “Қишлоққурилишбанк”нинг Қўнғирот, “Агро банк”нинг Риштон, “Миллий банк”нинг Ангрен, “Халқ банки”нинг Денов, Олмазор, Кармана, Мирзачўл, “Ипотека банк”нинг “Сардар”, “Микрокредит-банк”нинг Фарғона, Водил, Шофиркон, Мирзачўл, Поп, Узун ва Хива филиалларида ҳам жиддий қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги ачинарли ҳолдир.

Фурқат туман ҳоқими А.Деҳқонов фуқаро М.Ихсановдан тадбиркорлик фаолияти юритиш учун ер ажратиш, Бектемир туман ҳоқими А.Ҳашимджанов “Лина-Рустам бизнес” масъулияти чекланган жамияти директори А.Кимдан жамият биносини фойдаланишга қабул қилиш эвазига пора олганликлари учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинганлари эса, айрим маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳали-ҳамон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига турли тўсқинликлар қилинаётганлиги, ўз нафсини давлат ва жамият манфаатларидан юқори қўювчи нопок кимсалар оз бўлса-да, орамизда борлигидан далолат бериб турибди. Улар қилмишларига яраша эртами-кечми, барибир қонун олдида жавоб беришлари муқаррарлигини унутмасликларини истардик.

Прокуратура органлари жойларда назорат-текширув органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашиб, ноқонуний текширишлар ўтказилиши билан боғлиқ ҳолатларга барҳам бериш юзасидан ҳам ўтган йил мобайнида самарали фаолият олиб борди. Мисол учун, Балиқчи тумани ДСЭНМ бош шифокори М.Аҳмаджонов ва марказ ходимлари С.Мирҳақимова, Т.Араббоев томонидан “Хўжабод” масъулияти чекланган жамияти ҳамда “Дилшодбек” хусусий фирмасида санитария қоидаларига риоя қилиниши юзасидан ноқонуний текширишлар ўтказишган бўлса, Шўрчи тумани ветеринария бўлими инспектори Б.Мардаев хусусий тадбиркор М.Алимов фаолиятини рўхсатсиз текширганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Маълумки, бугунги кунда тадбиркорларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этиш ҳар бир раҳбар ва мутасаддининг қонун олдидаги масъулиятли бурчидир. Чунки, кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат ҳимоясида экан, бу борада лоқайдлик ва бепарволикка берилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Мингбулоқ туман статистика бўлими мутахассиси С.Ўринбоева фуқаро Н.Каримов ва бошқаларнинг янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига ном бериш ҳақидаги мурожаатларини, Пайариқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Р.Ядгаров, Қўнғирот тумани бош архитектори У.Раҳматов эса, тадбиркорлик субъектларининг аризаларини қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқмаганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилгандилар.

Яна шунини эътироф этиш лозимки, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли ҳимояланиши

ни таъминлаш мақсадида прокуратура органлари тизи-мида махсус “007” рақамли ишонч телефони жорий этилган. Мазкур ишонч телефониغا келиб тушган 335 та мурожаатнинг 227 таси қаноатлантирилиб, муал-лифларнинг бузилган ҳуқуқлари амалда тикланди.

Масалан, Андижон шаҳридаги “Янги бозор” деҳқон бозорида фаолият кўрсатувчи якка тадбиркор М.Иса-муддиновнинг мурожаати асосида бозор ходими А.Су-лейманов тадбиркорлардан электр энергияси истеъмо-ли учун қабул қилинган 737 минг сўмни жамият ғазнаси-га кирим қилмасдан талон-торож қилганлиги учун унга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳара-катлари ўтказилмоқда.

Шу тариқа ўтган йили прокуратура органлари то-монидан 879 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрса-тилиб, уларнинг муаммолари қонун доирасида ҳал этилди. Жумладан, 279 нафар тадбиркорга 5,8 мил-лиард сўмлик кредит, 38 нафарига 431 гектар ер май-дони ажратилишида, 110 нафарига давлат рўйхати-га олинишида, 355 нафар тадбиркорга 982 миллион сўмлик қарзини ундиришда, 30 нафарига хомашё ре-сурсларини сотиб олишда, 64 нафарига рухсатнома-лар берилишида, 26 нафарига муҳандислик коммуни-кацияларига уланишида амалий ёрдам кўрсатилган-лигини таъкидлаш даркор. Натижада 1 минг 132 та кўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари томони-дан ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар би-лан ҳамкорликда тадбиркорлар билан жойларда бе-восита учрашувлар, очиқ мулоқотлар ўтказиб келин-моқда. Уларда қилинган мурожаатлар бўйича тадбир-корларга ер майдони ажратиш, кредит ҳамда лицен-зия олиш ва бошқа муаммоларнинг ҳал этилишида ҳам ҳуқуқий ёрдам берилмоқда.

Бугунги кунда Бош прокуратура томонидан Прези-дентимиз белгилаб берган вазифалардан келиб чи-киб, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бош-қа ваколатли органларнинг “Тадбиркорлик субъектла-рининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ҳақида” кўшма Кўрсатмаси қабул қилинди. Ушбу Кўрсатма ҳам кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқларини амалга оширишда қутилган самарани беради. Шунингдек, Бош прокурор томонидан 2011

йил 9 февралда “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида»ги буй-руқ қабул қилиниб, ижро учун кўйи прокуратураларга юборилди.

Бундан ташқари, ҳар бир туман-шаҳар про-куратуралари томонидан тегишли орган ва идоралар ходимлари иштирокида ҳудудда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари билан ҳар ойда икки ма-ротаба бевосита учрашувлар ўтказилмоқда. Таъкид-лаш лозимки, учрашувларда тадбиркорларнинг акса-рият муаммолари жойида бартараф этилишига эри-шилмоқда.

Шунингдек, назорат қилувчи органлар фаолияти-ни мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2010 йил 29 декабрдаги қарорига кўра, туман ҳокимликла-ри томонидан тумандаги ҳар бир қишлоқ аҳоли пункт-ларида 2011 йилнинг чорақлари кесимида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурларда ташкил этиладиган объектнинг фа-олият тури, манзили, ким томонидан ва қайси молия-вий манбалар ҳисобидан ташкил этилиши, яратили-ши, мўлжалланган иш ўринлари сони, объектни ишга тушириш муддати аниқ кўрсатилган. Дастур ижроси-нинг таъминланиши устидан Бош прокуратура томо-нидан қатъий назорат ўрнатилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мам-лакатимизда кичик бизнесни янада тараққий этти-риш, тадбиркорлик субъектларининг самарали фа-олият юритишлари учун мустаҳкам қонуний кафо-латлар яратилган. Уларнинг фаолиятига ноҳолис аралашувлар, “тирноқ орасидан кир қидириш” кай-фиятида бўлиш ҳолатлари юзасидан назорат орган-ларининг жавобгарлиги ва масъулияти кучайтирил-моқда. Тадбиркорлик ҳаракати билан боғлиқ қонун-лар ва меъёрий ҳужжатлар ижросининг самара-дорлигини таъминлаш бундан буён ҳам прокурату-ра органларининг доимий диққат марказида бўла-веради.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «...Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаёти-мизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт».

## АННОТАЦИЯ

Статья посвящена правовым основам защиты предпринимательства. Во вводной части данной статьи автор осуществляет общий обзор концептуальных основ защиты прав предпринимательства в нашей стране. В основной части статьи проводится подробный анализ законодательной базы в сфере защиты прав предпринимателей, положительных аспектов экономических и судебно-правовых реформ, проводимых в Узбекистане. В заключительной части автор осуществляет подробный обзор места и важности развития малого бизнеса и частного предпринимательства в нашей стране и указывает на концептуальные задачи, требующие своего эффективного решения.

**Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
д.э.н., профессор, академик АН РУз.,  
директор Центра "Ижтимоий фикр"

## РЕФОРМА СУДЕБНО-ПРАВОВОЙ СИСТЕМЫ — ВАЖНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ В РЕАЛИЗАЦИИ КОНЦЕПЦИИ ДАЛЬНЕЙШЕГО УГЛУБЛЕНИЯ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ РЕФОРМ И ФОРМИРОВАНИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В СТРАНЕ

Государственный суверенитет кардинально преобразил все сферы экономики и социально-политической жизни нашего общества. Центральное место в Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, изложенной в докладе Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан занимают вопросы реформирования судебно-правовой системы.

В целях выявления степени информированности и отношения граждан к осуществляемой в стране судебно-правовой реформе, а также достигнутым за годы независимости результатам в этой сфере, а также учитывая исключительную актуальность данной проблемы, Центром изучения общественного мнения "Ижтимоий фикр" системно проводятся опросы общественного мнения на тему: "Реформа судебно-правовой системы в зеркале общественного мнения".

С первых лет независимости Узбекистан взял курс на строительство демократического правового государства, в котором должен быть обеспечен приоритет прав и свобод человека. Важнейшим направлением решения этой задачи является реформа судебно-правовой системы. Достижение высокой результативности в этой сфере жизни государства и общества является важнейшим условием эффективности социально-экономического развития страны и обеспечения ее безопасности.

Результаты проведенных опросов свидетельствуют об устойчивой тенденции роста информированности граждан о реформе судебно-правовой системы, проводимой по инициативе Главы государства. В 2010 году уровень осведомленности граждан о правовой реформе составил 81,5%

против 59,8% в 2009 году. Степень осведомленности граждан прямо пропорциональна их уровню образованности: чем выше уровень образованности граждан, тем лучше и полнее они осведомлены о проводимой в стране судебно-правовой реформе. Лучше всего о судебно-правовой реформе осведомлены граждане, работающие в государственных организациях, предприниматели, а также сотрудники и наёмные работники в частных негосударственных организациях.

Результаты проведенного опроса показали полную и всестороннюю поддержку гражданами страны поставленных Главой государства задач. На вопрос: "Согласны ли Вы со следующим положением выступления Главы государства, которое он произнёс на совместном заседании Нижней и Верхней палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан: "...мы не сможем достигнуть высоких целей по модернизации страны, если не обеспечим четкой и глубокой взаимосвязи процессов реформирования экономики и социальной сферы с постоянным обновлением общественно-политической и судебно-правовой системы?" 90,6% опрошенных граждан ответили утвердительно.

Обозначенные Главой государства приоритеты в сфере реформы судебно-правовой системы получили абсолютную и полную поддержку граждан во всех областях и регионах нашей страны.

Президент страны в своем выступлении не только обосновал связь процесса реформирования экономики и социальной сферы с обновлением общественно-политической системы, но и подробно остановился на приоритетах реформы судебно-правовой системы.

Опрос показал, граждане страны единодушно поддержали выдвинутые Президентом страны приоритетные направления совершенствования законодательства.

На совместном заседании нижней и верхней палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан Президент страны И.А. Каримов особо подчеркнул: "Приоритетным направлением должно стать совершенствование законодательства, направленного на расширение прав, полномочий институтов гражданского общества, в том числе органов самоуправления граждан, в системе общественного и государственного строительства". Согласны ли Вы с этими положениями выступления Главы государства?

Реформы, осуществляемые в стране, оцениваются не только посредством уровня и характера их воздействия на реальную повседневную жизнь общества, отношений в обществе, но и временем, в течение которого данные реформы проводятся.

По данным опросов каждый третий участник опроса считает, что реформа судебно-правовой системы республики осуществляется нормальными темпами.

Результаты опроса показывают: в общественном мнении страны наблюдается различные представления о целях и сущности проводимой в стране реформы судебно-правовой системы. Так, часть населения считает, что основной целью реформы является обеспечение и защита прав человека. По мнению каждого десятого респондента, сущность проводимых преобразований в судебно-правовой системе заключается в совершенствовании работы суда, прокуратуры, адвокатуры и совершенствование законодательной системы.

По мнению граждан, осуществляемая в стране реформа судебно-правовой системы развивается успешно и достаточно результативно. Об этом свидетельствует то, что абсолютное большинство участников опроса (83,7%) считает, что население чувствует реальные позитивные результаты проводимых преобразований в этой сфере жизни государства и общества.

**"Как Вы считаете, достигнуты ли реальные позитивные результаты от осуществляемой в стране реформы судебно-правовой системы?"**  
(в % от общего числа опрошенных)

Подавляющее большинство участников опроса не ограничилась простой констатацией факта о том, что проводимая реформа достигла довольно позитивных результатов, но и назвала конкретные сферы жизни общества, где эти достижения видны и ощущаются особенно отчетливо.

На вопрос "По Вашему мнению, в чём именно видны и ощущаются позитивные результаты реформы судебно-правовой системы?" был получен следующий ранжированный ряд ответов:

- ◆ во всех сферах жизни стало больше порядка;
- ◆ в деятельности прокуратуры, МВД, милиции;
- ◆ в законодательной сфере;
- ◆ больше стало обращений граждан к юристам, адвокатам;
- ◆ в повышении правовой грамотности населения;
- ◆ люди, стали более защищёнными в правовом отношении, повысилась безопасность населения;
- ◆ произошли кадровые перемены в лучшую сторону (судьи, адвокаты юристы, прокуроры и т.д.);

Важным ключевым историческим шагом реформы судебно-правовой системы в Узбекистане, её демократизации, либерализации и гуманизации явилась отмена смертной казни как высшей меры наказания за тяжкие и особо тяжкие виды преступления. Как известно, данное положение согласно Указу Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова вступило в силу и начало действовать с 1 января 2008 года.

Данная мера, введённая в Уголовный кодекс по инициативе Главы государства, была воспринята населением страны с полным одобрением и поддержкой. Результаты опросов показали, что более 90% граждан нашей республики отнеслись к отмене смертной казни однозначно положительно.

Повышение правовой грамотности населения является одной из важнейших задач проводимой реформы судебно-правовой системы, и одновременно одним из условий обеспечения успешной её реализации на практике. Как отмечает глава государства: "Поступательное движение общества по пути демократии и успех демократических реформ во многом зависят от уровня правосознания и правовой культуры людей. Высокая правовая культура - основа демократического общества и показатель зрелости правовой системы". Результаты проведённого опроса показывают тенденцию роста общего уровня правовой грамотности граждан. Так, если в 2009 году 22,3% опрошенных ответили, что хорошо и полно знают свои гражданские права, то в 2010 году аналогичным образом оценили свой уровень правовой грамотности 23,6%. Одновременно уменьшилось количество граждан, оценивших свой уровень правовой грамотности недостаточным с 11,7% до 10,0%. Устойчиво из года в год растёт количество граждан, знающих свои права в общих чертах. Эта категория граждан достаточно информирована и осведомлена о своих правах, т.е. она владеет базовой информацией, но в случае, если возникнет необходимость, она вполне может довольно быстро углубить свои знания в той области права, в которой нуждается в данном конкретном случае.

**В какой степени Вы лично знаете свои гражданские права?  
(в % от общего числа опрошенных)**

О том, что граждане страны понимают степень важности и необходимости для себя знать свои конституционные и гражданские права, свидетельствует то обстоятельство, что половина от числа участников опроса в случае необходимости предпринимает конкретные действия в целях повышения своей правовой грамотности.

В ходе опроса респондентам было предложено оценить уровень правовой грамотности граждан страны по пятибалльной шкале, где цифра 1 означает "Низкий уровень", 3 - "Средний уровень" и 5 - "Высокий уровень".

Более половины участников опроса - 53,1% считают, что уровень правовой грамотности граждан страны соответствует среднему уровню. Каждый пятый респондент считает, что правовая грамотность граждан на уровне ниже средней отметки. 17,6% опрошенных граждан утверждают, что правовая грамотность населения ближе к оценке выше среднего уровня. По мнению 4,9% респондентов правовая грамотность современного поколения граждан страны на высоком уровне.

**"Как Вы лично оценили бы уровень правовой грамотности граждан нашей страны в целом?"**

Подавляющее большинство участников опроса - 72,7% считают, что отношение граждан к праву меняется в позитивную сторону, т.е. наблюдается устойчивая тенденция роста стремления граждан страны жить по закону, в правовом поле, уважать и соблюдать законность. Данные изменения в настроениях и действиях граждан является прямым следствием проводимых реформ в судебно-правовой системе страны, т.е. всё больше граждан осознают и понимают, что жить в правовом поле намного безопаснее и комфортнее, чем в обществе, где законы не уважаются и систематически попираются.

Подавляющее большинство граждан (74,6%), считают, что в обществе наблюдается позитивная тенденция изменения отношения граждан к правам и свободам человека, а именно, уважение к правам человека со стороны граждан растёт.

Одной из важных задач осуществляемой в стране правовой реформы является правовое воспитание граждан, формирование в них стремления жить и решать возникающие в их повседневной жизни проблемы и вопросы на основе Закона. В аспекте решения этой задачи население выступает одновременно и как объект, на который направлена данная работа и как субъект, одно из основных действующих лиц, от деятельности кото-

рого прямо зависит характер решения данного вопроса.

Судя по результатам опроса, граждане довольно заинтересованно восприняли адресованный им вопрос о том, что необходимо сделать для того, чтобы воспитать у населения страны стремление жить по закону. Каждый третий участник опроса считает, что для решения этой задачи надо больше уделять внимания работе по правовому просвещению граждан, правовому образованию и расширять масштабы данной работы, в т.ч. в учебных заведениях.

В данном разделе была поставлена задача - дать возможность гражданам оценить уровень обеспечения их правовой защищённости. Для этого был задан следующий вопрос: "В какой степени Вы чувствуете свою правовую защищённость от возможного нарушения ваших прав и свобод?". Ответы респондентов распределились следующим образом:

**"В какой степени Вы чувствуете свою правовую защищённость от возможного нарушения ваших прав и свобод?"  
(в % от общего числа опрошенных)**

Позитивным результатом проводимой реформы судебно-правовой системы является рост уверенности населения добиться справедливого решения вопроса и восстановления своих прав в случае, если они будут с чьей-либо стороны нарушены или ущемлены. Так, более половины опрошенных граждан (51,2%) выразили свою уверенность в положительном исходе. В 2009 году этот показатель составил 43,4%. Чуть более одной трети респондентов - 36,8% в целом верят в то, что смогут добиться справедливости и восстановления своих прав, но слабо, полной уверенности у них в этом всё же нет.

Как известно центральной задачей осуществляемой в стране реформы судебно-правовой системы является трансформация органов милиции, прокуратуры и суда из карательных органов в органы обеспечения защиты прав и свобод человека. Хорошо известно, что данный процесс будет протекать в течение довольно длительного времени. В этом направлении, как показывают результаты проведённого опроса, в республике наблюдаются достаточно существенные позитивные результаты. Так, более половины населения страны - 57,2% воспринимает суд как институт защиты прав человека. Каждый второй участник опроса в таком же качестве воспринимает и органы милиции. 46,0% считает, что основная задача прокуратуры это также защита прав человека. Несмотря на то, что достаточно большое количество граждан страны всё ещё воспринимают правоохранительные органы как карательные орга-

ны, тем не менее, процесс изменения сути, цели, содержания, а также методов и форм их работы, в конечном счёте, постоянно меняет восприятие их гражданами. Результаты опроса показывают наметившуюся тенденцию в этом направлении.

Гражданами страны не осталась незамеченной работа по повышению профессионального уровня и качества работы сотрудников правоохранительных органов, в рамках проводимой в стране реформы судебно-правовой системы. С каждым годом всё большее количество граждан дают повышенную оценку профессиональному уровню работников суда, прокуратуры и МВД.

Важным шагом по пути реформирования судебно-правовой реформы явился Указ Президента страны "О передачи судам права выдачи санкции на заключение под стражу". Он получил широкую и полную поддержку во всех слоях населения. Почти 90% участников опроса считают, что передача права выдачи санкций на заключение под стражу лиц, подозреваемых или обвиняемых в совершении преступлений в компетенцию судов, окажет позитивное влияние на процесс обеспечения и защиты прав человека. Вместе с тем граждане вполне понимают и осознают, что позитивные изменения будут достигнуты не сразу.

Одним из наиболее востребованных населением законов, безусловно, является Закон "Об обращении граждан". И это вполне закономерно, т.к. в своей повседневной жизни многим гражданам приходится обращаться в различные учреждения в целях прояснения или же решения интересующих и беспокоящих их вопросов.

Результаты проведённого опроса показали, что за последние годы увеличилось количество граждан, обратившихся в правоохранительные, правозащитные, административные учреждения и в органы социальной защиты населения с просьбой

в решении своих проблем, связанных с защитой их прав или прав членов их семьи, близких родственников. Так, в суд обращался каждый пятый участник опроса - 19,3%, в прокуратуру 17,8%, в отдел внутренних дел - 26,0%, к инспектору по профилактике - 28,3%, в службы районного или городского хокимията - 28,2%. В органы социального обеспечения и защиты населения в течение последних 12 месяцев, предшествовавших опросу, обращались 23,7% опрошенных граждан, к услугам адвоката - 20,6%. Судя по результатам опроса, довольно интенсивно среди населения растёт популярность Уполномоченного Олий Мажлиса по правам человека, (Омбудсмана) и Национального центра по правам человека Республики Узбекистан. За последние 12 месяцев к Омбудсману с просьбой обратились 11,8% от общего числа опрошенных граждан, что почти в два раза больше, чем в 2009 году, в Национальный центр по правам человека обратились 11,2%, что так же значительно больше, чем в предыдущем году.

Результаты опроса показали, что большая часть участников опроса, обратившихся в правоохранительные, правозащитные, административные учреждения и в органы социальной защиты населения с просьбой в решении проблемы, связанной с защитой их прав или прав членов их семьи, близких родственников, получили поддержку и решили беспокоящую их проблему положительно.

В целом население страны, как показали опросы общественного мнения, высоко оценивает достигнутые позитивные результаты реформы судебно-правовой системы, проводимой под руководством Президента страны, и видит в успешном её продвижении залог формирования истинно демократического правового государства и гражданского общества.



## АННОТАЦИЯ

Юқорида кўрсатилган мақола мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган суд-ҳуқуқ ислохотларига бағишланган. Муаллиф ўз мақоласида халқнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тўғрисида хабардорлиги, унга нисбатан ижтимоий фикр шаклланиш тенденциялари, суд-ҳуқуқ ислохотларига нисбатан кенг халқ оммасининг фикр мулоҳазалари чуқур таҳлил қилган. Мақолада аниқ статистик маълумотлар ва диаграммалардан самаралии фойдаланилган.

**Эркин ЖЎРАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи**

## АСОССИЗ ТЕКШИРИШЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ

Кейинги йилларда республикамызда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Республикамыз Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашINI таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармонлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур Фармонларга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан бир қатор ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақат суд орқали амалга оширилиши, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ваколатига эга бўлган назорат органлари ҳамда режали текширишлар даврийлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Юртбошимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини инobatга олган ҳолда уларнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва улушини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда 2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг шу муносабат билан қабул қилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш йўлларини соддалаштириш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишлари учун янада кўпроқ эркинлик ва имтиёзлар бериш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирил-

ган кенг қамровли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш вазифалари белгилаб берилди. Шу билан бирга, дастурда ушбу соҳа ривожининг муҳим омили сифатида давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш борасида ҳам аниқ тадбирлар белгиланди.

Жумладан:

— қонуний ваколатлари бўлмаган ҳолда текширишларни ташкил этганлик, корхоналарнинг фаолиятини ва банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйганлик ва бошқа шу каби барча ҳолатлар бўйича мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан амалдаги қонунчилик нормаларига ўзгартиришлар киритиш;

— хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тизими ва жараёнини янада такомиллаштириш;

— янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг (айрим тоифадаги кичик бизнес субъектлари бундан мустасно) молия-хўжалик фаолияти юзасидан дастлабки режали текширишлар даврийлигига ўзгартиришлар киритиш;

— ўз айланмалари ҳажмини оширган ҳолда солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган (айрим тоифадаги субъектлардан ташқари) кичик бизнес субъектларида муайян муддатга солиқ текширишларини ўтказишга мораторий эълон қилиш;

— кичик бизнес субъектларида солиқ текширувлари ўтказишнинг белгиланган муддатини узайтиришни тақиқлаш бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Шунингдек, ушбу дастурга биноан эндиликда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини дастлаб камерал назоратдан ўтказиб, фақатгина фаолиятида камчилик аниқланган тақдирда текширишлар ташкил этиш тартиби амалиётга жорий этилиши белгилаб қўйилди.

Ҳозирги вақтда мазкур вазифалар ижросини таъминлаш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Солиқ тўловчилар фаолиятида йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-камчиликларнинг олдини олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, 2010 йил давомида Давлат солиқ хизмати органлари ташаббуси билан бошқа назорат органларини ҳам жалб этган ҳолда 6459 марта семинар ва учрашувлар ташкил этилиб, 429 151 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Бу борада барча солиқ хизмати органларида «Ишонч телефон»лари ва «Очиқ эшиклар кўни» ташкил этилиб, солиқ тўловчиларнинг муурожаатлари юзасидан тегишли тушунтириш ва маслаҳатлар бериб борилмоқда. Жумладан, Давлат солиқ хизмати органларида ташкил этилган «Очиқ эшиклар кўн»ларида 35 мингга яқин солиқ тўловчилар иштирок этиб, улар томонидан кўтарилган 4 мингга яқин масала жойларнинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилишда текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга тўлиқ риоя этилишини таъминлаш доимий назоратга олинган.

Натижада, Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган барча режали ва режадан ташқари текширишлар (яқуний ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кўзғатган жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида текширилган хўжалик юритувчи субъектлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Хусусан, Давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2005 йилда мавжуд юридик шахсларнинг 9,4 фоизиди текширишлар ўтказилган бўлса, 2010 йил якунларига кўра бу рақам 2,4 фоизни ташкил этди.

Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишларни қисқартириш тенденцияси 2011 йилда ҳам сақлаб қолиниб, жорий йилда фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг атиги 1,1 фоизиди режали текширишлар ўтказилиши мўлжалланган. Лекин шу билан биргаликда, яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Республика Президенти ва ҳукумати томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида кўрилатган барча амалий чора-тадбирлар энг аввало қонун

асосида фаолият юритаётган тадбиркорларга кўмак бериш мақсадида амалга оширилмоқда ва бу талабни ҳамма тадбиркорлар тўғри тушуниб олишлари керак.

Шунингдек, текширишларни қисқартириш борасида кўрилатган чоралар ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этиб фаолият кўрсатаётган, ўз интилиши ва ҳаракатлари билан жамоасининг қонуний манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳалол ишлаб келатган ҳамда давлатимиз бюджетига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш билан республикамиз иқтисодиётини кўтаришда фаол иштирок этаётган тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган.

Юқорида қайд этилганидек, Давлат солиқ қўмитаси томонидан текширишлар сонини қисқартириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин, бу борадаги саъй-ҳаракатлар жойлардаги айрим тадбиркорлар томонидан нотўғри тушунилиб, натижада савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этишда, нақд пул тушумини банк муассасаларига топширишда кўпгина тартиббузарликларга йўл қўйилмоқда. Бунинг асосий сабаби — баъзи тадбиркорларнинг белгиланган тартибларга риоя этмаган ҳолда вақтинча бўлса ҳам ноқонуний равишда мўмай даромад олишга бўлган интилишларида кўринмоқда.

Аммо ноқонуний фаолият юритиш узоққа чўзилмаслигини ҳамма яхши билиб олишлари керак. Худудий Давлат солиқ хизмати органларига тушган қўшимча маълумотларни таҳлил қилиш натижасида аниқланган ҳолатлар ҳамда фуқаролардан тушган ариза ва шикоятлар асосида ўтказиладиган режадан ташқари текширишларда айрим хўжалик юритувчи субъектларда ўз даромадларини солиқдан яшириш ёки савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилиш, жумладан, тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш масалаларида қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйиладиганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Давлат солиқ қўмитаси ходимлари томонидан 2010 йил 3 ноябрь кўни Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 мавзесида жойлашган «Pantera savdo-servis» масъулияти чекланган жамиятига қарашли савдо дўконидида ўтказилган қисқа муддатли текширишда, жамиятга тегиши бўлган назорат-касса машиналари 2010 йил 19 октябрда техник кўриқдан ўтказиш учун «Ўзстандарт» агентлигига топширилганлиги, лекин дўкон сотувчи-кассирлари томонидан 2 ҳолатда 119 минг сўмлик харид қилинган товарлар учун харидорларга квитанция ёзиб берилмаганлиги, шунингдек, жамиятнинг сотувчи-кассирлари томонидан жами 1982 минг сўм миқдоридидаги

Допустимым в рамках процессуальной сделки является согласие суда первой инстанции отказаться от уголовного производства в отношении тех действий, по которым уже ожидается вынесение наказания в рамках другого производства (§ 154 абз. 2 УПК). В процессуальной сделке может быть также оговорен и такой пункт, по которому суд не будет больше предпринимать действий по сбору определенных доказательств; это, однако, если учесть то, что принцип официального расследования остается в силе, несмотря на допустимость процессуальной сделки, представляет собой определенную проблему. В законодательном обоснова-

нии приводится, что отказ от дальнейшего сбора доказательств «не должен выходить за рамки того, что определено обязанностью по выяснению обстоятельств дела, оставшейся в силе». В этой связи перед Верховным судом на ближайшие годы возникает задача снизить напряженность между введенным Законом О регулировании процессуальной сделки в уголовном судопроизводстве консенсуальным элементом (некоторые уже сейчас говорят о принципе консенсуса как о новом и равноправном уголовно-процессуальном принципе) и существующим принципом официального расследования обстоятельств дела.

Итак, с одной стороны, в позитивном праве установлено, что может или даже должно быть предметом процессуальной сделки. С другой стороны, законодатель составил перечень предметов, недопустимых для включения в содержание процессуальной сделки (§ 257с абз. 2 п. 3 УПК), т.е. законодатель в негативном праве ограничил возможное содержание процессуальных сделок. Процессуальная сделка об обвинительном приговоре, т.е. об уголовно-правовой квалификации обстоятельств дела, исходя из этого, является недопустимой. Поскольку и здесь имеет силу следующее: закрепленные в Конституции исконные функции судей, как то: установление применяемого уголовного закона, не могут являться предметом, по которому может быть найден консенсус между участниками производства. В равной степени предметом процессуальной сделки не могут быть меры исправления и безопасности. К ним относятся, например, превентивное заключение (мера, направленная на лишение свободы, не имеющая наказуемого характера), размещение в лечебных заведениях для алкоголиков или наркоманов, а также лишение водительских прав, вплоть до определения срока, по истечении которого лицо снова имеет право получить водительские права. Цель этих принудительных мер состоит в том, чтобы исправить опасного преступника вне зависимости от его вины и защитить от него общество. При наличии предпосылок для мер исправления и безопасности у суда нет никакой свободы действий. Поэтому они изъяты из содержания процессуальной сделки.

Возможное содержание процессуальной сделки в уголовном судопроизводстве уже представлено. Теперь рассмотрим подробнее объем и пределы ее обязательной силы, который регулируется § 257с абзац 4 п.п. 1 и 2 УПК. В общем виде ее пределы можно представить так: по закону выполнение процессуальной сделки носит обязательный характер в отношении суда, но не в отношении обвиняемого (фактически, однако, и в отношении обвиняемого). Здесь находит свое проявление разделение ролей в уголовном процессе, в котором друг другу – не считая консенсуального элемента, введенного в Уголовно-процессуальный кодекс Законом О регулировании процессуальной сделки в уголовном судопроизводстве, – противостоят субъекты, отнюдь не имеющие равные позиции, а в котором обвиняемый предстает перед лицом карающей государственной власти и, тем самым, с самого начала особенно нуждается в защите.

Для суда, следовательно, заключенная процессуальная сделка носит обязательный характер. Эта сделка, однако, имеет обязательный характер только для того суда, с которым она была заключена. Действие сделки не распространяется на апелляционный и кассационный суды. О роли кассационного суда речь пойдет немного позже.

Существует, однако, исключение в случае, если были упущены юридически и фактически значимые обстоятельства или раскрылись новые обстоятельства, на основании которых суд приходит к убеждению, что обещанные пределы наказания больше не соответствуют тяжести совершенного преступления или установленной вине. Тем самым предпосылки для отступления от сделки не носят строгого характера по сравнению с прежней правовой практикой.

Если допущенные судом ошибки позволяют отступить от выполнения условий процессуальной сделки, то у обвиняемого, признавшего свою вину, появляется большая неуверенность в том, выполняются ли условия процессуальной сделки вообще. Перед добросовестными защитниками в будущем может возникнуть дилемма: должны ли они указать суду на то, что последний, очевидно, упустил некоторые обстоятельства – к примеру, такие, которые обосновывают применение более суровых санкций перекалфикацией состава преступления, – хотя они и являются видимыми на основании документов по делу, и тем самым повлечь за собой возможные негативные последствия в отношении ожидаемой меры наказания. Защитник может указать на эти упущения, чтобы тем самым создать прочный фундамент для процессуальной сделки, однако, рискуя, что процессуальная сделка все-таки не состоится, и обвиняемому придется ожидать более сурового наказания. Защитник должен принимать в расчет тот факт, что суд учтет при определении меры наказания упущенные им до того момента отягчающие обстоятельства и обратит их не в пользу обвиняемого.

Обязывающий для суда характер процессуальной сделки перестает иметь, когда процессуальное поведение обвиняемого не соответствует положенному судом в основу прогнозу. Тем самым у суда имеется в наличии средство давления, чтобы принудить обвиняемого придерживаться процессуального поведения, которое было оговорено в содержании процессуальной сделки. Также и это нововведение частично подвергается большой критике в литературе, поскольку суд таким образом непосредственно может влиять на процессуальное поведение обвиняемого. При этом не следует забывать о том, что обвиняемый сам, по собственной воле, заявил о том, что будет придерживаться определенной формы поведения, поскольку хотел добиться заключения

выгодной, с его точки зрения, для него процессуальной сделкой.

Если суд уклоняется от выполнения условий процессуальной сделки при наличии представленных предпосылок, тогда, исходя из законодательного регулирования, признание вины, сделанное обвиняемым на основе процессуальной сделки, не может быть больше использовано (§ 257с абз. 4 п. 3 УПК). Это положение основывается на принципе справедливого ведения производства. Если же основа для признания вины выпадает, а именно, процессуальная сделка, то тогда неподобающими являются действия, направленные на то, чтобы заставить обвиняемого придерживаться сделанного им признания вины, хотя оно было сделано при других условиях.

Суд может отступать от выполнения условий процессуальной сделки только в исключительных случаях; на обвиняемого по закону обязывающий характер не распространяется. Однако, как правило, он находится под значительным фактическим давлением и вынужден придерживаться условий выполнения процессуальной сделки. По закону обвиняемый может и не делать признания, хотя его признание и являлось предметом сделки; или обвиняемый может заявить ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу, от которых он обязался отказаться при заключении процессуальной сделки. Если обвиняемый все-таки поступает таким образом, то он рискует тем, что суд теперь также не будет больше связан выполнением условий процессуальной сделки. Таким образом, у обвиняемого всегда будут мотивы придерживаться выполнения условий сделки. Фактически обязывающий характер процессуальной сделки проявляется в той степени, что процессуальная сделка урезает некоторые процессуальные права обвиняемого. К примеру, если до заключения процессуальной сделки было заявлено ходатайство об отводе судей по опасениям в пристрастности, то заключение процессуальной сделки лишает это ходатайство всякого основания. Аргументация Верховного федерального суда в этом отношении такова, что обвиняемый путем заключения процессуальной сделки показал, что у него нет никакого основания сомневаться в беспристрастности судьи. Исходя из этого обвиняемому следует хорошо поразмыслить над тем, действительно ли он хочет отступить от выполнения условий процессуальной сделки.

В заключении осмелюсь дать обобщающую

оценку новому законодательному регулированию. Закон о регулировании процессуальной сделки в уголовном судопроизводстве, как я уже отметил это в начале своего доклада, должен, с одной стороны, узаконить существовавшую до недавнего времени практику; с другой стороны, он призван пресечь злоупотребление и гарантировать прозрачность. Таким образом, закон устанавливает при заключении процессуальной сделки в уголовном судопроизводстве четкие, с точки зрения содержания и формальностей, границы. Хотел бы выделить еще раз наиболее важные пункты. В содержании процессуальной сделки может быть закреплён только высший и нижний предел наказания, но никоим образом конкретный размер наказания. Высший и нижний предел наказания должен быть определен на основе общих принципов определения наказания. Обвинительный приговор, т.е. установление нарушенного уголовного закона, является недопустимым содержанием процессуальной сделки. Сделанное на основании заключения процессуальной сделки признание вины должно проверяться судом на предмет его правдоподобности.

Принцип официального установления обстоятельств дела и обязанность суда по выяснению материальной истины остаются, таким образом, в силе. Процессуальная сделка заключается при участии всех участников производства — консенсуальным способом — и в гласном судебном заседании. Содержание процессуальной сделки подлежит, как и любое разъяснение, направленное на достижение процессуальной сделки, протоколированию на каждой стадии производства. Протоколированию также подлежит и факт отсутствия заключения процессуальной сделки. Для суда сделка носит в принципе обязывающий характер. Только при наличии определенных условий могут отпасть основания для обязывающего характера. В таком случае сделанное обвиняемым признание не может больше использоваться. Приговор, вынесению которого предшествовало заключение процессуальной сделки, может быть обжалован, как и любой иной приговор, всеми законными правовыми средствами. Отказ обвиняемого от подачи кассационной жалобы непосредственно после оглашения приговора является недействительным. Выполнение предписаний, касающихся содержания и процесса заключения процессуальной сделки, подлежит кассационному надзору.



## АННОТАЦИЯ

*Этироф этилган мақола Германия қонунчилиги бўйича жиноий судлов жараёнида процессуал битимларнинг долзарб масалаларига бағишланган. Мақолада соҳага оид Германия ва халқаро ҳуқуқий база, процессуал қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти илмий-назарий таҳлил қилинган. Мақоланинг хулоса қисмида муаллиф Германияданинг процессуал битимларга бағишланган янги қонунчиликка умумий баҳоси ўз аксини топган.*

**Бахтиёр ПЎЛАТОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг**  
**Олий ўқув курслари кафедре бошлиғи, ю.ф.д., проф.**

## ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ: ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги республикада бозор муносабатларига асосланган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритиш, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётини тубдан демократлаштириш учун кенг имкониятлар яратди.

Фуқароларнинг умумбашарий қоидаларга асосланган ҳуқуқ ва эркинликлари тенглигини кафолатловчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди ва шу асосда Ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ келувчи суверен давлатнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасида кенг қўламли ислохотлар ўтказилди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган ҳамда Конституциямизда ўз аксини топган ғоялар асосида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни босқичма-босқич, изчиллик билан давом эттирилмоқда<sup>2</sup>. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этишни, жамиятнинг маънавий янгиланиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти қурилмоқда. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Мустақиллигимиз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, миллий онг, миллий ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни шу аснода тарбиялаш имкониятини бермоқда, бугунги жамиятимизнинг руҳий ва мафкуравий оламини ўзгартирмоқда ва асл ўзбек миллатига мансуб қиёфа, дунёқараш ва фазилатларга ўзгалар эътиборини тортмоқда, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда<sup>3</sup>.

Конституциямизда белгилаб қўйилган мақсад ва

вазифаларни амалга ошириш йўлидаги ислохотлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тўла қамраб олаётир. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги принципи суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни ҳаракатлантирувчи қудратли омилига айланди<sup>4</sup>. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар натижасида жамият, фуқаро, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига давлат ёндашуви жиддий такомиллашяпти. Давлат бошқарувининг жаҳон андозаларига мос янги ҳуқуқий механизми шаклланди.

Мамлакатда давлатнинг алоҳида тармоқларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, бусиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мумкин эмас. Ўз-ўзидан равшанки, бу жараён ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ҳам қамраб олади.

Суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ҳозирги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиб, уни шу кун талабларига мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида урғу берилмоқда. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» амалда самарали татбиқ этилмоқда.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш маданияти — юксак ҳуқуқий маданиятнинг узвий қисми сифатида — демократик жамиятнинг асоси ва баркамол ҳуқуқий тизимнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Конституция, қонунни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамият, сиёсий ва ҳуқуқий тизим фаолияти самарадорлигининг асосий шартларидандир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар Конституция,

амалдаги қонунлар ва умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда бу идораларнинг роли катта, у эса уларни тўғри ва аниқ ишлашларида намоён бўлади. Улар фаолиятидаги бугунги кундаги асосий масалалардан бири кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, назорат ва бошқарувни тўғри ва илмий асосланган ҳолда ташкил қилиш, кадрлар фаолияти устидан назоратнинг таъсирини ва самарасини кучайтиришдан иборатдир.

Жамоатчилик онгида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалда энг аввало, жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи ҳамда бу курашни асосий ва белгиловчи йўналиш сифатида қаровчи орган сифатида қаралади. Уларнинг функциялари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузилишларининг олдини олиш орқали ижтимоий тузум, унинг сиёсий ва иқтисодий тизимлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза қилинишига кўмаклашишдан иборатдир. Афсуски, ҳамма ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлар ҳам бу вазифаларни тўлақонли бажармоқдалар деб бўлмайди.

Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасида ҳақли равишда “Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки кўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмоқда. Шундайлар ҳам борки, улар одамларнинг хато ва бахтсизликлари ҳисобига ўзларининг ғаразли, тамағирлик мақсадларига эришишга уринади. Бундай ходимлар халқ ҳақида, давлатнинг обрўси ва фаровонлиги ҳақида мутлақо ўйламайди” деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимиз раҳбари қайд қилинган маърузада барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга таллуқли қўйидаги фикрларни ҳам билдирган эди. Яъни, “Ушбу касбни танлаган айрим ходимларнинг махсус хизмат либосини кийиши билан бирданига юриш-туриши, хулқ-атвори ўзгариб қолади. Уларнинг онгида “Биз — давлатнинг ўта ишончли одамларимиз, қолганлар эса биз назорат қилиб туришимиз лозим бўлган омма, холос” деган кайфият пайдо бўлади”<sup>5</sup>.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фикрлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг айрим ходимлари томонидан ариза ва шикоятларни кўриб чиқишдан бошлаб, жиноятларни рўйхатга олиш, жиноят иши кўзғатиш, тергов қилиш, судларда ишларни кўрилишигача бўлган даврларда содир этилаётган қонунбузилиш ва хато-камчиликларда кўринади. Айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишига тўсқинлик қилаётганликлари уларнинг ҳақли

равишда норозилигини келтириб чиқариб, тегишли идораларга шикоят билан мурожаат қилишларига сабаб бўлмоқда.

Бу идораларнинг бирламчи асосий вазифаси шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигини жиноий тажовузлардан сақлашдан иборат. Бу билан яна бир бор Ўзбекистонда инсон давлат учун эмас, балки давлат инсон учун мавжуд эканлиги таъкидланди. Республика ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари томонидан фуқароларни ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, жиноятларни тезкорлик билан тўла очиш, терговни сифатли ўтказиш ва суд орқали уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш бўйича маълум ишлар амалга оширилмоқда, лекин айни пайтда бу масалада камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Ишимизга танқидий баҳо берган ҳолда айтиш мумкин, жойларда бу муҳим ишга етарли даражада эътибор берилмаётир. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари ходимларининг қонун билан белгиланган бурчи бўлсада, лекин бу бурчни эсдан чиқариб қўйиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Тахлиллар кўрсатишича, айрим жиноят ишлар бўйича терговнинг малакасиз ва сифатсиз ўтказилиши, жиноят-процессуал қонун талабларининг қўпол равишда бузилиши — фуқароларнинг ҳуқуқлари поймол қилинишига, ишлар сансоларликка солиниши, жиноятларнинг асл сабаб ва шарт-шароитлари фож қилинмаслиги ва бартараф этилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Жиноят ҳақидаги хабарни текшириш, жиноят иши кўзғатиш, уни тергов қилиш, ишни судда кўриш, яқунлаш босқичида процессуал қонунчиликка сўзсиз риоя этиш — жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлибгина қолмай, балки ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг ҳуқуқий маданияти кўрсаткичини ҳам ифодалайди.

Ҳуқуқий маданияти паст инсон, ожиз ҳуқуқий онги билан ҳар қадамда ўз вазифасини бажармайди, ваколатидан четга чиқиб уни ўзича кенгайтириб, майда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар, пора олиш ва мансабини суиистеъмол қилиш каби жиноятларни содир этади ва жамиятга катта зарар етказиши.

Кузатишлар, айрим ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларида ҳуқуқни муҳофаза этишга лоқайдлик, тегишли зарурий чораларни кўрмаслик ва қонунни нотўғри талқин этиш ҳоллари учрашини кўрсатмоқда. Афсуски, охириги пайтларда ўз шахсий фикрини устун қўйиш, улардаги камчиликларни сезмаслик, оқибат натижада мансаб ваколатидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноятчилик ҳолатлари учрамоқда.

Шу ўринда, мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлисининг 4-сессиясидаги (1995 йил 22 декабрь) қўйидаги сўзларини эслаш жоиз бўларди: “Аммо мен бугун ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талаби — давлатимизда қонунларни амалга оширишга, қонунийликни таъминлашга сафарбар этилган кишиларни, уларни аниқ ва оғишмай ижро этиш-

ни талаб қилиш тўғрисида алоҳида гапирмоқчиман. Мен ҳокимият тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза этиш, суд ва назорат органларини назарда тутяпман. Сир эмаски, оддий фуқаро, аввало, давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажараётганига эътибор беради. Агар шундай бўлмаса, агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилса, мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади<sup>1</sup>.

Маълумотларга кўра, ўтган 2010 йилда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига оид ариза ва хабарларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига нисбатан 500 дан зиёд жиноят ишлари қўзғатилган. Бу ҳуқуқни муҳофаза этиш идоларининг айрим ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларда белгилаб берилган вазифаларини бажармай, давлат сиёсатига путур етказётганликларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилатган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юқсак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир<sup>2</sup>. Бу фикрлар кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига тааллуқли бўлиб, улар аҳолининг бошқа қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият борасида ўрнак бўлишлари керак.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий маданияти тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, ходимнинг ташқи кўринишидан бошлаб унинг касб маҳорати даражаси, жиноят процессининг бар-

ча бошқичларида процессуал қонунчилик нормаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда уни амалий фаолиятда қўллаш билишигача бўлган кенг ижтимоий тушунчани ташкил қилади.

Кўрилатган чора-тадбирлар ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнига, шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар биримиз қонун бўйича яшаш ва меҳнат қилишни, қонун орқали ҳуқуқ ва эркимизни ҳимоя қилишни, юклатилган мажбуриятларни қатъий бажаришни ўрганишимиз, мунтазам равишда ўзимизни ва бошқаларни шу аснода тарбиялашимиз лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш тизимларида қонунбузилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг мавжудлигига йўл қўймастик уни келтириб чиқарувчи сабаблар ва унга имкон туғдирадиган шарт-шароитларнинг бартараф этилишига боғлиқ.

Ходимларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини ошириш, ишчанлик ва касбий фазилатларини такомиллаштириш билан бирга, уларнинг ватанпарварлик, Ватан ва хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ахлоқий-руҳий фазилатларни шакллантиришга алоҳида урғу берилиши лозим.

Инсоннинг ҳар томонлама камол топиши, ҳаётининг фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитлари, таъсирчан механизмларини яратиш, халқнинг бой интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш мамлакатимиз Конституцияси ва тараққиётининг муҳим шarti ҳисобланади<sup>3</sup>.

## АННОТАЦИЯ

*Статья посвящена правовой культуре, как одной из важнейших гарантий защиты прав и свобод граждан. Во вводящей части статьи автор осуществляет обзор развития правовых реформ, проводимых в нашей стране и их влияние на правовую культуру населения. В основной части статьи раскрываются фундаментальные основы повышения правовой культуры населения и некоторые вопросы влияния правовой культуры на правоприменительную практику. В заключительной части автор осуществляет подробный обзор места и важности правовой культуры в формировании высококвалифицированных кадров в нашей стране.*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддаси. -Т.: Ўзбекистон, 2008.

<sup>2</sup> Қодиров Р.Х. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари тўплами. Сўз боши. -Т., 2006 йил, 3-бет.

<sup>3</sup> Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. -Т., / «Халқ сўзи», 2006 йил, 2 сентябрь.

<sup>4</sup> Қодиров Р.Х. Конституция ва қонунлар устунлиги — тараққиёт кафолати.-Т./ «Қонун ҳимоясида», 2004, 12(108),1-бет.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.-Т.: Ўзбекистон, 2002, “Адолат — қонун устуворлигида”, 35, 36, 45, 46-бетлар.

<sup>6</sup> Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 йил 12 ноябрь.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. - Т., 2001, “Олий таълим вазирлиги меъёрий ҳужжатлар тўплами”, 20-бет.

Қаҳрамон ИБРОҲИМОВ,  
Навобий вилоят прокурорининг ўринбосари

## ОҚИЛОНА СОЛИҚ СИЁСАТИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ КАФОЛАТИДИР

Мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳар йили корхона-ташкilotлар раҳбарлари ва ҳисобчилари, хусусий тадбиркорлар ва фуқаролардан солиқ маъмурчилигига оид масалалар юзасидан тушаётган талаб ва таклифлар, амалиётда учраётган муаммолар ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқиб, кейинги йил учун солиқ-бюджет сиёсати концепцияси ишлаб чиқилади. Хусусан, 2011 йил учун солиқ-бюджет сиёсати концепциясини ишлаб чиқишга доир ишлар ўтган йилнинг апрель ойида бошланган эди. Бу йўналишда мутасадди вазирлик ва идораларда Ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, бевосита солиқ тўловчилар кўтараётган масалаларни ўрганиш асосида уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди ва умумлаштирилган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида муҳокама қилиниб, Концепция шаклида маъқулланди.

Ушбу концепция асосида 2010 йил 24 декабрда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1449-сонли Қарор қабул қилинди.

Юртбошимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, улар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш ва уларга молиявий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида, ягона солиқ тўлови ставкаси 2005 йилдаги 13 фоиздан 2010 йилда 7 фоизгача пасайтирилган бўлса, 2011 йилда яна 1 фоиз пунктига туширилиб, 6 фоиз миқдорида белги-

ланди. Ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва ягона ер солиғи ставкалари 20 фоизга индексация қилинди. Товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмидан бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ҳисобланадиган мажбурий ажратмалар ставкалари республика йўл жамғармаси бўйича 2010 йилги 1,5 фоиздан 1,4 фоизгача пасайтирилди.

Аҳамиятга молик бўлган яна бир ҳужжат яъни, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 49<sup>3</sup>-модда билан тўлдирилиб, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини белгиланган миқдорларда тўлашдан бўйин товлаш, кечиктириб тўлаш ва умуман тўламаслик ҳолларида хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Ушбу норма киритилишининг асосий сабаби шундаки, амалиётда нафақат хўжалик юритувчи субъектлар балки бюджет ташкilotлари томонидан ҳам белгиланган нафақаларни тўламаслик ҳоллари учрамоқда.

Шунингдек, ушбу кодекс янги 175<sup>5</sup>-модда билан тўлдирилиб, унга кўра ходимлар сонини яширганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 158-моддаси тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки уларни тугатишдан олинган фойда юридик шахслардан оли-

надиган фойда солиғини тўлашдан озод этилишини назар тутувчи қоида билан тўлдирилди. Мазкур меъёр корхоналар балансида бўлган эски жиҳозларни янгисига алмаштириш учун қўшимча рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилади.

Мазкур кодекснинг 356-моддасида ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган база тўлиқ амортизацияланган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки уларни тугатишдан олинган даромадлар суммасига камайтирилиши назарда тутилди.

Кодекснинг 308-моддасига халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондлари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грантлар ҳисобига олинadиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларни ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларидан озод этишни назарда тутувчи қўшимча киритилди.

Яна бир муҳим ҳужжат, яъни давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 8 январда қабул қилинган “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор билан солиқ органларининг солиқ қонунчилигини ва Давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш бўйича белгиланган топшириқларни бажариш масалаларидаги ваколатлари кенгайтирилди ва роли оширилди.

Мазкур қарор талаблари асосида ишлаб чиқилган “Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Негаки, мазкур ҳужжат билан мамлакатимизнинг Солиқ ва Жинойат-процессуал кодексларига, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жинойат-процессуал кодексининг 38-моддаси 10-бандига мувофиқ фақат бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ҳаракатлари ўтказиш ваколати Давлат солиқ қўмитасининг янги тузилган Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош

бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларига берилди.

Бу эса, бозорлар ва савдо мажмуаларида солиқ қонунчилигига риоя этилишини қатъий назорат қилиш ҳамда жинойий ишлар юзасидан тегишли чоралар кўриш имконини беради.

Шунингдек, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тушумлари ҳисобининг тўлиқлиги, назорат-касса машиналари, ҳисоб-китоб терминалларидадан фойдаланилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши устидан қисқа муддатли текширишлар ўтказиш фақат Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси ва Солиқ кодексининг 88-моддасида бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, шунингдек, уларнинг ҳудудида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан қисқа муддатли текшириш ўтказишга Давлат солиқ хизмати органи бошлиғининг текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувни ўтказувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган буйруғи асос бўлиши ва фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилишини ифодаловчи меъёр ўз аксини топди.

Шуни алоҳида мамнуният билан айтиш керакки, 2011 йил давлатимиз раҳбари томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниб, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тасдиқланганлиги муносабати билан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар яратилди.

Ушбу дастур билан кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга бир қатор янги имтиёз ва енгилликлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг режа жадвалидаги текшириладиган субъектларнинг сони сезиларли даражада қисқартирилмоқда.

Бу ҳам бўлса давлатимизда тадбиркорликни эркин ривожланиши учун янада кенгрок имконият яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъектлари

ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланиши устидан назоратни амалга ошириш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бу масалада Президентимиз томонидан жорий йилнинг 21 январ куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда прокуратурага алоҳида вазифа юкланди.

Шундан келиб чиқиб, 2011 йилнинг 9 февралда Бош прокурорнинг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида”ги 87-сонли буйруғи қабул қилинди.

Мазкур буйруқ талабларидан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органлари томонидан ҳозирда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари ҳар ўн кунда ўрганилиб, бунда айниқса, тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳужжатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек, давлат бошқаруви, назорат-

текширув ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг таъминланиши устидан мунтазам равишда мониторинглар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан Департамент органлари томонидан таҳлил асосида жиноят иши қўзғатиш амалиётига чек қўйилиб, истисно тариқасида фақат жуда кўп миқдордаги зарар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича вилоят прокурорининг розилиги билан шу тартибда жиноят иши қўзғатилиши тартиби жорий қилинди.

Буларнинг барчаси шубҳасиз тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоясини таъминлайди десак, муболаға бўлмайди, албатта.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, давлатимиз томонидан солиққа оид ҳамда бошқа қонун ҳужжатларини мукаммаллаштириш, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантиришга доир олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотлар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга замин яратади.



## АННОТАЦИЯ

Статья посвящена рациональной налоговой политике, как одному из важных критериев развития экономики. В ней освещаются основные нормативно-правовые основы национальной системы налогообложения, приоритетные направления льготного налогообложения и защиты прав субъектов предпринимательской деятельности. Так же в статье приводятся статистические данные и конкретные практические примеры. В заключении автор приходит к выводу, что реформы в сфере налоговой политике и политике защиты частного предпринимательства являются важным аспектом развития национальной экономики.

**Исамиддин ИСМАИЛОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш**  
**кафедраси бошлиғи, ю.ф.д., проф.**

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАБИАТИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгандан кейинги ўтган давр ичида ички ишлар органларини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар ҳафсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантиришни кўзлаб<sup>1</sup> амалга оширилган ислохотлар жамиятда тинчлик ва осойишталикни, турли кўринишдаги таҳдидлар ва ҳужжатлар кучайиб бораётганлигига қарамаздан жиноятчилик устидан ижтимоий-ҳуқуқий назоратни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлашнинг яхлит тизими шаклланди ва у ўзининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асосларига эга. 2008 йил 8 январда “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлашни янги бир босқичга кўтарди.

2010 йил 30 сентябрдан кучга кирган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун бевосита “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши: биринчидан, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси соҳасидаги ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этди; иккинчидан, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонунности меъёрий ҳужжатлари ўртасидаги зиддиятлар ва ноаниқликларга; учинчидан, фаолият олиб борувчи субъектлар ваколатларидаги ноаниқлик ва қайтарилышларга барҳам берди; тўртинчидан, субъектлар, шу жумладан, ички ишлар органларининг бу соҳадаги фаолиятини либераллаштириш ва демократлаштиришни янада чуқурлаштиришга, му-

вофиқлаштириш ва ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимидаги кирувчи субъектлар, шунингдек, уларнинг ҳар бирининг ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Ҳар бир субъект ваколатларининг аниқ белгилаб берилиши бугунги кунда ушбу соҳада мавжуд бўлган “бу бизга тааллуқли эмас”, “бу бизнинг ишимиз эмас”, “бунга биз ваколатли эмасмиз”, “бизнинг ишга аралашманг” каби вазорат билан йўл қўйилиб келинаётган сансизликни бартараф этишга хизмат қилади.

Бугунги кунда шахс, жамият ва давлат, айниқса ўсиб келаётган авлод ҳафсизлигига таҳдид солаётган турли кўринишдаги тажовузларнинг олдини олишда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимидаги кирувчи ички ишлар органлари фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида ички ишлар органлари, биринчидан, энг кўпсонли ходимлар таркибига эга бўлган, иккинчидан, энг кўп қиррали фаолият олиб борувчи, учинчидан, давлат мажбурлов усули билан бир вақтда ўз фаолиятида, шу жумладан, вояга етмаганлар билан ижтимоий профилактикани амалга оширувчи махсус хизмат ва муассасаларга эга бўлган тизимдир.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимида ички ишлар органлари худди шундай махсус хизмат ва муассасаларга эга бўлган марказий субъект ҳисобланади. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмала-

ридан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан иборатдир.

Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади<sup>2</sup>.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари табиатини уларга берилган ваколатлар белгилаб беради десак, хато қилмаймиз. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларининг ваколатларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни нормалари тахлили асосида уларнинг асосий фаолият йўналишларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

а) ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш;

б) қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни аниқлаш;

в) вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган, уларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни аниқлаш;

г) вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш;

д) вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини, сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритиш;

е) вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлар ва аризаларини кўриб чиқиш;

ж) вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш учун ҳужжатларни тайёрлаш;

з) вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этиш;

и) вояга етмаганлар билан олиб борилётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш;

к) вояга етмаганлар томонидан содир этилган

ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек, статистика ҳисоботларини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йиғиш ва умумлаштириш.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари табиати юқорида кўрсатилган фаолият йўналишлари ва уларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларга эгалигида яна ҳам яққол намоён бўлади.

Биринчидан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ўзларига берилган ваколат доирасида амалга оширадиган фаолият йўналишларини самарали ташкил этишлари учун, энг аввало, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига кирувчи: вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар; таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари; васийлик ва ҳомийлик органлари; соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари<sup>3</sup> билан яқиндан доимий ҳамкорлик қилишлари талаб қилинади. Шунингдек, алоҳида қайд этиш жоизки, ушбу ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалар ташаббускор ва ташкилотчи бўлишлари керак. Яъни вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикасида оид бўлган ҳар қандай масала ва муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, муҳокамага олиб чиқиш, уларни ҳал этиш бўйича бошқарув қарорларини ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда асосий масъулиятни ўз зиммасига олишлари керак.

Иккинчидан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларига вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чо-

раларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритиш бўйича махсус ваколатлар берилган<sup>4</sup>.

Учинчидан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига кирувчи субъектлар орасида фақатгина ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ва вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини унинг шахси ва ён-атрофидагиларнинг ўзига хос хусусиятларини, содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг хусусиятини, оилавий тарбия шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориш ваколатига эга. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига кирувчи ва бошқа субъектлар эса ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этадилар<sup>5</sup>.

Тўртинчидан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари республикада, унинг барча маъмурий ҳудудий бирликларида вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлиги аҳволини объектив баҳолаш учун зарур бўлган ахборотларга эга бўлган, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимида ахборот алмашувнинг марказий субъектига айланган ва уларни бу соҳадаги тегишли ахборотлар билан таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи органдир.

Бешинчидан, вояга етмаганлар ўртасида назо-

ратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ички ишлар органлари тизимида унинг бошқа барча соҳавий хизматлари таркибий тузилмаларининг ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш фаолиятларини методик жиҳатдан таъминлашни ҳамда уларнинг бу соҳадаги ҳамкорлигини мувофиқлаштиришни ўз зиммасига олишлари керак.

Бундай серқирра, мураккаб ва ўта масъулиятли фаолиятни амалга оширувчи ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари таркибида, биринчи навбатда, ҳуқуқий, педагогик, психологик билимларни чуқур эгаллаган, ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсата оладиган, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, юксак профессионализм, ҳушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш каби асосий хусусиятларга эга бўлган ходимлар фаолият олиб боришига эришиш керак. Улар ўз фаолиятини, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашга қаратган тақдирдагина муваффақиятга эришиши мумкин<sup>6</sup>.

Хулоса тариқасида шуни қайд этиш жоизки, бугунги кунда ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкилий-тактик, методик, кадрлар билан ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар, албатта, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари профилактикаси соҳасида ижобий самараларга эришишга хизмат қилади.



## АННОТАЦИЯ

*Вышеуказанная статья посвящена правовой природе деятельности специальных подразделений органов внутренних дел по делам несовершеннолетних. В вводной части статьи автор проводит обзор фундаментальных основ защиты прав и свобод ребенка в Республике Узбекистан и подробно освещает достижения в данной сфере. В основной части статьи осуществляется тщательный анализ национального законодательства в этой сфере и освещается деятельность органов внутренних дел по профилактике правонарушений и безнадзорности среди несовершеннолетних. В заключительной части автор приходит к выводу, что деятельность органов внутренних дел в сфере профилактики детских правонарушений и беспризорности среди несовершеннолетних является положительной и эффективной.*

<sup>1</sup>Қаранг: Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 403-404.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 – 39-сон, 341-м.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 – 39-сон, 341-м.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 – 39-сон, 341-м.

<sup>5</sup> Ўша жойда

<sup>6</sup>Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постада. – 2007. – 25 окт.

**Умида ТУХТАШЕВА,**  
заведующая кафедры "Суд и правоохранительные органы" Ташкентского  
государственного юридического института, к.ю.н., доцент

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ ЗА ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ СУДА И ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ

В современном демократическом обществе нет какой либо сферы государственной жизни, которая была бы закрыта для общества и могла бы автономно существовать вне общественного контроля. Власть мгновенно ставится под сомнение, как только становится известным, что она что-то скрывает, или даёт недостаточно точную или исчерпывающую информацию. Соответственно прозрачность (прозрачность) органов государственной власти - это не только обязательство государств перед гражданским обществом, но и важнейший механизм легитимации власти в обществе. Поэтому власть чтобы быть легитимной должна быть прозрачной (прозрачной) в самом широком смысле этого слова: публичной, гласной и подконтрольной обществу. В этой связи предложение Президента Республики Узбекистан о разработке и принятии Закона "Об общественном контроле Республики Узбекистан", направленного на создание системного, эффективного правового механизма, осуществления контроля за исполнением актов законодательства органами государственной власти и управления со стороны общества, гражданских институтов приобретает особую важность.

Это в равной мере относится как к деятельности судов, так и органов прокуратуры. Но ни в Законе "О судах", ни в Законе "О прокуратуре" нет упоминаний об общественном контроле. Между тем, это не означает, что деятельность этих органов государства находится вне контроля общества.

Судебная власть как важнейший институт государства, также нуждается в общественном контроле. Убеждения в справедливости суда укрепляются только в том случае, когда каждый шаг судебной деятельности открыт и известен обществу. Открытость правосудия значительно более глубокое понятие, нежели просто гласное ведение судебного разбирательства или оглашения судебных решений. В сущности, она приоритет гражданского общества над государством в судопроизводстве. Именно открытость судебной власти позволяет осуществлять действенный общественный контроль за судебной деятельностью.

Остановимся на некоторых проявлениях общественного контроля за деятельностью судебной власти, которые существуют в настоящее время.

Общественный контроль за формированием судеб-

ного корпуса. В соответствии с Положением о квалификационных коллегиях судей вопросы формирования резерва судей, выдвижения кандидатов на конкретную судебскую должность и решения вопроса о дисциплинарной ответственности судей возложено на названные коллегии судей. При этом необходимо отметить, что квалификационные коллегии судей не являются государственным органом или органом какого-либо суда. Квалификационные коллегии судей являются органом судебного сообщества, которые избираются на конференциях судей.

Квалификационные коллегии судей имеют право запрашивать необходимую для осуществления их полномочий информацию от руководителей государственных органов и общественных объединений. На её заседаниях вправе участвовать и судьи, не являющиеся членами квалификационной коллегии судей и высказать своё мнение о кандидате на должность судьи. Высшая квалификационная комиссия по отбору и рекомендацию на должности судей при Президенте Республики Узбекистан также по существу является общественной комиссией, абсолютное большинство членов которой осуществляют свою деятельность на общественных началах.

Одним из проявлений общественного контроля за судебной деятельностью является институт народных заседателей. В соответствии с законом уголовные дела о тяжких и особо тяжких преступлениях районными (городскими), областными судами рассматриваются с участием народных заседателей. Народные заседатели при осуществлении правосудия пользуются всеми правами судей. При разрешении дела они действуют не только как судьи, но и как представители общественности, выражают мнение общественности в отношении к рассматриваемому делу.

Важное значение имеет участие представителей общественности в производстве по уголовным делам. В соответствии со статьей 21 УПК представители общественных объединений и коллективов вправе участвовать в производстве по уголовным делам в качестве общественных обвинителей и общественных защитников.

Общественные обвинители и общественные защитники принимая участие в судебном процессе выполня-

ют не только свои процессуальные обязанности, предусмотренные в УПК, но и осуществляют общественный контроль за ходом разрешения уголовного дела судом.

Другой важнейшей формой общественного контроля является контроль, осуществляемый средствами массовой информации. В соответствии с законом разбирательство судебных дел во всех судах осуществляется открыто. На судебных заседаниях вправе участвовать и представители средств массовой информации. Средства массовой информации вправе распространять информацию о рассмотренных судами делах, излагать свою точку зрения по вопросам законности, обоснованности и справедливости судебных решений.

В практике Уполномоченного Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (омбудсмана) - института гражданского общества - появилась такая форма общественного контроля за деятельностью судов как проведение мониторинга обеспечения права граждан на доступ в суды; участие членов Комиссии по соблюдению конституционных прав и свобод человека в судебных заседаниях, а также составление и направление должностным лицам судов заключений по судебным делам, по которым судебное решение вступило в законную силу. Заключение Омбудсмана, по существу, является результатом общественной экспертизы судебных решений, вступивших в силу.

Следующая форма общественного контроля за судебной деятельностью является контроль, осуществляемый участниками процесса: подсудимый, потерпевший, истец, ответчик, их представители, адвокат, защитник.

Контроль указанных лиц однозначно относится к общественному контролю, конечно, нельзя. Однако, особенно адвокат, участвуя в процессе в интересах подзащитного, доверителя, высказывает в судебном процессе своё мнение по тому или иному вопросу, разрешаемому судом. Вместе с этим он как лицо, знающее судопроизводство изнутри, может высказать своё мнение не только по конкретному делу, он может изложить свои суждения вообще о состоянии судопроизводства, в том числе в средствах массовой информации, тем самым создать общественное мнение, которое, в конечном счете, влияет на соблюдение законности при рассмотрении дел в судах.

О контроле за деятельностью органов прокуратуры. Анализ законодательных актов свидетельствует о наличии таких видов контроля за деятельностью прокуратуры как:

- а) оперативный контроль, осуществляемый Президентом Республики Узбекистан;
- б) контроль органов представительной власти;
- в) судебный контроль;
- г) общественный контроль;
- д) специальный контроль, осуществляемый органами юстиции.

Вкратце рассмотрим указанные виды контроля.

I. Оперативный контроль. Данный контроль осуществляет Президент Республики Узбекистан. Так, согласно статье 14 Закона "О прокуратуре", Генеральный прокурор Республики Узбекистан представляет Президенту Республики Узбекистан информацию:

— о состоянии законности и борьбы с преступностью - систематически;

— об особо тяжких преступлениях и чрезвычайных происшествиях - незамедлительно;

— о работе, проделанной органами прокуратуры, - каждые шесть месяцев.

II. Контроль органов представительной власти. Субъектами указанного вида контроля являются Сенат Олий Мажлиса, Законодательная палата Олий Мажлиса, Кенгаши народных депутатов.

Контроль со стороны Сената может проявляться в двух формах. Первая - утверждение Указов Президента Республики Узбекистан о назначении и освобождении от должности Генерального прокурора Республики Узбекистан. Вторая форма - подотчетность. Так, согласно статье 80 Конституции установлена подотчетность Генерального прокурора Республики Узбекистан перед Сенатом Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

Контроль Законодательной палаты (иными словами, парламентский контроль). Законодательная палата вправе направить парламентский запрос должностным лицам органов государственной власти (в том числе и прокурорам) и управления с требованием дать обоснованное разъяснение или изложить свою позицию по вопросам, входящим в их ведение.

Кроме того, комитеты законодательной палаты при осуществлении контрольно-аналитической деятельности вправе изучить исполнение тех или иных законов органами прокуратуры.

Еще одна важная форма контроля представительной власти реализуется в соответствии со статьей 5 Закона Республики Узбекистан "О прокуратуре". Так, согласно ей прокуроры областей, города Ташкента, районов и городов, приравненные к ним прокуроры ежегодно информируют соответствующие Кенгаши народных депутатов (местные органы представительной власти) о состоянии законности и борьбы с преступностью.

III. Судебный контроль. Особое место среди форм контроля за деятельностью органов прокуратуры занимает судебный контроль. В свою очередь, судебный контроль может быть разделен на следующие разновидности: конституционный и судебный (осуществляемый судом по уголовным делам).

1) Конституционный контроль базируется на норме 13 Закона Республики Узбекистан «О прокуратуре», согласно которой указы и другие акты Генерального прокурора Республики Узбекистан (за исключением актов индивидуального характера), в случае противоречия их Конституции и законам Республики Узбекистан, отменяются на основании решения Конституционного суда Республики Узбекистан.

2) Судебный контроль (осуществляемый судом по уголовным делам) базируется на нормах Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан. Данный контроль можно различать в зависимости от того, на какой стадии уголовного судопроизводства он осуществляется: а) предварительный судебный контроль; б) последующий судебный контроль на судебных стадиях уголовного процесса.

а) Предварительный судебный контроль выражается в рассмотрении и разрешении ходатайств, связанных с применением меры пресечения в виде заключения под стражу; в рассмотрении и разрешении судом ходатайства прокурора о продлении срока содержания под

стражей (с 2008 года); об отказе в возбуждении уголовного дела или о прекращении уголовного дела либо об освобождении от наказания осужденного на основании акта амнистии (с 2009 года).

б) Последующий судебный контроль на судебных стадиях уголовного процесса выражается в обнаружении нарушений уголовного, уголовно-процессуального закона, допущенных в ходе дознания и предварительного следствия, а также в ходе судебного разбирательства как в суде первой, так и в апелляционной, кассационной, надзорной инстанциях. Результат указанного контроля может быть выражен в вынесении оправдательных приговоров, прекращении уголовного дела или возвращении его на дополнительное расследование; в вынесении частного определения, постановления об обнаруженных судом нарушениях законности.

IV. Общественный контроль. Одним из контролей за деятельностью органов прокуратуры является общественный контроль. Правовая основа указанного контроля заложена в Законах "Об органах самоуправления граждан" (статья 10); "О негосударственных некоммерческих организациях" (статья 7); "О гарантиях деятельности негосударственных некоммерческих организаций" (статья 6), а также в Законе "О прокуратуре".

а) Отчетность прокуроров на сходах граждан. Так, согласно статье 10 Закона "Об органах самоуправления граждан" сход граждан поселка, кишлака, аула и махали города (который является институтом гражданского общества) осуществляет общественный контроль за исполнением законов и иных законодательных актов. Выражается это также и в заслушивании отчетов прокуроров о состоянии законности и борьбы с преступностью (ст. 5 Закона "О прокуратуре").

б) Участие общественности в производстве по уголовным делам. Уголовно-процессуальный кодекс содержит ряд норм, регламентирующих формы и способы участия представителей общественных объединений и коллективов в производстве по уголовным делам (ст.ст. 21, 40-44 УПК), в производстве следственных действий (ст. 73 УПК), в применении и осуществлении отдельных мер пресечения (ст.ст. 249, 251, 252 УПК), предупреждение и раскрытие преступлений (ст. 300 УПК), участие общественности в предварительном следствии (ст. ст. 349, 352 УПК); в судебном разбирательстве уголовного дела (ст.ст. 406, 407 УПК), при решении вопросов, связанных с порядком обращения и исполнения приговора, определения и постановления (ст.ст. 531, 541, 545 УПК), производстве по делам о преступлениях несовершеннолетних (ст.ст. 551, 555-556 УПК).

в) Общественный контроль в форме реализации права на доступ к информации. Указанная форма контроля базируется на нормах статьи 6 Закона Республики Узбекистан "О гарантиях деятельности негосударственных некоммерческих организаций", согласно которой негосударственные некоммерческие организации вправе обращаться в государственные органы (в том числе и в прокуратуру) и к их должностным лицам с запросом на получение информации, необходимо для осуществления уставной деятельности. При этом, указанные органы обязаны обеспечить ННО возможность ознакомления с актами законодательства, документами, решениями и иными материалами, затрагивающими их права и законные интересы.

г) Следует отметить, что контроль за отдельными действиями органов прокуратуры могут осуществлять и органы юстиции. Так, согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2 мая 2003 года за № 205 "О дополнительных мерах по усилению правовой защиты прямых иностранных инвестиций" в целях обеспечения более благоприятных условий для привлечения в республику прямых иностранных инвестиций, создания действенного механизма их надежной правовой защиты, дальнейшего улучшения на этой основе инвестиционного климата в стране на Министерство юстиции Республики Узбекистан возложена задача по обеспечению правовой защиты иностранных инвесторов и предприятий с иностранными инвестициями. В этих целях Министерству юстиции Республики Узбекистан имеет право изучать обоснованность привлечения иностранных инвесторов и предприятий с иностранными инвестициями к ответственности путем ознакомления с необходимыми документами, в том числе с материалами уголовных, гражданских и административных дел, тем самым осуществлять контроль за обоснованностью совершенных прокурором действий. Данный контроль может быть обозначен как специальный контроль.

Таким образом, анализ законодательства Республики Узбекистан по вопросу действующего механизма контроля за деятельностью судов и органов прокуратуры позволяет заключить, что осуществляемый контроль направлен на обеспечение наиболее полного выполнения задач, стоящих перед судами и органами прокуратуры по защите прав и свобод человека, общества и государства путем соблюдения верховенства закона и укрепления законности. При этом указанные формы контроля реализуются без вмешательства в разрешение конкретных дел, а также со строгим соблюдением принципа независимости суда и органов прокуратуры.

Общественный контроль за деятельностью судов и органов прокуратуры воспринимается работниками указанных органов и некоторыми представителями юридической общественности неоднозначно. Некоторые утверждают, что общественный контроль посягает на независимость судей и органов прокуратуры. Здесь, ради справедливости, необходимо отметить, что руководство Генеральной прокуратуры и Верховного суда Республики Узбекистан относится к общественному контролю лояльно и с пониманием. В демократическом государстве судебная власть, как и другие ветви власти, а также прокуратура призваны служить обществу. Полномочия судей и прокуроров непосредственно связаны с их ответственностью, которая подразумевает, в первую очередь, подотчетность судейского корпуса и прокуроров обществу. В силу сниженных возможностей правомерного контроля со стороны других ветвей власти за деятельностью судов и органов прокуратуры особое значение приобретает общественный контроль.

На наш взгляд, при разработке проекта Закона "Об общественном контроле Республики Узбекистан" и совершенствовании общественного контроля за деятельностью судов и органов прокуратуры, а также других правоохранительных органов, следует учесть следующее:

1) Закон "Об общественном контроле Республики Узбекистан" должен быть "рамочным законом", т.е. определяющим общие нормы осуществления обществен-

ного контроля. Как подчеркнул Президент, в нем необходимо определить виды, формы и субъектов общественного контроля, предмет контроля, правовые механизмы его осуществления, а также условия наступления ответственности должностных лиц за неисполнение действующего законодательства в этой сфере. Остальные вопросы, связанные со сферой осуществления общественного контроля, необходимо решить в соответствующих отраслевых законах в зависимости от предмета контроля.

2) При совершенствовании общественного контроля необходимо найти баланс между интересами общества и обеспечением независимости при разрешении конкретных дел судов и органов прокуратуры. Следует изучить возможности закрепления в законах о судах, прокуратуре и других законодательных актах норм о пределах и способах осуществления общественного контроля соответственно за деятельностью судов, органов прокуратуры и других правоохранительных органов.

3) Эффективность общественного контроля во многом зависит от транспарентности судов, органов прокуратуры и других правоохранительных органов. Поэтому следует изучить возможности обеспечения дальнейшего расширения открытости, прозрачности деятельности указанных органов. При этом необходимо учесть, что пределы открытости судов и правоохранительных органов не должны препятствовать борьбе с преступностью, обеспечению правопорядка в обществе и не причинять ущерба правам и законным интересам граждан.

4) На наш взгляд, в целях усиления общественного контроля за формированием судейского корпуса, можно было бы предусмотреть в законодательном порядке закрепить такой порядок, который предусматривал бы объявления в средствах массовой информации о проведении отбора кандидатов на должности судей, проведение открытого заседания при принятии квалификационного экзамена от кандидатов на должности судей, опубликования списка кандидатов на должность судей в печати. Это позволило бы присутствовать представителям общественности на заседаниях коллегии при формировании резерва судей или выдвижения на должность судей.

5) Предлагаем рассмотреть возможность разработки и принятия постановления Пленума Верховного суда и Высшего хозяйственного Республики Узбекистан, направленного на дальнейшее расширение открытости

судебной власти, взаимоотношения судей с общественностью, в том числе представителями средств массовой информации; порядка опубликования сведений о деятельности судебных органов. Принятие приказа Генерального прокурора Республики Узбекистан и министра внутренних дел Республики Узбекистан, также направленного на дальнейшее расширение открытости деятельности органов прокуратуры и МВД, установление порядка взаимоотношений с общественностью (и со средствами массовой информации), порядка периодического опубликования отчетов о деятельности этих органов позволило бы усилить общественный контроль за деятельностью указанных органов.

6) Предусмотреть проведение цикла семинаров с судьями, прокурорами и другими работниками правоохранительных органов, посвященного вопросам транспарентности деятельности судебной власти, органов прокуратуры и других правоохранительных органов, а также вопросам культуры общения с представителями общественности, в том числе с представителями средств массовой информации.

7) Предлагается пересмотреть положение части 3 статьи 10 Закона "Об Уполномоченном Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (омбудсмене)". В названной норме указано, что Уполномоченный не рассматривает вопросы, отнесенные к компетенции суда, поскольку вступление судебного решения в законную силу не означает не возможности его обсуждения и оценки, так как не исключена возможность судебной ошибки. Омбудсман должен обладать правом, как и депутаты, требовать от должностных лиц судебных органов проверки законности, обоснованности и справедливости судебных решений. При этом Омбудсман может использовать такое средство как заключение Уполномоченного, где могут быть изложены сомнения или доводы, обосновывающие необходимость пересмотра соответствующего решения суда.

В заключении хотелось бы отметить, что повышение доверия к судебной власти органам прокуратуры и к другим правоохранительным органам является одним из главных условий эффективности её деятельности. Необходимо осознавать, что уровень такого общественного доверия во многом связан с тем, насколько общественность информирована об их деятельности. Совершенствование общественного контроля за деятельностью указанных органов служит интересам обеспечения законности в стране, усилению гарантий защиты прав, интересов человека и всего общества.



## АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақола суд ва прокуратура органлари устидан жамоат назоратини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Мақолада муаллиф томонидан суд ва прокуратура органлари устидан жамоат назоратига оид фундаментал ғоялар, унинг турлари, ўзига хос хусусиятлари ва қонунчилик базаси чуқур илмий таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада қонунчиликка киритилиши лозим бўлган аниқ йўналтирилган таклифлари ҳам ўз аксини топган.*

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида қуйидаги таҳрирда баён этилади: «Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)-тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир»<sup>1</sup>.

Тадбиркорлик фаолияти маълум субъектлар томонидан амалга оширилади. Улар кимлардан иборат бўлиши мумкин? Бу саволга жавоб қонуннинг 4-моддасида берилган: «Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс ва жисмоний шахслардир».

Ушбу моддага мувофиқ ҳар қандай юридик шахс ёки жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлавермайди. Бунинг учун улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. Фуқаролик кодексининг 24-моддасига мувофиқ жисмоний шахс, яъни «Фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир». Юридик шахс ҳам тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиб ҳисобланиши учун тегишли тартибда рўйхатдан ўтган, бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш учун рўхсатнома (лицензия) олган бўлиши керак. Шунинг билан бирга, тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олинishi учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган юридик шахс ёки фуқаро умуман олганда, мулк ҳуқуқи субъекти ҳам бўлиши керак, чунки унинг фаолияти «ўз мулкий жавобгарлиги асосида» амалга оширилади. Лекин тадбиркорлик фаолияти субъекти барча ҳолларда мулк ҳуқуқи субъекти бўлиши шарт эмас. Масалан, фуқаро томонидан амалга оширилаётган тадбиркорлик унинг ўзига тегишли ёки у томонидан ижарага олинган мол-мулк асосида амалга оширилаётган бўлиши мумкин. Юридик шахс ҳам мол-мулкка нисбатан шунга ўхшаш ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. Ўзи шахсан мулк ҳуқуқи субъекти бўлмаган юридик шахс (масалан, давлат корхоналари, фирмалари, бирлашмалари) тадбиркорлик фаолиятини давлат мулкига асосан амалга

оширади. Бунда улар давлат мулкига нисбатан бўлган хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Хўжалик юритиш ҳуқуқи тушунчаси ва юридик шахснинг ушбу ҳуқуққа эга бўлган мулкий ҳуқуқ лаёқати ФКнинг 176, 177-моддаларида назарда тутилган. 176-моддага мувофиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи эга бўлган юридик шахс унга бириктирилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи субъекти каби эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ушбу ҳуқуққа эга бўлган тадбиркор ўз хохиши билан қонунга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Мулк ҳуқуқи субъекти бўлмасдан, мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи эга бўлган корхоналарнинг ваколатлари ФКнинг 72, 178-моддалари билан белгиланади.

Хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи нисбатан башарти ФК ва ўзга қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Демак, тадбиркорлик фаолияти мулк ҳуқуқи эгаси бўлган ва бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари умумий қоидага биноан мулк ҳуқуқи эгалари ҳисобланади, агар бундай ҳуқуққа эга бўлмаган тақдирда, улар мулкдор томонидан бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи эга бўладилар ва тадбиркорлик фаолиятини мулкдор томонидан белгиланган ваколат доирасида амалга оширадилар (ФКнинг 71, 177-м.м.).

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан асосий мақсад даромад (фойда) олишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадбиркор ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб режага солади, керакли ва сотиб олувчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, харид қилишга рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қилади.

Иқтисодий манфаатдорлик биринчи галда фойда олиш билан боғлиқ хўжалик фаолиятининг натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсаткич ҳам фойдадир. Фойда қанча кўп олинса, меҳнатга нисбатан рағбатлантириш, қизиқиш ҳам шунча баланд бўлади, тадбиркорликда юқори самаларга эришилади<sup>2</sup>.

Тадбиркор ўз фаолиятини юритиш натижасида олади-ган умумий даромадидан маълум қисмини солиқлар ва бошқа тўловлар учун ажратади. Тўловлар тўлангандан кейин тадбиркор ихтиёрида қолган даромад соф фойда сифатида тўла-тўқис унинг тасарруфига ўтади. Соф фой-

дадан қайси мақсадда фойдаланишни тадбиркор ўзи мустақил равишда ҳал қилади.

Таваккалчилик билан фаолият юритиш тадбиркорга хос хусусиятдир. Тадбиркор бозор ҳақидаги маълумотлар ва ахборотлардан доимо хабардор бўлиб туриш, зарур бўлган тақдирда ўз фаолиятига тезда ўзгартиш киритиш ва бозор шароитига мослашган ҳолда ортиқча ташвиш ва харажатларсиз фаолият юритишга ҳаракат қилади. Акс ҳолда у рақобатга бардош бера олмаслиги ва банкротликка учраши мумкин.

Тадбиркорнинг банкрот бўлиши бошқаларнинг айби туфайли содир бўлиши ҳам мумкин. Масалан, бошқалар тадбиркорнинг маҳсулот (товар) ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хомашёни ўз вақтида, келишилган муддатда етказиб бермасе ёки етказиб берилган хомашё фойдаланиш учун яроқсиз бўлса, сотилган товарнинг ёки бажарилган ишнинг ҳақи ўз вақтида тўланмаса — бунга ўхшаш ва бошқа ҳолатлар тадбиркорни банкротликка олиб келиши мумкин. Бундай ҳоллар юз бериши билан тадбиркор унга етказилган зарарни жавобгар шахслардан ундириб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Лекин тадбиркорнинг зарар кўришида айби йўқлигини исботлай олган шахс жавобгарликдан озод бўлиши ҳам мумкин (ФК 333-моддасининг 3-қисми).

Агар тадбиркорнинг мол-мулки баъзи бир табиий офат, олдини олиш мумкин бўлмаган бошқа ҳодисалар (форс-мажор вазиятлар) туфайли нобуд бўлса, унинг учун ҳеч ким жавобгар эмас. Тадбиркор унга етказилган зарарни фақат сугурта суммаси миқдоридан (агар мол-мулк сугурта қилинган бўлса) ундириб олиш имкониятига эга бўлади.

Таваккалчиликнинг яна бир кўриниши тадбиркор ўз фаолиятининг натижалари ва зиммасига олган мажбуриятлари юзасидан шахсан ўзи жавобгар бўлишдан иборат. Фуқаролик кодексининг 25-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бутун мол-мулки билан жавоб беради. Мазкур кодекснинг 48-моддасига мувофиқ тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхона (юридик шахс) ҳам ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бутун мол-мулки билан жавоб беради.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи давлат корхонаси ўз мажбуриятлари бўйича Фуқаролик кодексининг 72-моддаси бешинчи қисмида ҳамда 76-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида жавоб беради.

Тадбиркорлик мулкий жавобгарликка асосланади. Барча тадбиркорлар иқтисодий мустақил ва ўзаро муносабатларда тенг ҳуқуқлидир. Шундай экан, бундай муносабатлар шартномалар тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида зарар етказилган тақдирда ушбу зарарни ундириш ҳақида талаб қўйилиши ва

шунингдек, даъво қўзғатилиши мумкин. Бундай талаб ёки даъво мулкий тусга эга, чунки етказилган зарарни ундириш шартномани бузган тадбиркорнинг мулкига қаратилади.

Тадбиркорлик бу ташаббускорлик демакдир. Агар тадбиркор иқтисодий фаолиятда ташаббус кўрсата олмаса, у ўз олдига қўйилган мақсадга эриша олмайди, рақобатга бардош бера олмайди ва натижада банкрот бўлиши муқаррар.

Бозор шароитида тадбиркор ўз фаолиятини ўзи мустақил танлайди, белгилайди, режалаштиради ва уюштилади. Унинг фаолияти бошқалар томонидан, айниқса, юқори ташкилотлар томонидан режалаштирилмайди. Тадбиркор ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истикболларини ўзи шахсан белгилайди. Бундай вазифани беками-кўст амалга ошириш ундан барча ҳолатда юқори малакали, қобилиятли бўлишни ва фаол ташаббус кўрсатишни талаб қилади.

Ташаббус кўрсатиш амалдаги қонунларда назарда тутилган қоидалар асосида ва доирасида амалга оширилади. Бундай қоидалар Фуқаролик кодексининг 24, 25, 26, 39, 41, 48, 56, 57, 72, 76, 176-178, 324-339-ва бошқа моддаларида, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддаларида назарда тутилган<sup>3</sup>. Тадбиркор ўз фаолияти бўйича ташаббус кўрсатишда ушбу қонун-қоидаларга риоя қилиши шарт. Шунинг билан бирга, ҳар бир тадбиркор корхона ўз Устави, таъсис ҳужжатлари доирасида фаолият кўрсатади. Тадбиркорга хоҳлаган фаолият билан шуғулланишда ташаббус кўрсатиш учун эркинлик берилган, бундай эркинликдан қонун билан тақиқланмаган барча ҳолатларда фойдаланиш мумкин.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш — иқтисодий кўтариш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий шартидир. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти тизими шаклланаётган ҳозирги тараққиёт босқичида тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу соҳадаги вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро муносиват, мустаҳкам иқтисодийнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодий тамойилларини жорий этиш, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади<sup>4</sup>

## АННОТАЦИЯ

Статья посвящена специфике правового регулирования предпринимательской деятельности. В статье делается обзор нормативно-правовой базы регулирования предпринимательской деятельности. В заключительной части автор указывает на важные аспекты развития частного предпринимательства и малого бизнеса в нашей стране.

<sup>1</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Тадбиркорликнинг мулкий ва ҳуқуқий асослари тўғрисида //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 - №11 - 16 б

<sup>2</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Хусусий мулк ва тадбиркорлик //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркорнинг ҳуқуқий кутубхонаси), 1-сон; 6 б.

<sup>3</sup> «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 2000 йил 25 майда қабул қилинган Қонун //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 - №5-6, 140-модда.

<sup>4</sup> Каримов И. А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.: Т.11.Т. "Ўзбекистон"2003. 21 б.

Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари

## ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОКИ

Маълумки, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган вақтдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалар бўйича кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириб, уларни янада чуқурлаштириш борасида асрларга татиғулик ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу жумладан, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва судларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар бўйича ҳам анча ишлар қилинди. Амалга ошириб келинаётган барча ислоҳотларнинг замирида эса инсон манфаати ётади. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимида “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият” мавзусида қилган маърузасида “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнги пайтларда энг ўткир, долзарб масалага айланиб бораётганлигини кузатиш мумкин ва бунини табиий ҳол деб қабул қилишимиз керак”<sup>1</sup> деб берган кўрсатмалари инсон омилининг биринчи ўринга кўтарилганлигидан далолат беради. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган бошқа қонунлар билан инсон ва фуқароларга қонуний тарзда берилган шахсий ҳуқуқлар, эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳам, давлатимиз олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг, айниқса прокуратура органларининг роли бекиёсдир.

Шу боис, ушбу мақолада фуқаролик ишларини умумий суд тизимига кирадиган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва тегишлигига қараб, юқори судлар томонидан кўриб, ҳал қилиш бўйича суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг шакллари, асослари, процессуал ҳуқуқлари ва ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ масалалар хусусида фикр юритишга жазм қилдик.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқида ишда иштирок этувчи шахслар масаласи ўз моҳиятига кўра, ўта муҳим аҳамиятга молик назарий масалалардан бири ҳисобланади. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар бир тури, жумладан: даъволи ишлар бўйича суд ишларини

юритиш, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш, алоҳида тартибда суд ишларини юритиш, сиртдан иш юритиш ҳамда суд буйруғини чиқариш бўйича суд ишларини юритиш ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун, фуқаролик ишлари бўйича суд ишларини юритишнинг ҳар бирини ишда иштирок этувчи шахсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, суд ишларини юритишнинг барча турларида процессуал қонунчиликда кўрсатилган шахслар ишда иштирок этувчи шахс сифатида фуқаролик жараёнида иштирок этади.

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг шакллари ҳамда асослари, унинг процессуал ҳуқуқлари, шунингдек, одил судловни амалга ошириш жараёнида судларга ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга ёрдам бериши масаласи юридик адабиётларда ҳам кўрсатиб ўтилган<sup>2</sup>.

Фуқаролик ишлари бўйича суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби ФПКнинг 33-моддасида кўрсатилган. Ушбу моддага кўра, тарафлар, учинчи шахслар ва уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади. ФПКнинг 264-моддасида кўрсатилган ишлар бўйича суд ишларини юритишда арз қилувчилар, прокурор, давлат бошқаруви органлари, алоҳида тартибда суд ишларини юритишда эса, ўзининг қонуний манфаатини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилган манфаатдор шахс билан биргаликда прокурор, давлат бошқаруви органлари ишда иштирок этувчи шахслар ҳисобланади. Юқорида кўрсатиб ўтилган бу ҳолатлар прокурорни фуқаролик суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахслардан бири эканлигидан далолат беради. Прокурор фақат даъволи ишлар бўйича суд ишларини юритишда эмас, балки ФПКнинг 264-моддасида кўрсатилган ишлар бўйича суд ишларини юритишда ҳамда ФПКнинг 279-моддасида кўрсатилган ишлар бўйича суд ишларини юритиш бўйича ҳам ишда иштирок этувчи шахслардан бири ҳисобланади. Бу ҳолат, ФПКнинг прокурорнинг иш қўзғатишга оид 5-моддаси, уни ишда иштирок этувчи шахс эканлигига оид 33-моддаси, фу-

қаролик процессида прокурор иштирокига оид 46-моддаси, процессуал ҳуқуқларга оид 47-моддаси, суд музокарасига оид 198-моддаси, иш бўйича фикр беришга оид 199-моддаси, апелляция, кассация ва назорат тартибида протест келтиришга оид 320, 348 ҳамда 349-моддалари, прокурорни иш бўйича мажбурий иштирок этишига оид 272, 288, 294, 297<sup>2</sup>-моддаларида қонуний тарзда белгилаб қўйилган.

ФПКнинг 33-моддасининг мазмунига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган моддий характердаги субъектив ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишда ишда иштирок этувчи шахс бўлганлиги учун ишда иштирок этувчи шахсларга тегишли бўлган ФПКнинг 34-моддасида кўрсатилган барча процессуал ҳуқуқ ва бурчлардан фойдаланади. ФПКнинг 34-моддасида кўрсатилган иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган масалалар бўйича ўзларининг арзларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг илтимосномалари, арзларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва буйруғи устидан шикоят ва протест келтириш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими ва суд буйруғи ижросини мажбурий талаб қилиш, суд ижросининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқи, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлиб ҳисобланади. Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари ва ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришлари шарт. Бу ҳолатлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг барчасига, шу жумладан прокурорга ҳам тегишли.

Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда прокурор ваколатини малакали таъминлаш, судларнинг қонунга зид бўлган қарорлари устидан протест келтириш бу соҳадаги прокурор фаолиятининг асосий вазифаси эканлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 22-сонли буйруғида ҳам таъкидлаб ўтилган.<sup>3</sup>

Прокурор бошқа шахсларнинг бузилган субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ишда иштирок этувчи шахс сифатида фуқаролик ишларини биринчи инстанция судларида мазмунан кўриб ҳал қилиш босқичидагина эмас, балки фуқаролик процессининг барча босқичларида иштирок этиш ваколатига эга. Прокурор ўзига берилган ҳуқуқларини амалга оширишда ва бурчларини бажаришда 2001 йил 29

августда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги<sup>4</sup> Қонунига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Ушбу қонунда кўрсатилишича, прокуратура органлари Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширадilar. Барча давлат ҳокимияти ҳамда ижро ҳокимияти органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг тўғри бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ўзига бўйсунувчи прокурорлар орқали амалга оширади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, прокурор бошқа шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ишда иштирок этувчи шахс сифатида қатнашса ҳам, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмасдан, фуқаролик ишларини суд, суд мажлисида қанчалик процессуал қонунчилик нормаларида белгилаб қўйилган тартибда амалга ошираётганлиги билан боғлиқ суд фаолияти устидан ҳам назоратни амалга оширади. Агар бу борада камчиликлар борлигини аниқласа, прокурор бундай камчиликларни бартараф қилиш учун ўзига берилган ваколатлардан фойдаланиб, протест келтириши лозим.

Прокурор фуқаролик ишлари бўйича ишда иштирок этувчи шахс бўлса ҳам, у давлатнинг назорат олиб боровчи вакили сифатида қатнашади ва ФПКнинг 47-моддаси бўйича ўзигагина берилган процессуал ҳуқуқлари билан ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан фарқ қилади. Ушбу моддага кўра, прокурор ишда иштирок этувчи шахсларга тегишли бўлган барча процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Шу билан биргаликда, прокурор ўзининг судга тақдим этган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш, ишнинг мазмуни юзасидан, шунингдек, ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш, иш бўйича суднинг чиқарган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарори юзасидан протест келтириш ҳуқуқларига ҳам эга. Шундай ҳуқуқларга эга бўлса ҳам прокурор, низо предметини тасарруф қилиш билан боғлиқ тарафларнинг ўзигагина тегишли бўлган ҳуқуқларидан фойдалана олмайди. Агар, даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини камайтириш ёхуд кўпайтиришга ҳақли эмас.

Шундай бўлсада, прокурор судга тақдим этган даъвосидан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Бу борада шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқини ва қонун билан кўриқланадиган қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга тақдим этган даъво аризасидан воз кечиши бу шахсни судда ушбу кодекснинг 104-моддасида белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда ишни

мазмунан кўриб ҳал қилиб беришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Чунки прокурор судга даъво тақдим этган бўлса ҳам, у иш бўйича ҳақиқий тараф ҳисобланмайди. Иш бўйича ҳақиқий тараф, прокурорнинг даъвоси бўйича кимнинг бузилган ҳуқуқи ёки қонуний манфаати суд томонидан ҳимоя қилинадиган бўлса ўша шахс ҳисобланади.

Прокурор томонидан суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори устидан тегишли бўлишига қараб, апелляция, кассация ёки назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи, фақат прокурорларга берилган.

Прокурордан ташқари ишда иштирок этувчи бошқа шахслар прокурор каби иш бўйича протест келтириш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар. Прокурор фуқаролик иши бўйича судда иш қўзғатиш ҳуқуқига ҳам эга. Унинг бу ҳуқуқи ФПКнинг 5-моддасида ўз ифодасини топган. Ушбу модданинг мазмунидан шуни аниқлаш мумкинки, прокурорнинг фуқаролик иши бўйича судга тақдим этган аризаси бир вақнинг ўзида судда иш қўзғатишнинг асоси ҳам ҳисобланади. Ушбу моддага кўра, прокурор бошқа шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган моддий характерга эга бўлган субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво аризаси тақдим этган бўлса, прокурор ушбу ишни кўриб, ҳал қилиш жараёнида иштирок этиши шарт.

ФПКнинг 46-моддасида прокурорнинг процессда иштирок этиш шакллари оид ҳуқуқлари кўрсатилган. Бу шакллардан бири бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза тақдим этишдан иборат. Иккинчи шакли бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳисобланади.

Фуқаролик жараёнида иштирок этиш шакллари уни қандай йўллар билан фуқаролик ишларини судлар томонидан кўриб ҳал қилишда иштирок этишини билдиради.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида ва прокуратура тўғрисидаги қонунда прокурорнинг фуқаролик жараёнида иштирок этиш асослари ҳам кўрсатилган. Масалан, ФПКнинг 46-моддасининг иккинчи қисмида таъкидланишича, қонунда назарда тутилган ёки суд иш бўйича прокурорнинг қатнашишини зарур деб топса, фуқаролик ишини кўриб ҳал қилишда, шунингдек, прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган ишларда прокурор албатта иштирок этиши шарт. Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг чиқарган буйруқларида кўрсатилган ишларда ҳам прокурор иштирок этиши шарт.

ФПКнинг 29-бобидаги 276-моддасида кўрсатилишича, фуқаролик процессида прокурор иштирокининг қонунда кўрсатиб қўйилган асосларига мисол тариқасида қуйидаги ишларни кўрсатишимиз мумкин: давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан (қарорлар) берилган шикоятларига оид ишларни. Бундай ишлардан бири — ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги иш ҳисобланади. Ушбу

моддада кўрсатилишича, прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги ариза билан судга муурожаат қилишга ҳақли. Прокурорнинг судга ариза бериши иш судда кўриб ҳал қилингунга қадар ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш учун асос бўлади.

Ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги прокурорнинг аризасини суд йигирма кун ичида унинг иштирокида ва протестни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёхуд протестни кўриб чиқмаган органнинг раҳбари ёки унинг вакили иштирокида кўриб чиқади.

Суд мажлисига орган раҳбари ёки унинг вакили узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги прокурорнинг аризасини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди, бироқ суд бу шахснинг келишини шарт деб топиши мумкин. Агарда орган раҳбари ёки унинг вакилининг процессга келишини суд шарт деб топса, процессуал қонунчилик нормаларида назарда тутилган тартибда улар суд жараёнига жалб қилинишлари шарт.

Ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги иш юзасидан прокурорни судга берган аризаси бўйича суднинг чиқарган ҳал қилув қарори ва унинг аҳамияти ФПКнинг 278-моддасида ўз ифодасини топган. Ушбу моддага кўра, суд прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга тақдим этган аризасини асосли эканлигини аниқласа, аризани қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради ва ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топади.

Агар суд протест келтирилган ҳужжатни уни чиқарган органнинг ваколатлари доирасида қонунга мувофиқ қабул қилинган деб топса, у аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқариши керак.

Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарори протестни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёки протестни кўрмаган орган раҳбарига юборилиши керак.

Фуқаролик процессуал кодексининг Сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриш муддати ва тартибига оид 32-боби бўйича “Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш”, ФПКнинг 33-боби бўйича “Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш”, ФПКнинг 33<sup>1</sup>-боби “Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига жойлаштириш” тўғрисидаги ишларни суд бу ишларга тегишли бўлган ФПКнинг 272, 288, 294, 297<sup>2</sup>-моддаларига асосланган ҳолда прокурорнинг иштирокида кўриб ҳал қилади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, фуқаролик жараёнида прокурорнинг иштироки қонунда кўрсатиб қўйилган бўлса, бундай ишларни судда кўриб ҳал қилишда прокурор, албатта, иштирок этиши лозим. Чунки бундай ишлар бўйича унинг иштироки қонуний тарзда шарт қилиб белги-ланган.

Фуқаролик жараёнида прокурор иштирокининг асосларидан яна бири, прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво аризаси ёки ариза тақдим этишидир. Агар прокурор бу борада судга даъво аризаси ёки ариза тақдим этган бўлса, ўзининг аризаси бўйича кўриб ҳал қилинадиган ишни судда кўриб ҳал қилишда ҳам, албатта, иштирок этиши лозим.

Суд фуқаролик ишини прокурорнинг иштирокида кўриб ҳал қилишни мақсадга мувофиқ деб топса, прокурорни процессга жалб қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Суднинг бу ажрими прокурорни фуқаролик процессида иштирок этиши учун ҳам асос бўлади. Суднинг ушбу ажримига асосан фуқаролик ишини судда кўриб ҳал қилиш жараёнида прокурор иштирок этади.

Фуқаролик ишини судда мазмунан кўриб ҳал қилиш босқичларидан бири — суд мажлисининг музокара қисми ҳисобланади. Суд мажлисининг музокара қисми ФПКнинг 198-моддасида ўз ифодасини топган. Бунда баён этилишича, суд мажлисининг музокара қисми ишда иштирок этувчи шахсларнинг сўзларидан иборат. Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш бўйича судга даъво аризаси ёки ариза тақдим этган бўлса, суд мажлисининг музокара қисмида биринчи бўлиб сўзга чиқиб, ўзининг даъво аризасида кўрсатиб ўтилган ҳолларни асослаб бериши керак.

Агар прокурор бошқа шахсларнинг ташаббуси билан бошланган суд жараёнига кириб келган бўлса, у ўзининг фикрини ФПКнинг 199-моддасида кўрсатиб ўтилган тартибда билдириши лозим. Ушбу моддада кўрсатилишича, ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишларни ўз вақтида тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни биринчи бўлиб асослаб бериши керак. Шундан сўнг ишнинг оқибатидан моддий манфаатдор бўлган тарафларга сўз берилади.

тидан моддий манфаатдор бўлган тарафларга сўз берилади.

Прокурорнинг ишда иштирок этувчи шахс сифатида бошқа шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишни процессуал воситаси уни судга тақдим этган даъво аризаси ёки аризаси, шунингдек, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан бошланган суд жараёнининг бошидан иштирок этиш ҳуқуқи ҳисобланади. Прокурор ана шу ўзига берилган ФПКнинг 46-моддасида кўрсатилган процессуал ҳуқуқларидан фойдаланиб, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилибгина қолмай, суд ҳокимиятини амалга оширувчи судларнинг одил судловни амалга оширишларида ҳам уларга яқиндан ёрдам беради.

Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини судга даъво аризаси (даъволи ишлар бўйича), бошқа турдаги суд ишларини юритиш турлари бўйича ариза тақдим этиш йўли билан ҳимоя қилишдан ташқари, ҳимоя қилишнинг бошқа процессуал воситаларига ҳам эга. Бундай процессуал воситалар бўлиб ФПКнинг 320, 348<sup>1</sup>, 349-моддалари бўйича фуқаролик ишлари юзасидан суд томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорлар устидан прокурорлар томонидан келтирилдиган протестлар ҳисобланади. Бу процессуал воситалар судлар томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартавраф қилиш борасида муҳим аҳамиятга эга.

Прокурорнинг ишда иштирок этувчи шахс сифатида фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида иштирок этиши, унинг шакли ҳамда асослари, процессуал ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни чуқур англаб етиш учун биринчи навбатта, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни нормаларини, шунингдек, юқорида таъкидлаб ўтилган ФПКнинг тегишли боблари ва буларга оид моддаларининг мазмунини билиб олиш талаб этилади ва бу ўз навбатида муҳим аҳамият касб этади.

## АННОТАЦИЯ

*Статья посвящена вопросам участия прокурора в гражданском процессе. В ней анализируется компетенция прокурора в гражданском процессе, затрагиваются основные направления и пути совершенствования деятельности и компетенция прокурор в гражданском судопроизводстве. Кроме того, освещается положительная национальная правоприменительная практика. В заключении автор подчеркивает значимость участия прокурора в гражданском судопроизводстве, как гаранта соблюдения прав и свобод сторон.*

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — энг олий кадрият”- Тошкент. Ўзбекистон, 2005. 5 б.

<sup>2</sup> Назаров Ф.И. Прокурорнинг ҳуқуқлари. // Қонун ҳимоясида. 2000-3 сон —Б 10-14; Аргунов В.К. Участие прокурора в гражданском процессе. — МГУ. 1991.- 91 с.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ташкил этишга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари тўплами (2006 йил 5 апрелгача бўлган ўзгартиришлар ва қўшимчалари билан). —Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. 2006. — Б. 295-296.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни 2001 йил 29 август.

**Ботир КАЛОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.н.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА ДОИР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУРЛАР, РЕЖА ВА КОНЦЕПЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Сайёрамиз келажаги, инсоният тақдири ҳозирги даврда кўп жиҳатдан экологик муаммолар ечимига, табиатни муҳофаза қилишга боғлиқ бўлиб қолди. Бундай дейилишида жуда катта маъно, тарихий зарурият, объектив эҳтиёж бор. Чунки экологик муаммо замирида алоҳида халқлар, миллатлар ва минтақаларгина эмас, балки бутун инсониятнинг келажак тақдири ётибди. Бошқача айтганда, табиатни муҳофаза қилиш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш – асримизнинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Шунинг учун, ҳозирги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим масалалардан бири глобал миқёсда инсон хавфсизлиги, хусусан, унинг бир элементи бўлмиш экологик хавфсизликни таъминлашдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида “Биз барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етаямизми? Хавфсизликка таҳдид солиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз? Биз истиқомат қилаётган минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанатнинг сақланишига нималар кафолат бўла олади? Хавфсизликни қандай сақлаб қолиш мумкин?”<sup>1</sup> каби саволлар долзарб муаммолар сифатида кун тартибига қўйилган.

Экологик хавфсизликка миллий хавфсизликнинг асосий бўғини сифатида қаралар экан, у кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ўз таъсир доирасига олади. Зеро, организмлар ва айниқса, кишилик жамияти яшар ва ривожланар экан, унинг фаолияти муқаррар равишда атроф табиат билан бевосита ёнги билвосита боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли саломатлиги ва турмуш даражасининг юқори бўлиши, табиий экотизимларни сақлаб қолиш, табиий ресурслардан нечоғли самарали фойдала-

нишга ва уларнинг қайта тикланишига боғлиқ. Табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнида юзага келадиган мураккаб экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қонун ҳужжатларининг роли ва аҳамияти улкандир.

Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазасига доир принциплар асосий қонунимиз Конституцияда мустаҳкамланган бўлиб, кўрсатилган тармоқларни ҳуқуқий тартибга солиш шундан бошланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунни ушбу йўналишда қабул қилинган дастлабки яхлит ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжат ва бошқа 20 дан зиёд турдош қонунлар ҳозир ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Экологик қонунчиликнинг меъёрлари ва талабларини амалга ошириш механизмини шакллантириш, уни халқаро экологик ҳужжатлар билан уйғунлаштириш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳал қилувчи халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига қўшилиш, ратификация ва имплементация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Экологик қонунчиликни оғишмай ижро этилишини таъминлаш бўйича назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириб бориш лозим.

Ана шундай устувор йўналишлар ҳисобга олинган ҳолда “Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида”ги Қонун бекор қилинди ва 2004 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистонда экологик йўналишлар бўйича қуйидаги истиқболли дастур, режа ва концепциялар ишлаб чиқилган: “1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури”, “2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит

мониторинги дастури”, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сонли “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ишлари дастури”, “Ўзбекистон Республикасининг биологик рангбарангликни сақлаш бўйича миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ушбу экологик дастур, концепция ва режаларда ҳозирги кунда ҳамда келажакда мамлакатимизда жамият ва табиат ўртасидаги муносабат шакли қандай бўлиши, унинг экологик концепцияси, мақсад ва принциплари белгилаб берилган. Экологик мақсад ҳамда вазифаларни амалга оширишнинг тактик ва стратегик ҳаракатлар дастури ва йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси эканлигини чуқур англаган ҳолда 2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси асосида Ўзбекистон экологик Ҳаракати тузилиб, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган.

Экоҳаракат томонидан олиб борилаётган ишларнинг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, жумладан, сайлов қонунчилигига мувофиқ Экоҳаракатга 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда палатанинг ўн беш нафар депутатини сайлаш ваколатининг берилганлиги Экоҳаракат зиммасига катта масъулият юклаш баробарида атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, экологик аҳволни яхшилаш, аҳоли саломатлиги учун курашда кенг имконият яратилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммити “Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлиси”даги нутқида билдирилган фикр ва мулоҳазалар бугунги дунё ҳамжамияти олдида турган энг долзарб масалаларга қаратилди.

Мазкур анжуманда экологияни муҳофазаси қилиш ва атроф-муҳитни асраб авайлаш, айниқса ҳозирги табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Президент Ислам Каримов маърузасида “қирқ йил давомида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарганлиги, сув ҳажми 13 марта камайганлиги, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгиз тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келганлиги, натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учраганлигини айтиб ўтилди. Бугун Орол бўйи Марказий Осиё давлатларида нафақат экологик, балки дунё микёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демо-

график муаммолар пайдо бўлганлиги, БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун 2010 йил 4-5 апрель кунлари Оролбўйига ташриф чоғида бунга ишонч ҳосил қилганлиги таъкидланди.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланиши, ушбу дарёлар оқимининг камайиши эса мазкур кенг минтақанинг заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилиши лозимлиги<sup>2</sup> баён этилди.

Ҳозирда атроф-муҳит муҳофазасига доир қабул қилинган қонунлар ва соҳага оид бошқа ҳужжатлар юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик тузилмаларининг бу борадаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, атроф-муҳит муҳофазасига оид муаммоларни ҳал этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик назорат самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Аммо экологик муаммолар тобора глобаллашаётган ҳозирги кунда давр соҳа қонунчилигини янада такомиллаштиришни тақозо этаётир. Зеро, Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган кўшма мажлисидаги маърузасида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиб, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш фурсати етиб келганлигини таъкидлади.

Концепцияда белгилаб берилган дастурий вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш масалалари кўмитаси аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи “Экология назорати тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини тайёрлади. Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида депутатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, биринчи ўқишда қабул қилинди. Эндиликда жойларда ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофазаси қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, бу борадаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шунингдек, атроф табиий муҳитни муҳофазаси қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишни таъминлаш чоралари тизимида қонун талабларига риоя қилмаганлик, экологик қонунларни бузганлик учун юридик жавобгарлик чоралари муҳим ўринни эгал-

лайди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланган.

Шу ваколатига асосан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси идоралари томонидан 2010 йилда бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, қўмита идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича 18,4 минг нафар мансабдор шахслар ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилган, браконерлардан 280 та ов қуроллари, 2235 та тўрлар олиб қўйилган, 1082 млн. сўм зарарни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилган.

2010 йилда 16638 та объектлар экологик экспертизадан ўтказилган, 2442 та Экологик сертификатлар берилган.

Шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни таъминлаш юзасидан прокуратура органлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган.

Экологик қонунчиликни қўллаш механизмида прокуратура органларининг роли фуқаролар, мансабдор шахслар, вазирлик, идора, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш борасида қонунчилик талабларига аниқ ва бир хилда риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади. Хусусан, қуйидаги рақам-

лар ҳам прокуратура органлари бу борада самарали фаолият юритаётганидан далолат беради.

Прокуратура органлари томонидан 2010 йил давомида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 509 та тақдимнома киритилган, ноқонуний ҳужжатларга 255 та протестлар келтирилган, 197 нафар шахс расман огоҳлантирилган, 646 нафар шахсга интизомий, 1807 нафар шахсга маъмурий, 3 нафар шахсга моддий жавобгарлик белгиланган, етказилган 18 млн. сўм зарар айбдор шахслардан ихтиёрий ундирилиб, судларга 1 млрд. 146 млн. сўмни ундириш юзасидан 273 та ариза киритилган ва жиддий қонун бузилишлар бўйича 54 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Юртимизда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга берилаётган эътибор она-табиат олдидаги бурчимизни бажариш ва аҳоли саломатлигини асраб-авайлашдек эзгу мақсадга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Зеро барқарор экологик муҳит — соғлом турмуш гаровидир.

Табиат ресурсларига нисбатан ғамхўрлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни аҳоли онгига синдириш учун экологик ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш ва уларни такомиллаштиришда асосий эътиборни ёшлар (мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, талабалар ва бошқалар) га қаратиш лозим бўлади.

## АННОТАЦИЯ

Статья посвящена важности законов, государственных программ и концепции в сфере защиты окружающей среды и некоторым вопросам ответственности за неисполнение требований отраслевых законов. В вводной части статьи автор осуществляет обзор фундаментальных основ в данном направлении. В основной части статьи проводится анализ законов, государственных программ и концепции в сфере защиты окружающей среды и тщательно рассматривается вопрос ответственности за неисполнение требований нормативно-правовых актов, а также, приводятся сравнительные статистические и практические данные. В заключительной части автор осуществляет подробный обзор места и важности вышеуказанных актов, в сфере правовой защиты окружающей среды в нашей стране.

<sup>1</sup> Каримов И.А. – “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т.: – “Ўзбекистон” 1999 й. 418,420-бетлар.

<sup>2</sup> Каримов И.А. – “БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида”ги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 22 сентябрь

**Муҳидин МУСАЕВ,**  
**Соискатель Института философии и права Академии наук**  
**Республики Узбекистан, к.ю.н.**

## ПОНЯТИЕ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РЕЦИДИВНОЙ И ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПРЕСТУПНОСТИ

Рецидивной преступностью является совокупность преступлений, совершенных лицами, ранее совершившими преступления. В основе этой преступности лежит рецидив, повторность и многократность совершенных преступлений, имеющий много разновидностей.

Рецидив по социально— правовому характеру выделяются:

— уголовно-правовой (легальный) рецидив – совершение нового преступления лицом, имеющим не снятую и не погашенную в установленном порядке судимость;

— пенитенциарный рецидив – совершение лицом, ранее отбывавшим наказание в виде лишения свободы, нового преступления и осужденным вновь к лишению свободы, либо совершение преступления в условиях отбывания наказания в виде лишения свободы;

— криминологический (фактический) рецидив – совершение уголовно наказуемых деяний как лицами, к которым применялось уголовное наказание либо меры, его заменяющие (независимо от снятия или погашения судимости за прежние преступления), так и лицами, к которым уголовно-правовые меры воздействия не применялись<sup>1</sup>.

Рецидив по степени общественной опасности, определяемой тяжестью ранее совершенных лицом преступлений, легальный рецидив подразделяется на простой, опасный и особо опасный.

Необходимо отметить; что количество совершенных ранее преступлений является основанием для выделения однократного или многократного рецидива.

Профессиональная преступность – это совокупность преступлений, совершенных лицами, обладающими следующими признаками криминального профессионализма:

— постоянство преступной деятельности;

— привычный характер этой деятельности;

— устойчивый вид преступного занятия (своеобразная специализация преступников);

— обладание преступниками определенными познаниями и навыками преступного занятия.

— преступный промысел и стабильность результатов преступной деятельности:

— связь преступников с криминальной средой;

— высокая степень неуязвимости преступников от уголовного преследования<sup>2</sup>.

Рецидивная и профессиональная преступность обладает определенными криминологическими особенностями. Например, к их числу относятся повышенная общественная опасность, обусловленная ее особенно тяжкими последствиями, негативным влиянием на общество, на криминализацию значительной части населения.

Устойчивый вид преступного занятия характеризуется систематическим совершением, как правило, однородных преступлений. В этом проявляется взаимосвязь рецидивной и профессиональной преступности. При этом профессиональной преступности всегда присущ криминологический рецидив, а она сама является разновидностью рецидивной преступности<sup>3</sup>.

Абсолютное большинство совершаемых рецидивистами преступных деяний приходится лишь на преступления против жизни, против личности, посягательства на собственность, общественную безопасность.

Высокий удельный вес специального рецидива преступлений, свидетельствует об их профессиональном совершении. Более половины всех однородных рецидивных преступлений совершают грабители, хулиганы, квартирные и карманные воры, мошенники, являющиеся профессиональными преступниками, не имеющими иного постоянного источника дохода.

Высокий степень организованности и профессионального мастерства рецидивистов, групповой характер совершенных ими преступлений характеризуется, тем что большинство участников организованных преступных формирований составляют рецидивисты

ты, в том числе профессионалы преступного мира.

Необходимо отметить, что тесная связь рецидивной преступности с социальными пороками в обществе свидетельствуют высокая для рецидивистов, не занятых в момент совершения новых преступлений общественно полезным трудом, систематическое злоупотребление ими спиртными напитками, наркотиками, наличие у них психических аномалий, как правило, на почве алкоголизма.

Личность преступника-рецидивиста, в том числе профессионального преступника это целостная совокупность его взаимосвязанных социально значимых отрицательных свойств, которые во взаимодействии с внешними условиями и обстоятельствами обуславливают совершение повторных преступлений. В криминологическом смысле к рецидивистам относятся лица: ранее судимые, у которых судимость либо погашена, либо снята; освобожденные от уголовной ответственности с применением мер, заменяющих наказание; невыявленные и незадержанные преступники.

Рецидивисты характеризуются в основном теми же признаками, что и личность преступника вообще. В то же время отрицательные значения свойств личности, вытекающие из взаимодействия с социальной средой (невысокий уровень образования, отсутствия семьи, постоянного места жительства и учебы), у рецидивиста проявляются более ярко, чем у лиц, совершивших преступление впервые<sup>4</sup>.

Преступников-рецидивистов характеризует деформированное нравственное и правовое сознание. Большинству из них присущи бедность или искаженность ценностных ориентаций, несамостоятельность, откровенный эгоизм, интеллектуальная и волевая пассивность, большая зависимость от внешних ситуаций, неумение (а зачастую и нежелание) подчинять свое поведение социально полезным целям, отсутствие личных перспективных планов, слабости, неуравновешенность, легкомысленность, озлобленность, чрезмерная подверженность негативным влияниям и т. д. Для них также характерны алчность, стяжательство, жадность, жестокость, озлобленность, зависть, постоянное самооправдание, фатализм<sup>5</sup>.

Рецидивистов отличает наличие стойкой антиобщественной установки, проявляющейся в систематическом совершении как административных правонарушений, так и преступлений. При этом количество совершаемых ими административных правонарушений, не говоря уже об аморальных проступках, весьма велико, оно в 2-3 раза превышает количество совершаемых преступлений.

Наиболее распространенными побудительными мотивами совершения рецидивистами преступлений является: корысть, хулиганские побуждения,

месть, ревность, зависть, негативное влияние других лиц.

Существует прямая связь между рецидивной преступностью и употреблением преступниками алкоголя и наркотиков (большинство рецидивистов являются алкоголиками или наркоманами).

Отличительной чертой рецидивистов и профессиональных преступников является регулярное отчисление ими части незаконных доходов в так называемые «воровские общаки», откуда, в свою очередь они могут получать денежные субсидии, когда попадают в трудные ситуации, в том числе при отбывании наказания в местах лишения свободы<sup>6</sup>.

Важными дополнительными элементами связи профессиональных преступников с криминальной средой являются знание и употребление ими специального жаргона; наличие уголовных кличек, криминальных татуировок.

Рецидивная и профессиональная преступность отражает существующие в обществе недостатки в борьбе с правонарушительством, которые оставаясь неустранимыми, продуцируют, воспроизводят рецидив, выступающий, в свою очередь, в качестве фактора воспроизводства всей преступности.

К причинам и условиям рецидивной и профессиональной преступности относятся две группы криминогенных факторов: а) объективные, охватывающие разнообразный круг обстоятельств организационного, правового, воспитательного характера, и б) субъективные, относящиеся к характеристике личности рецидивиста. Причем для этой преступности основными, преобладающими являются субъективные условия, т.к. преступник-рецидивист и профессионал совершают преступления не только под воздействием объективных условий, но и в силу антиобщественной направленности личности. Зачастую они сами создают объективные предпосылки для совершения преступлений<sup>7</sup>.

К объективным факторам рецидивной преступности в первую очередь относятся особенности социальной среды, приведшие к совершению первого преступления будущим рецидивистом. Как правило, первое преступление накладывается на второе именно благодаря тому, что рецидивисты воспитываются в такой социальной сфере, которая практически не дает им никакого шанса вырваться из порочного круга криминального окружения.

Развитие и закрепление отрицательных индивидуальных черт личности рецидивиста в значительной степени обусловлены такими внешними факторами, как влияние прежних обстоятельств; влияние обстоятельств, созданных преступной деятельностью рецидивиста или ранее назначенным ему наказанием.

На преступное поведение рецидивистов и профессионалов уголовного мира оказывают влияние и другие криминогенные факторы:

— противоречия в распределительных отношениях;

— ослабление нравственных и социальных институтов общества;

— недооценка общественной опасности рецидивной и профессиональной преступности;

— существование воровских традиций и обычаев<sup>8</sup>.

Ответственность за предупреждение и профилактики рецидивной и профессиональной преступности несут органы МВД, которые решают следующие основные задачи:

— выявление и устранение причин и условий, способствующих совершению преступлений лицами ранее судимыми, в том числе осужденными за умышленные преступления к мерам наказания, не связанным с лишением свободы;

— обеспечение фактической неотвратимости наказания для преступников, стимулирование формирования у граждан представления о «невыгодности» совершения преступлений;

— выявление и постановка на учет лиц, освобожденных из мест лишения свободы с учета уголовно— исполнительных инспекции, совершивших ранее особо опасные преступления, а также

осужденных за умышленные преступления к мерам наказания, не связанным с лишением свободы;

— осуществление контроля за своевременным прибытием, документированием и регистрацией лиц, освобождаемых из мест лишения свободы;

— оказание содействия в трудовом и бытовом устройстве лицам, отбывшим наказание;

— своевременное установление и осуществление профилактического контроля за гражданами, подпадающими по признакам судимостей под действие Положения об административном надзоре;

— создание и использование банка данных о профессиональных преступниках и преступниках-рецидивистах.

Для предупреждения новых преступлений со стороны преступников— профессионалов могут также использоваться и некоторые меры виктимологической профилактики<sup>9</sup>. В частности, имеет превентивное значение оповещение населения об их повадках, преступном почерке, характерных приемах маскировки, уловках, ухищрениях, способах подготовки, совершения и сокрытия преступлений, При этом важно обеспечить разумную дозировку информации, с тем чтобы она не способствовала приобретению преступных знаний, умений и навыков.



## АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақола рецидив ва профессионал жиноятчиликнинг тушунчаси ва криминологик тавсифига бағишланган. Мақолада рицедив ва профессионал жиноятчилик тушунчаси, унинг ижтимоий ва ҳуқуқий асослари, турлари ва ўзига хос хусусиятлари чуқур сиёсий-ҳуқуқий таҳлили амалга оширилган. Муаллиф томонидан рецидивист ва профессионал жиноятчиларнинг криминологик тавсифига ва турларига алоҳида тўхталган. Хулоса қисмида муаллиф соҳага доир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифалари ҳақида мулоҳазалар юритган.*

<sup>1</sup> Малков В.Д. Криминология.— М.: ИД «Юриспруденция», 2006. —С.100.

<sup>2</sup>Чуфаровский Ю.В Криминология. Учебное пособие. — М.: ТК Велби, изд-во Проспект, 2007. С.74

<sup>3</sup>Малков В.Д. Криминология.— М.: ИД «Юриспруденция», 2006. —С.101.

<sup>4</sup>Криминология и профилактика преступлений / Под ред. А.И Алексеева.М.,1989.-С 148.

<sup>5</sup>Чуфаровский Ю.В Криминология. Учебное пособие. — М.: ТК Велби, из-во Проспект, 2007. С.71.

<sup>6</sup> Малков В.Д. Криминология.— М.: ИД «Юриспруденция», 2006. —С.103.

<sup>7</sup> Малков В.Д. Криминология.— М.: ИД «Юриспруденция», 2006. —С.104-105.

<sup>8</sup> Чуфаровский Ю.В Криминология. Учебное пособие. — М.: ТК Велби, из-во Проспект, 2007. С.75.

<sup>9</sup> Чуфаровский Ю.В Криминология. Учебное пособие. — М.: ТК Велби, изд-во Проспект, 2007. С.68.

**Миродил БАРАТОВ,  
ТДЮИ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси  
профессори в.б., ю.ф.д.  
Темур РАҲМОНОВ,  
ТДЮИ магистранти**

## ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Юридик адабиётларда субъектларнинг жавобгарлиги масаласи кўп тадқиқ қилинганлигини сезиш қийин эмас. Айниқса, давлат органлари, муассасаларининг жавобгарлиги, яъни субсидиар жавобгарлик ҳолатлари бирмунча қизиқарлидир.

Е.Пруснинг фикрича, фуқаролик қонунчилиги муассасанинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги юзасидан бошқа субсидиар қарздорлар (масалан, тўлиқ шерик, масъулияти чекланган жамият иштирокчиси тегишли юридик шахснинг мажбуриятни рад этиши билан ёки кредитор томонидан “оқилона муддатда” жавоб олинмаганда субсидиар жавобгар бўлади)га нисбатан имтиёзга эга бўлиб, давлат фақатгина муассасанинг мол-мулки етарли бўлмагандагина субсидиар жавобгар бўлади<sup>1</sup>.

Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, субсидиар жавобгарлик қарздор томонидан мажбурият бўйича қарзнинг қопланмаган қисмига нисбатан учинчи шахснинг қўшимча жавобгарлиги ҳисобланади. Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида, давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, субсидиар жавобгарликда давлат учинчи шахс сифатида ўзига тегишли корхона ёки муассаса қарздор сифатида ўз мажбуриятларини қоплашга мол-мулки етмаганда, мажбуриятнинг қолган қисмини қўшимча равишда қоплаши лозим бўлади. Бу ҳолатда давлатнинг қўшимча жавобгарлиги унинг мажбуриятнинг бажарилмаган қисмини бажаришида ифодаланади.

ФКнинг 329-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатлари ёки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишда жавобгар бўлган (субсидиар жавобгарлик) шахсга талаблар қўйишдан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиши керак. Яъни бунда давлат корхонасининг кредитори биринчи навбатда мажбуриятларни бажариш ҳақида бевосита давлат ёки давлат корхонасининг муассасига эмас, корхонанинг ўзига талаб қўйишга ҳақли бўлади.

Агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қондиришдан бош тортса ёки кредитор ундан қўйилган талабга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб субсидиар жавобгар бўлган шахсга қўйилиши мумкин. Давлат корхонасининг мажбуриятни бажаришдан бош тортиши ёки оқилона муддатда уни рад

этиши, кредиторга давлатга нисбатан мажбуриятни бажариш талабини қўйиш имконини беради. Бу ҳолатда давлат субсидиар жавобгар сифатида кредитор талабларини бажариши лозим.

ФКнинг 329-моддаси 3-қисмига мувофиқ, кредитор асосий қарздорга бўлган ўз талабини қондиришни субсидиар жавобгар шахсдан талаб қилишга ҳақли эмас, башарти бу талаб асосий қарздорга муқобил талабни ҳисобга ўтказиш ёки маблағларни асосий қарздордан низосиз ундириб олиш йўли билан қондирилиши мумкин бўлса. Бу ҳолатда давлат корхонаси ва кредитор ўртасида муайян муқобил талаблар мавжуд бўлса ёки давлат корхонасида мажбуриятларни бажариш учун етарли мол-мулк мавжуд бўлганда, давлат корхонасининг кредитори давлатдан мажбурият бажарилишини талаб этиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари тенглигининг таъминланиши, мулк шакллари хилма-хиллигининг вужудга келиши, монополияларга секин-аста барҳам берилга бошланганлиги давлатнинг ҳам фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда бошқа иштирокчилар (жамиятда бозор иқтисодиёти шарофати ўлароқ пайдо бўлган) билан тенг асосларда киришиши фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳам ҳар бир субъекти учун татбиқ этилишини таъминлади.

Шу муносабат билан замонавий миллий қонунчилигимизда давлатнинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлигини тартибга солувчи нормалар ўз ифодасини топди.

Давлатнинг шартномавий муносабатлардаги фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги бевосита шу шартномаларнинг ўзида ифодаланади. Халқаро муносабатларда давлатнинг чет эл давлатлари билан фуқаровий-ҳуқуқий характердаги шартнома ва битимлари юзасидан жавобгарлиги халқаро шартнома ва битимлардан келиб чиқиб белгиланади. Давлат номидан фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектлар, бир вақтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқининг мустақил субъекти ҳисобланадилар ва уларнинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги давлатдан алоҳида ҳолда кўрилади. Лекин бевосита давлат ўзи иштирок этадиган муносабатларда шартномали мажбуриятларнинг бузилиши учун давлат жавобгардир.

Масалан, “Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, тарафлар битим бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун битимга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Қонуннинг 4-моддасида эса тарафлардан бири Ўзбекистон Республикаси давлати ҳисобланиши белгиланган. Лекин бу ерда инвесторнинг маҳсулот тақсимотида оид битим бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик ҳолати ёритилмаганидек, давлатнинг жавобгарлиги юзасидан ҳам аниқ қонун нормалари ифодаланмаган. Бу ҳусусда С.С.Ҳамроевнинг фикрлари жуда ўринли<sup>3</sup>.

Худди шундай ҳолатни концессия шартномаларида ҳам кузатиш мумкин. “Концессиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, концессия шартномасини тузган томонлар унинг бажарилиши учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва шартномаларда кўзда тутилган тартибда жавобгар бўлади. Кўриниб турибдики, концессия шартномаларини бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи ҳам ноаниқ қонун ҳужжатида ҳавола қилиш йўли билан ҳал қилинмоқда. Ҳаттоки қайси турдаги юридик жавобгарликни қўллаш мумкинлиги ҳам аниқ белгиланмаган. Лекин шартнома тузган томон (яъни давлатнинг ваколатли органи ёки маҳаллий ҳокимият органи ва инвестор) жавобгар эканлиги аниқ ифодаланган<sup>4</sup>.

Ҳозирги вақтда амалиётда давлатнинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик масаласини белгилашда муҳим бир ҳолатга дуч келинмоқда. Бу муаммо ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳимдир. Юқорида таъкидланганидек, давлат номидан тегишли ваколатларга эга давлат органи фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга киришди ҳамда бунинг натижасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлатга нисбатан вужудга келади ва давлат шу мажбуриятларни бажармаганда жавобгар бўлади. Бир қарашда ҳаммаси оддий туюлади. Лекин ваколатли давлат органининг юридик шахс ҳисобланишини ва фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда ўз номидан ҳаракат қилишини назарда тутсак, бир қарашда оддий кўринган ҳолат ўзига хос муаммога айланади. Бу ҳолатни қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Масалан, давлат органи бинони ижарага олди, уни таъмирлади, тегишлича жиҳозлади ва шу билан боғлиқ бошқа харажатларни амалга оширди. Бунда давлат органи битимларни ўзининг муассасасига тааллуқли эҳтиёжларини қондириш учун тузган ҳамда давлатнинг бундай битимларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деган хулосага келиш мумкин. Лекин бундай битим бинода давлат органининг бошқарув аппарати фаолият олиб бориши учун тузилган бўлса-чи? Бу битимни давлат органининг ўз эҳтиёжларини қондириш учун тузилган ва фақатгина давлат органининг ўзига ҳуқуқий оқибат туғдиради, дейиш мумкинми? Йўқ, албатта. Чунки бино ва иншоотни ижарага олиш шартномаси давлат органининг ҳокимият ваколатларини амалга ошириши учун тузилган ва қилинадиган харажатлар давлат томонидан молиялаштирилиши зарур. Шу муносабат билан бу битим асосида ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлатга тегишли бўлади.

Бироқ ҳозирги кунда амалиётда давлат органла-

рининг битимни ўз эҳтиёжларини қондириш учун ёки давлат томонидан юклатилган вазифаларни бажариш учун тузилганлигини аниқлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Зеро, бу муаммонинг назарий ечими ҳали-ҳануз ишлаб чиқилмаганлиги сабабли амалиётда уни ҳал қилишга судлар кам эътибор беришмоқда. Бунинг оқибатида эса жавобгарлик давлат органининг зиммасига нотўғри юкланиши ёки давлат бюджетидан ноўрин харажат қилиниши мумкин.

Фикримизча, шартномавий муносабатларда давлатнинг жавобгарлигини белгилашда тузилаётган шартноманинг қайси мақсадларни амалга ошириш учун тузилганлигини аниқлаш ҳамда давлат органининг шартнома тузишдан кўзлаган мақсадини аниқлаш керак бўлади.

Давлатнинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик субъектчилиги тўғрисида гап кетганда, давлатнинг шартномадан ташқари мажбуриятларнинг алоҳида ҳолатлардаги зарар етказиши билан боғлиқ жавобгарлигига эътибор қаратиш лозим<sup>5</sup>.

ФКнинг 15 ва 990-моддаларига мувофиқ, давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки ушбу органи мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак.

Маълумки, юридик жавобгарлик белгиланиши учун бир қанча асослар мавжуд бўлиши керак. Ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик юридик жавобгарликни вужудга келтирувчи бирламчи ва энг муҳим асос ҳисобланади<sup>6</sup>.

Шундай экан, давлатнинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлигини вужудга келтирувчи ғайриқонуний ҳаракат ва ҳаракатсизлик ҳолатларига тўхталиб ўтиш жоиз.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, етказилган зарарни ундиришга сабаб бўладиган ҳаракатлар давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки ушбу органи мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) иборат бўлиши мумкин. Ҳаракатсизлик деб, тегишли орган зиммасига юклатилган вазифани бажармаслиги тушунилади. Мансабдор шахс томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифани бажаришдан бош тортиши ҳаракатсизлик билан тенглаштирилади ва қонун билан тақиқланади<sup>7</sup>. Масалан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2005 йил 24 октябрдаги ҳал қилув қарорига мувофиқ, “Сифат” масъулияти чекланган жамиятнинг даъвоси асосида Юнусобод туман Давлат солиқ инспекциясининг 2005 йил 5 сентябрдаги 11/678-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топган ва даъвогарнинг талабини давлат маблағлари ҳисобидан қоплаган<sup>8</sup>.

Гарчи ғайриҳуқуқий ҳаракат давлатнинг ўзи томонидан содир этилмаса-да<sup>9</sup>, юқорида санаб ўтилган органилар ва мансабдор шахслар давлат номидан ҳаракат қилиши ҳамда давлатнинг муайян функциясини амалга ошириши ҳисобига уларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлиги) лари учун давлат жавобгар бўлади. Албатта, бу ўринда давлатнинг ўзи

ташқил этган юридик шахслари (масалан, унитар корхона) хатти-ҳаракатлари учун жавоб бермаслиги табиий ҳолдир (ФКнинг 80-моддаси 2-қисми бундан мустасно).

А.У.Тўраевнинг фикрича, бундай жавобгарликни белгилашда мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ҳаракатларидан зарар етказилганлигини эътиборга олмасдан, балки уларнинг бу ҳаракатлари маъмурий идора этиш соҳасида, яъни ҳокимият вакил вазифасини амалга оширишлари пайтида етказилган бўлиши аниқланган бўлиши керак. Бундай зарарлар муассасаларнинг ҳар қандай ходимлари томонидан етказилмасдан, балки мансабдор шахслар томонидангина етказилган бўлиши керак<sup>10</sup>.

Гарчи А.У.Тўраев зарар мансабдор шахснинг ҳокимият ваколатларини амалга ошириш пайтида етказилиши давлат жавобгарлигининг вужудга келишини тўғри таъкидлаган бўлса-да, бундай жавобгарлик мансабдор шахснинг айбидан қатъи назар, вужудга келишини кўрсатиб ўтмаган.

Бу ҳолатда етказилган зарар учун кимнинг жавобгарлиги масаласи очиқ-ойдин ифодаланмаган. ФКнинг 15-моддасига биноан, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юқоридаги ҳолатларда етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юкланган. Демак, етказилган зарарни ундириш икки хил бюджетга қаратилади: Ўзбекистон Республикасининг бюджетига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органнинг бюджетига<sup>11</sup>.

Шу билан бирга, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкинлиги<sup>12</sup> ва давлатнинг жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги қонунда ўз ифодасини топган.

ФКнинг 991-моддасига мувофиқ, қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўлланиш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади. Ушбу норма шахсга нисбатан юқорида санаб ўтилган ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қопланишининг умумий асосларини белгилайди. Норманинг сўнггида ифодаланган “қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади” ибораси ана шу умумийликдан далолат беради.

Қонунга хилоф равишда судланган шахсга нисбатан етказилган мулкий зиённи ҳисоблашда қуйидагилар қопланиши (ундирилиши) лозим бўлади: реабилитация этилган шахс ўзига нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар; пенсия ва нафақалар, башарти уларни тўлаш тўхтатиб қўйилган бўлса; пуллар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек, суд-

нинг ҳукми, ажрими (қарори) га асосан мусодара қилинган ёхуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёхуд бошқа мол-мулкнинг қиймати; суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган ва йўқотилган мол-мулк қиймати; суд ҳукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чиқимлари; юридик ёрдам кўрсатилиши учун шахс томонидан адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига тўланган пул, шунингдек, унга нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа ҳаракатлар.

Мулкий зиённи қоплаш учун пул товон тўлашни реабилитация қилинган шахс ёки унинг ворислари бундай тўловларни амалга ошириш ҳақидаги ажрим ёки қарорни олган пайтдан бошлаб, икки йил мобайнида талаб қилишлари мумкин<sup>13</sup>.

Инсон олий қадрият ҳисобланар экан, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини турли тўсқинликлардан, ҳуқуқбузарликлардан қонунларда белгиланган турли усуллар билан ўзларини ҳимоя қилишлари лозим<sup>14</sup>. Лекин ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли фуқароларга етказилган зарар учун жавобгарликнинг миқдори, зарарни қоплаш ҳажми, зарарнинг айнан қайси давлат органи томонидан қопланиши ҳолатларини қатъий белгиловчи қонун ҳужжати мавжуд эмас. Бу ҳолатлар ҳозирги кунда судьянинг ихтиёрига ҳавола қилинган. Шу сабабли кўпчилик ҳолларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари натижасида фуқароларга етказилган зарарнинг қопланиши узоқ муддатга чўзилиб кетади. Аксарият ҳолларда эса, бундай зарарларни қоплашнинг ўта қийинлиги сабабли кўпчилик азият чеккан фуқаролар “қўтилганларига шукр” қилиб, ўз ҳақларини ундиришни талаб қилмайдилар. Дарҳақиқат, бундай зарарни қоплашни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги шундай оқибатларни вужудга келтирмоқда. Фикримизча, давлат ҳисобидан қопланадиган зарарларни ундиришни тартибга солувчи қонун ҳужжатини қабул қилиш лозим. Бундай қонун ҳужжати тариқасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомни қабул қилиш зарур, деган фикрларни қўллаб-қувватлаймиз<sup>15</sup>. Баъзи мутахассислар давлатнинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи ўзига хослигини назарда тутиб, “Давлатнинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилишни ҳамда ушбу қонун ҳужжатининг айрим жиҳатлари хусусида ўз фикрларини билдиришади<sup>16</sup>.

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда бундай қонун ҳужжати ишлаб чиқиладиган бўлса, унда давлат жавобгарлигининг мезонлари ва чегараларини белгилаш, давлат номидан қайси органлар жавобгар бўлиши, зарарнинг тўла қопланиши каби ўзак масалалар ҳам ўз аксини топиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

«Гарчи ФК юқоридаги ҳолатларда етказилган зарар учун жавобгарликнинг умумий асосларини белгиласа-да, етказилган зарарни давлат ҳисобидан қопланиши айнан қайси давлат органи томонидан амалга оширилади ва даъво қайси давлат органига

қаратиледи?» деган саволлар туғилади.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, етказилган зарар қайси орган ёки қайси орган мансабдор шахсининг ғайриқонуний ҳаракати ёки қонунга мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқариши натижасида етказилган бўлса, ўша орган ёки мансабдор шахс хизмат қиладиган орган томонидан қопланиши керак. Зарарни ундириш ҳақидаги даъво ҳам ўша органга нисбатан қўзғатилиши керак<sup>17</sup>.

Дарҳақиқат, зарар айбдор органнинг ўзи ёки мансабдор шахс мансуб бўлган орган томонидан қопланиши керак. Лекин давлат маблағлари умумий ва ягона фонд давлат бюджетига жамланганлигини ҳисобга олиб, етказилган зарар учун жавобгарликни бевосита давлат бюджетига масъул орган — молия органлари зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, даъво ҳам айнан тегишли ҳудуддаги (жабрланувчи жойлашган ёки давлат органи ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган) молия органига нисбатан қўзғатилади. Зеро, молия органлари маблағларнинг давлат бюджетига киритилиши ва давлат бюджетидан чиқарилишини назорат этиб, бевосита шу фаолиятни амалга оширар экан, давлат қилиши лозим бўлган харажатларни ҳам молия органлари амалга оширишлари лозим. Албатта, етказилган зарарнинг давлат бюджетига хисобидан қопланиши учун суднинг тегишли ҳал қилув қарори керак бўлади. Қарор асосида мо-

лия органи бюджет (давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари бюджети) дан тегишли маблағни жабрланувчига тўланишини таъминлаши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги қонуни етказилган зарарни қоплаш мажбурияти тўғридан-тўғри мансабдор шахслар зиммасига юкланишини жорий этди<sup>18</sup>. Ушбу қоида ФКга киритилган ўзгартириш бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатларини, уларга етказилган зарарни тўлиқ ҳолда қопланишини чеклайди. Масалан, зарар етказишда айбдор мансабдор шахс зиммасига зарарни қоплаш мажбурияти юкланди. Лекин унинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки мавжуд эмас. Бундай ҳолларда эса, жабрланувчи ўзига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишига эриша олмайди. Бундан ташқари, етказилган зарарни қоплашни мансабдор шахс зиммасига юклаш тўғрисидаги қарорни суд айнан қандай асосда чиқариши ҳам, фикримизча, мантиқий асосга эга эмас. Чунки мансабдор шахс давлат номидан ҳаракат қиладиган ва унинг ҳаракатлари натижасида мансабдор шахсда эмас, балки давлатда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади. Шунинг учун ҳам бу ҳолатда жавобгарликни мансабдор шахсга юклашга доир ФКнинг 15, 990 ва 991-моддаларига киритилган ўзгартиришларни олиб ташлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.



## АННОТАЦИЯ

*Задачей настоящего исследования авторы ставили совершенствование гражданско-правовой ответственности государства, раскрытие механизмов и специфику данной ответственности. Также, в статье приводятся правовые взгляды видных ученых по данной проблеме и указывается особая специфика вышеуказанных правоотношений.*

<sup>1</sup> Прус Е. Субсидиарная ответственность публично-правовых образований по обязательствам учреждений // Хозяйство и право. 2004. -№12. -С.25.

<sup>2</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. –Б.161-162.

<sup>3</sup> Ҳамроев С.С. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2003. –Б.245-262.

<sup>4</sup> Ҳамроев С.С. Ўзбекистонда табиий бойликлардан фойдаланиш шартномалари (концессия) нинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: НПО Восток, 1999. -131 б.

<sup>5</sup> Гражданское право. Т.1. Учебник. 6-е изд. / Отв. ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. –М.: Проспект, 2003. -245 с.

<sup>6</sup> Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. –М.: Юридлит., 1970. –С.19-20.

<sup>7</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. -100 б.

<sup>8</sup> Тошкент шаҳар ҳўжалик суди архивидан.

<sup>9</sup> Давлат аниқ (конкрет) шахс ёки субъект ҳисобланмаганлиги учун ҳам у томонидан ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилиши мумкин эмас.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи / Ҳ.Раҳмонқулов, И.Зокировнинг умумий таҳрири остида. –Тошкент: Адолат, 1999. –Б.342-343.

<sup>11</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. -100 б.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда.

<sup>13</sup> Жамолов Б., Бобоқулов А. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш. –Тошкент: Адолат, 2001. –Б.227-228.

<sup>14</sup> Дониёров М. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган ариза ва шикоятларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. –Т.: ТДЮИ. 2007. -14 б.

<sup>15</sup> Боротов М.Х. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида давлат иштирокининг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. докт. ...Дисс. –Тошкент: 2008. -327 б.

<sup>16</sup> Эгамберидева Н.Х. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари: Юрид. фан. номз. Дисс. ...Автореф. –Тошкент: 2006. -14 б.

<sup>17</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. -100 б.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда.

**Венера ФАЙЗУЛЛАЕВА,**  
**Преподаватель юридического факультета Национального университета**  
**Узбекистана им. Мирзо Улугбека, к.ю.н.**

## АДМИНИСТРАТИВНОЕ ЗАДЕРЖАНИЕ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ПРАВОНАРУШИТЕЛЕЙ

В целях пресечения административных правонарушений, совершаемых несовершеннолетними правонарушителями, когда исчерпаны другие меры воздействия, действующее законодательство предусматривает возможность их административного задержания. Административное задержание несовершеннолетних правонарушителей заключается в кратковременном принудительном ограничении свободы действий и возможности передвигаться. Задержание применяется в целях:

- прекращения административного правонарушения, когда исчерпаны другие меры воздействия в отношении несовершеннолетнего правонарушителя;
- установления личности правонарушителя;
- составления протокола об административном правонарушении при невозможности составления его на месте совершения правонарушения, если составление протокола является обязательным;
- обеспечения своевременного, всестороннего, полного и объективного выяснения обстоятельств совершенного правонарушения;
- обеспечения качественного рассмотрения дела о совершенном административном правонарушении;
- обеспечения исполнения постановлений по делам об административной ответственности.

Первостепенное значение при реализации перечисленных целей должно уделяться обеспечению конституционных гарантий неприкосновенности личности. В Республике Узбекистан никто не может быть подвергнут задержанию, кроме как в случаях, прямо предусмотренных действующим законодательством.

Основанием административного задержания может являться только совершение несовершеннолетними правонарушения, предусмотренного Кодексом Республики Узбекистан об административной ответственности (далее по тексту — КАО РУз), иным законодательством Республики Узбекистан, а также нормативно-правовыми актами, издаваемыми субъектами, перечисленными в ст. 1 КАО РУз.

Административному задержанию на общих основаниях подвергаются находящиеся на территории Республики Узбекистан несовершеннолетние иностранные граждане и лица без гражданства.

Анализ действующего законодательства об административной ответственности позволяет сделать заключение о невозможности административного задержания несовершеннолетних правонарушителей при наличии определенных условий, к которым следует отнести:

- малозначительность совершенного административного правонарушения;
- целесообразность ограничения в отношении несовершеннолетнего правонарушителя устным замечанием, разъяснением противоправности и недопустимости совершения подобных действий впредь;
- наличие оснований для наложения административного взыскания на месте совершения правонарушения (предупреждение или административный штраф на месте);
- наличие возможности установления личности несовершеннолетнего правонарушителя и обстоятельств совершенного противоправного действия, а также составления протокола об административном правонарушении на месте совершения правонарушения.

Об административном задержании несовершеннолетнего правонарушителя составляется протокол, в котором указывается:

- дата и место совершения правонарушения;
- должность, фамилия, имя отчество лица, составившего данный протокол;
- сведения о личности несовершеннолетнего правонарушителя;
- время и причины административного задержания;
- место, время совершения и сущность административного правонарушения;
- нормативный акт, предусматривающий ответственность за данное правонарушение;
- в необходимых случаях запись об отказе задержанного несовершеннолетнего правонарушителя от подписания протокола;
- иные сведения, имеющие отношение к факту задержания;

Во всех случаях административного задержания несовершеннолетних правонарушителей органы правоприменения обязаны сообщить об этом родителям

несовершеннолетнего или лицам, их заменяющим.

Административное задержание несовершеннолетнего правонарушителя вправе производить лишь органы (должностные лица), уполномоченные на то законодательством Республики Узбекистан:

1) органы внутренних дел:

— при совершении правонарушений незаконного изготовления, приобретения, хранения, перевозки или пересылки наркотических средств или психотропных веществ в небольших размерах; сокрытия источника заражения венерической болезнью или СПИДом; уклонения больных венерическими заболеваниями или СПИДом от обследования; мелкого хищения; нарушения правил охоты и рыболовства, а также правил осуществления других видов пользования животным миром; нарушения природоохранных требований при транспортировке, размещении, утилизации, захоронения промышленных, бытовых и иных отходов; нарушение правил охраны среды обитания животных, правил создания зоологических и ботанических коллекций и торговли ими, а равно самовольное переселение, акклиматизацию или скрещивание животных; уничтожения, добывания редких или находящихся под угрозой исчезновения животных либо совершение иных действий, которые могут привести к гибели, сокращению численности или нарушению среды обитания таких животных; нарушения правил: безопасности движения на железнодорожном транспорте, пользования средствами железнодорожного транспорта, метрополитеном, безопасности полетов, поведения на воздушном судне, безопасности на водном транспорте, эксплуатации транспортных средств, пользования звуковыми и световыми устройствами транспортных средств; повреждения внутреннего оборудования транспортных средств; курение в неустановленных местах; выбрасывания мусора или иных предметов из транспортных средств; эксплуатации транспортных средств с зеркальными и нестандартными тонированными (затемненными) стеклами; превышения водителями транспортных средств скорости движения, несоблюдение требований дорожных знаков и других правил дорожного движения; нарушения водителями транспортных средств: правил проезда железнодорожных знаков, правил дорожного движения, повлекшее причинение потерпевшему легкого телесного повреждения либо существенного материального ущерба, правил дорожного движения, повлекшее повреждение транспортных средств или иного имущества; управления транспортными средствами: в состоянии опьянения, лицами, не имеющими документов о праве управления; уклонения водителями транспортных средств от прохождения освидетельствования на состояние опьянения; оставления места дорожно-транспортного происшествия; нарушения правил: движения пешеходами и иными участниками дорожного движения, обеспечения сохранности грузов на воздушном, железнодорожном, водном и автомобильном транспорте, охраны линий и сооружений связи, торговли или оказа-

ния услуг; использования транспортных средств в целях личной наживы, перевозки опасных веществ и предметов на транспорте; безбилетного проезда; нарушения порядка: использования радиоэлектронных средств и высокочастотных устройств, занятия предпринимательской деятельностью, организации, проведения собраний, митингов, уличных шествий или демонстраций; повреждения телефонов-автоматов; незаконного приобретения или сбыта валютных ценностей; мелкого хулиганства; изготовления или хранения с целью распространения материалов, содержащих угрозу общественной безопасности и общественному порядку; стрельбы из огнестрельного оружия с нарушением установленного порядка; изготовления с целью сбыта или сбыт гражданами крепких спиртных напитков домашней выработки; распития спиртных напитков в общественных местах; распространения материалов порнографического содержания; занятием проституцией; азартных игр; нарушения требований: по борьбе с бытовым шумом, режима чрезвычайного положения; невыполнения законных требований работника милиции; противодействия выполнению служебного долга работниками милиции; заведомо ложного вызова специализированных служб; незаконного пользования флагами и вымпелами, изготовления, распространения или ношения плакатов, эмблем и символов; посягательства на общественный порядок в условиях режима чрезвычайного положения; незаконного действия по отношению к государственным наградам; передача запрещенных предметов лицам, содержащимся в местах отбывания наказания, специальных лечебно-профилактических или специальных учебно-воспитательных учреждениях; незаконное изготовление и распространение продукции средств массовой информации; нарушения правил: хранения или перевозки огнестрельного оружия и боевых припасов, въезда и проживания в пограничной зоне, а также в местностях, где установлены временные ограничения въезда и пребывания граждан, пребывания в Республике Узбекистан; умышленное повреждение или срыв печати (пломб); нарушения законодательства о религиозных организациях, а также в иных случаях, прямо предусмотренных действующим законодательством;

2) пограничные войска:

— при совершении правонарушений по невыполнению законных требований или воспрепятствованию выполнению служебных обязанностей представителя власти, нарушению правил въезда и проживания в пограничной зоне, а также в местностях, где установлены временные ограничения въезда и пребывания граждан;

3) старший, в месте расположения охраняемого объекта, должностное лицо военизированной охраны:

— при совершении правонарушений, связанных с мелким хищением, невыполнением законных требований или воспрепятствование выполнению служебных обязанностей представителя власти;

4) должностные лица Военной автомобильной инспекции:

— при совершении правонарушений несовершеннолетними правонарушителями, управляющими транспортными средствами Вооруженных Сил Республики Узбекистан, правил дорожного движения.

5) должностными лицами органов Государственного комитета Республики Узбекистан по охране природы:

— при совершении правонарушений, связанных с: собственностью на природные ресурсы, уничтожением или повреждением межевых и ограничительных знаков, использованием земель лесного фонда, незаконной вырубкой, повреждением либо уничтожением деревьев, кустарников, других лесных культур и молодняка, сбором растений, занесенных в Красную книгу, режима особо охраняемых природных территорий, уничтожением полезной для леса фауны, требованиями пожарной безопасности, правилами охоты и рыболовства, а также правила осуществления других видов пользования животным миром, незаконным ввозом животных или растений, признанных наносящими ущерб сохранению видов животных и растений, занесенных в Красную книгу, уничтожением, добыванием редких или находящихся под угрозой исчезновения животных либо совершение иных действий, которые могут привести к гибели, сокращению численности или нарушению среды обитания таких животных, повреждением или самовольной вырубкой зеленых насаждений в городах, невыполнением законных требований или воспрепятствованием выполнению служебных обязанностей представителя власти;

— работники таможенных органов:

— при совершении правонарушений, связанных с невыполнением законных требований или воспрепятствованием выполнению служебных обязанностей должностных лиц таможенной службы, нарушением таможенного законодательства;

— военными патрулями:

— при совершении правонарушений по: невыполнению законных требований или воспрепятствованию выполнению служебных обязанностей военных патрулей, нарушению требований режима чрезвычайного положения, посягательству на общественный порядок в условиях режима чрезвычайного положения;

— должностными лицами государственных налоговых органов, департамента по борьбе с налоговыми и валютными преступлениями при генеральной прокура-

туре Республики Узбекистан и его подразделений на местах:

— при совершении правонарушений, связанных с нарушением порядка использования радиоэлектронных средств и высокочастотных устройств, правил торговли или оказания услуг; продажей товаров без документов, удостоверяющих их качество и производственную марку; незаконным приобретением или сбытом валютных ценностей; нарушением порядка занятием предпринимательской деятельностью; невыполнением законных требований или воспрепятствованию выполнению служебных обязанностей представителя власти.

Административное задержание несовершеннолетнего, совершившего административное правонарушение, может длиться не более трех часов. В исключительных случаях, в связи с особой необходимостью законодательными актами Республики Узбекистан могут быть установлены иные сроки административного задержания. Срок административного задержания исчисляется с момента доставления несовершеннолетнего правонарушителя для составления протокола, а подростка, находящегося в состоянии опьянения, — со времени его вытрезвления.

Безнадзорные дети доставляются в центры социальной реабилитации для несовершеннолетних и могут содержаться в них до 30 суток. В это время им оказывается необходимая медицинская, социальная, психологическая помощь, устанавливаются родители или лица, их заменяющие, решается вопрос о направлении в специализированные учреждения для несовершеннолетних, нуждающихся в социальной реабилитации.

Административное задержание несовершеннолетнего правонарушителя может быть обжаловано заинтересованным лицом в вышестоящий орган (вышестоящему должностному лицу) или прокурору. Если будет установлено, что решение об административном задержании вынесено органом (должностным лицом), неправомочным принимать такое решение, оно подлежит отмене, и дело направляется на рассмотрение компетентного органа (должностного лица). В случае отмены решения об административном задержании за отсутствием состава административного правонарушения в действиях несовершеннолетнего последние должны быть принесены официальные извинения.



## АННОТАЦИЯ

Мақола вояга етмаган ҳуқуқбузарларни ушлаб туриш масалалари таҳлилига бағишланган. Муаллиф мамалакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишга қаратилган ислохотларга алоҳида эътибор қаратиб, уларни маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар жараёнида иштирок этишининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берган.

Азимжон ЭРГАШЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари ўқитувчиси

## МУЛКИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУҒУРТА ТОВОНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий тизимни яратиш, қонунчилик базасини шакллантириш ва уларни амалга оширишнинг изчил механизмини яратиш эътироф этилади. Бунда турли хил сабабларга кўра, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарлар ўрнини қоплашнинг янги ҳуқуқий институтларини вужудга келтириш ва уларни ижтимоий муносабатларга кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода айтиш мумкинки, бугунги кунда турмушда энг кўп содир бўладиган ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига путур етказиш хавфи юқори бўлган транспорт воситалари билан етказиладиган зарарларнинг салбий оқибатларини камайтириш, зарар кўрган шахсларнинг мулкӣ манфаатларини қаноатлантиришнинг самарали ҳуқуқий механизмини яратиш муҳимдир.

Фуқаролик ҳуқуқида “суғурта товони” атамасига таъриф берилмайди. Бироқ бу тушунча амалдаги қонунчиликда “суғурта пули” тушунчасининг таркибий қисми сифатида ифодаланса, юридик адабиётларда суғурта тўлови сифатида ҳам қўлланилади. Хусусан, ФКнинг 934-моддаси 1-қисмида “мулкӣ суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (суғурта пули) суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига кўра ушбу модда қоидаларига мувофиқ белгиланади” – деган қоида мавжуд бўлса, айрим адабиётларда “суғурта тўлови — суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталовчининг суғурталанувчига, суғурта қилинган шахсга ёки бошқа учинчи шахсларга тўлайдиган суғурта ҳақи бўлиб, мол-мулкка дахлдор суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта тўлови суғурта товони сифатида, суғурталанувчининг ёки учинчи шахснинг шахсига дахлдор суғурта ҳодисаси юз берганда эса – суғурта таъминоти сифатида амалга оширилади”<sup>1</sup> – деб қайт этилган.

О.Оқюлов ва Н.Х.Эгамбердиеваларнинг фикрича, суғурта пули билан суғурта товони бир мазмундаги иборалар эмас. Чунончи, суғурта пули шартномада суғурта ҳодисаси рўй берганида тўланиши лозим бўлган пул бўлса, суғурта товони суғурта ҳодисаси рўй бер-

гач, суғурта қилдирувчи кўрган зарар ёки суғурта ташкилоти томонидан тўланиши лозим бўлган пул маблағи ҳисобланади<sup>2</sup>.

Суғурта суммаси мулкӣ ва шахсий суғурта шартномаларида турли аҳамиятга эга бўлади. Мулкӣ суғуртада суғурта суммаси суғурта қилдирувчига етказилган ҳақиқий зарарни қоплаш учун мўлжалланади. Бундай зиён суғурталанган мол-мулк таркибига кирувчи предметлар, ашёлар, талаб қилиш ҳуқуқи ва шу кабиларнинг тўлиқ нобуд бўлиши, қийматининг пасайишида ифодаланиши мумкин. Юз берган бахтсиз ҳодиса натижасида зиённинг миқдорини аниқлашда қийинчилик бўлмаслиги учун олдиндан суғурталаётган мол-мулкнинг суғурта баҳоси аниқланади. Ушбу баҳо асосида суғурта қилдирувчи кўриши мумкин бўлган зиёнларнинг суммаси чиқарилади.

Фикримизча, суғурта товони суғурта суммасининг таркибига киради ва содир бўлган суғурта ҳодисаси миқдорига тенг миқдорда тўланадиган пул маблағи ҳисобланади. Бунда суғурталовчи мол-мулкка етказилган зарар ва жабрланувчининг соғлиғини тиклаш учун қилинган ёки қилиниши лозим бўлган харажатларни қоплаш учун зарур бўлган пул маблағлари суғурта товони миқдорини белгилайди. Мулкӣ суғурта шартномаси ва шахсий суғурта шартномаларида бир-бирдан фарқли бўлган суғурта манфаати фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишда бир вақтнинг ўзида намоён бўлади. Шу сабабли ҳам фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишни биз мулкӣ ва шахсий суғуртанинг аралаш кўриниши, деб ҳисоблашимиз мумкин. Бунда жавобгарлик нафақат мол-мулкка зарар етказиш, балки фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ҳам етказилиши мумкин ва бу ҳолатда суғурта манфаати мол-мулкка етказилган зарарларни қоплаш юзасидан қилинган харажатлар кўринишида ва ўз навбатида соғлиқни тиклаш бўйича харажатлар кўринишида намоён бўлади. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, транспорт воситлари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасида суғурта товони нафақат мол-мулкка етказилган зарарларни қоплаш юзасидан белгиланган суғурта суммаси миқдоридан келиб чиқиб белгиланади, балки фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарлар бўйича суғурта товони тўлаш ҳам суғурта суммаси, яъни пулига нисбатан белгиланади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт восита-

лари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунида “суғурта пули” тушунчасига таъриф берилган ҳолда, суғурта пулини аниқлаш ва унинг миқдорини белгилашга оид норма ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарори 1-бандига кўра, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта пули 3 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда белгиланган.

“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонун 22-моддасининг 1-4-қисмларига кўра, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, суғурта пулининг миқдори суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталовчи етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлса, ана шу зарар миқдори суғурта пулининг миқдорига тенг ҳисобланди ва ана суғурта пулининг 65% жабрланувчи (фуқаро)нинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш учун, суғурта қилдирувчи жавобгар бўлган ҳолларда қўлланилади.

Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган сумма доирасида аниқланади.

Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 35 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бир нечта жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган сумма доирасида аниқланади.

Суғурта товонининг миқдори айрим давлатларда суғурта пулининг базвий ставкаларининг миқдори билан аниқланади. Бунда ҳудуднинг аҳамияти, автотранспорт воситасининг тури, ҳайдовчининг стажи ва бошқа мезонлар асосида базавий ставкалар аниқланади. Масалан, Қозоғистон Республикасининг 2003 йил 1 июлдаги 446-2-сонли “Транспорт эгалари фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни 24-моддасига биноан, ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича суғурталовчи жавобгарлигининг юқори миқдори (суғурта пули) қуйидагиларини ташкил этади (ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичларида):

1) ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши ва қуйидаги оқибатларга олиб келиши:

Ўлим – 1000; ногиронликни вужудга келтириши: I гуруҳ – 800, II гуруҳ – 600, III гуруҳ – 500; ногирон – бола – 500;

ногиронлик белгиланишига олиб келмаган соғлиққа етказилган зарар, жароҳат ёки бошқа шикастланишлар – амбулатор ва стационар даъволанишлар учун кетган харажатлар, лекин 300 дан ортиқ бўлмаган миқдорда. Бунда суғурта тўловининг миқдори стационар даъволанишнинг ҳар бир куни учун камида 2 ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичини ташкил этади.

2) битта жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарар учун – етказилган зарар ҳажмида, лекин 600 дан кўп бўлмаган миқдорда;

3) бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан кўп жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарар – етказилган зарар ҳажмида, лекин ҳар бир жабрланувчига 600 дан кўп бўлмаган миқдорда. Бунда барча жабрланувчилар учун суғурта тўловининг миқдори 2000 дан ошмаслиги лозим. Зарарнинг миқдори суғурталовчи жавобгарлигининг юқори миқдоридан ортиқ бўлган ҳолларда суғурта товони ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарарга тенг равишда қопланади.

Суғурта қилдирувчининг йўл-транспорт ҳодисаси оқибатларини бартараф этишга қаратилган харажатлари жумласига нафақат жабрланувчининг соғлиғини тиклаш билан боғлиқ ҳаракатлари, балки жабрланувчининг мол-мулкига етказилиши мумкин бўлган зарар миқдорининг ортиб кетишини бартараф этиш юзасидан ҳаракатлари ҳам киради. Масалан, автотранспорт воситалари тўқнашиши натижасида жабрланувчига тегишли автотранспорт воситаси йўл четидаги зовурга тушиб кетди. Агар автотранспорт воситаси зовурдаги сувнинг ичида узоқ вақт қолиб кетса, унга етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг миқдори янада ортиб кетишининг олдини олиш мақсадида суғурта қилдирувчи 200 минг сўмга юк кўтардиган кранни ёллаб ҳалокатга учраган, жабрланувчининг автотранспорт воситасини зовурдаги сувдан чиқариб олади ва ундаги айрим қисмларнинг ишдан чиқиши бартараф этилди<sup>4</sup>. Бундай харажатлар қонун бўйича кейинчалик суғурталовчи томонидан қопланиши лозим. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Қонунга мувофиқ, суғурта товони етказилган зарар миқдорда, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

Бироқ қонунда жабрланувчига етказилган зарарларни қоплаш юзасидан тўловларни фақат суғурталовчи тўлаши лозим, деган қатъий қонидани ўрнатилмаган. Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида жабрланувчига етказилган зарарларни зарар етказувчи – суғурта қилдирувчининг ўзи ҳам тўлаши мумкин. Бу ҳолатда у аввало суғурталовчининг ёзма розилигини олиши ва шундан сўнг жабрланувчига етказилган зарарлар ўрнини қоплаши мумкин. Суғурта қилдирувчи зарарни қоплаш юзасидан амалга оширган тўловла-

рини тасдиқловчи ҳужжатларни суғурталовчига тақдим этгандагина суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлайди.

Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурталовчининг ёзма розилигисиз ҳар қандай усулда қопласа ёки қоплашни ваъда қилса, суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) бу ҳаракатлари суғурталовчи учун мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Мазкур ҳолатда суғурталовчи учун мажбуриятларни келтириб чиқармаслиги, унинг суғурта тўловини тўлаш мажбуриятидан озод этилиш ёки этилмаслик масаласини аниқлашда мавҳумлик касб этади. Бундан ташқари, вазиятнинг тақозоси суғурталовчини ёзма равишда огоҳлантириш имконини бермаса ҳамда жабрланувчига етказилган зарарнинг бир қисми зудлик билан қопланса, қолган қисмини ундиришдан воз кечишини баён этганлик ҳолатини ҳисобга олиб ҳамда ўзининг ва суғурталовчининг манфаатларини кўзлаб шундай ҳаракат қилганлиги ҳолатида қандай оқибатлар вужудга келиши қонунда очик қолдирилган<sup>5</sup>.

Қонуннинг 23-моддасида суғурта товонини тўлаш тартиби, жабрланувчига тўланиши лозим бўлган бошқа турдаги тўловлар ва суғурта товони ўртасидаги нисбатан, суғурта товонини тўлаш муддатлари, суғурта товонини тўлмаганлик юзасидан даъво аризаси билан мурожаат этиш муддатлари каби ҳолатлар қуйидагича белгиланган:

Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш чораларини кўрганлиги ёхуд жабрланувчига кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатганлиги суғурталовчи ушбу қонунда ўзи учун белгиланган мажбуриятларни бажаришни рад этишига асос бўлмайди.

Жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) билан келишувга кўра ва мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган шартлар асосида суғур-

таловчи шикастланган мол-мулкнинг суғурта товони ҳисобидан таъмирланишини ва унинг қолдиқлари утилизация қилинишини ташкил қилишга ва ҳақини тўлашга ҳақли.

Суғурта товонини тўлаш суғурталовчи суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

Агар мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товони тўласа, суғурта қилдирувчи суғурталовчидан суғурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафталик муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофотини тўлайди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасида суғурта товони ўзининг чекланганлиги билан ҳамда етказилган зарарни тўлиқ қоплашни назарда тутмаслиги билан характерланади<sup>6</sup>. Чунки, жабрланувчининг соғлиғига етказилган зарар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган 3 минг АҚШ долларининг 65%дан кўп бўлмаган миқдорда қопланиши, зарарнинг миқдори ортиб кетган ҳолларда суғурта товони фақат шу миқдорда ортиқ бўлмаслиги белгилайди (1950 АҚШ доллар).

Бизнингча, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муаммоларнинг бартараф этилиши амалиётда ушбу шартномани тўғри тушуниш ва улар бўйича турли низоларнинг олдини олишини таъкидлаган ҳолда, шартнома тарафлари ҳисобланган суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар хатти-ҳаракатларининг ҳуқуқий оқибатларини Қонунда аниқ ва тўлиқ белгилаш мақсадга мувофиқдир.

## АННОТАЦИЯ

Статья посвящена порядку выплаты страховых взносов по договору имущественного страхования. В статье автор освещает вопросы правового регулирования выплат страховых взносов по национальному законодательству, также осуществляет подробный научно-правовой анализ теорико-правовых, отраслевых правовых отношений. Автор указывает на проблемные ситуации в правовом регулировании и предлагает эффективные пути их решения.

<sup>1</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси.-Тошкент: Адолат, 2010.-436 б.

<sup>2</sup> Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм.-Тошкент. Илм-Зиё., 2008.-540 б.

<sup>3</sup> Сокол П.В. Новеллы законодательства об ОСАГО//Законы России: опыт, теория, практика. 2008.-№5.-С.47.

<sup>4</sup> Дедиков С.В. Обязательное страхование автогражданской ответственности: Вопросы и ответы. Вып. 1.-М.: Волтерс Клувер, 2004.-125 с.

<sup>5</sup> Цыгин Р.А. Проблемы нормативно-правовой базы в области страхования гражданской ответственности владельцев транспортных средств. Отдельные противоречия в области действующего законодательства // Юрист. 2007.-№4.-С.83.

<sup>6</sup> Дедиков С. Неполное имущественное страхование // Хозяйство и право. 2010.-№2.-С.12.

**Алишер ХИДОЯТУЛЛАЕВ,**  
**Старший преподаватель Высших учебных курсов**  
**Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан**

## ВОПРОСЫ ПРИМИНЕНИЯ КОЛЛИЗИОННЫХ НОРМ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ

В правовом регулировании международных торгово-экономических, культурных и научно-технических связей важную роль призваны играть нормы международного частного права. Коллизионная норма — это норма, которая указывает, право какого государства применимо к гражданским, семейным, трудовым и другим правоотношениям международного характера. "Коллизия" — слово, происходящее от латинского *collisio*, что означает столкновение. Говоря о коллизии законов, подразумевают необходимость выбора между законами разных государств. Коллизия права обусловлена двумя причинами: наличием иностранного элемента в частнопроводном отношении и различным содержанием права государств, с которыми это отношение связано. Правоотношения носят международный характер, если его участником является иностранный гражданин или юридическое лицо, либо если объектом правоотношений является вещь (имущество), находящаяся в другом государстве, если юридический факт, в силу которого возникли, изменились либо прекратились правоотношения, имел место в другом государстве.

Для выделения различных видов коллизионных норм необходимо выбрать критерии их классификации. Существует несколько таких критериев, в число которых входят:

- 1) форма коллизионной привязки;
- 2) характер регулирования;
- 3) территория действия

При наличии правоотношений такого рода перед судом или иным органом власти государства возникает вопрос, какие нормы права применить к этому правоотношению — нормы национального права данного государства или другого государства. Эти вопросы и решаются на основании коллизионных норм как международных договоров, так и внутреннего законодательства страны. Необходимо отметить, что в совокупности коллизионные нормы, разрешающие коллизии законов различных государств, составляют

коллизионное право, которое входит в состав международного частного права. По своей структуре коллизионная норма состоит из двух частей: первая из которых определяет соответствующее правоотношение, вторая является коллизионной привязкой — ссылкой на закон, подлежащий применению.

Коллизионная норма, как правило, отправляет правоприменителя к материальным нормам системы права соответствующего государства, при этом не решая по существу регулируемое правоотношение. В связи с этим становится ясно, что поскольку коллизионная норма является нормой отсылочного характера, то ею можно руководствоваться только вместе с какими-либо материально-правовыми нормами, к которым она отсылает, то есть нормами законодательства, решающими данный вопрос. Но, несмотря на то, что эта норма лишь указывает, законы какой страны подлежат применению, ее роль не стоит недооценивать, так как вместе с материально-правовой нормой, к которой она отсылает, коллизионная норма выражает определенное правило поведения участников гражданского оборота.

Толкование коллизионной нормы сопутствует ее применению. Для применения коллизионной нормы необходимо раскрыть содержание имеющихся в ней юридических понятий и соотнести их с фактическими обстоятельствами дела. Юридическая квалификация коллизионной нормы отличается от толкования других норм права. Основное отличие: фактические обстоятельства находятся в правовом поле разных государств. Коллизионная норма связывает национальное право с иностранным, поэтому проблема квалификации сводится к выявлению того, с точки зрения права какого государства необходимо толковать юридические категории, содержащиеся в самой коллизионной норме. Отсылочный характер коллизионных норм означает, что в их тексте нет сочетания гипотезы, диспозиции и санкции. Они состоят из двух элементов — объема и привязки.

Объем указывает на вид регулируемого правоотношения, а привязка — на право, подлежащее применению с целью регулирования правоотношения, осложненного иностранным элементом.

Привязка — наиболее важный элемент коллизионной нормы, ибо применимое право определяет конечные результаты правового регулирования. А так как регламентация одних и тех же правоотношений во многих государствах различна, то от того, какая правовая оценка будет дана правоприменителем, зависит исход дела.

Имеется целый ряд коллизионных привязок, но мы приведем наиболее распространенные из них:

— закон места нахождения вещи (*lex rei sitae*).

Эта привязка применима в наследственном праве, в области права собственности;

— закон места заключения сделки (*lex loci contractus*), когда применимо право страны заключения сделки;

— закон места жительства лица (*lex domicilii*) или закон гражданства лица (*lex patriae*) применим, когда регулируются отношения с участием граждан;

— закон флага (*lex flagi*) применяется в области мореплавания;

— закон места причинения вреда (*lex loci delicti commissi*) будет определяться по закону страны — места причинения вреда;

— закон места заключения брака (*lex loci celebrationis*) применим в области семейного права;

— закон суда страны (*lex fori*), в соответствии, с которым суд или иной орган должен руководствоваться законом своей страны, несмотря на наличие в данных отношениях иностранного элемента.

Некоторые коллизионные нормы содержат привязки к праву двух государств (альтернативная привязка), предоставляя право сделать выбор между ними заинтересованной стороне или суду.

В международном частном праве существует теория конфликта квалификаций, основанная на проблеме квалификации коллизионных норм. Конфликт квалификаций связан с тем, что в праве разных государств текстуально одинаковые правовые понятия (дееспособность, форма сделки, личный закон, место заключения сделки, юридическое лицо) имеют принципиально различное содержание. При применении одинаковых терминологических понятий решение по одному и тому же делу в судах разных стран может быть прямо противоположным.

Существует несколько теорий разрешения конфликта квалификаций. Квалификация по закону суда (по национальному праву того государства, правоприменительный орган которого рассматривает дело). Это наиболее распространенный

способ разрешения конфликта квалификаций. Коллизионная норма как норма национального права использует национальные юридические категории, свойственные именно данной правовой системе. Поскольку коллизионный вопрос решается на основе коллизионного права страны суда, то и квалификация коллизионных понятий должна производиться именно по закону суда. Основной недостаток данной квалификации — игнорирование факта, что правоотношение связано с территорией других государств и коллизионный вопрос может быть решен в пользу выбора иностранного права.

Что касается особенности применения коллизионных норм, то она выражается в наличии специфического коллизионного метода правового регулирования, не характерного ни для одной другой отрасли права.

Коллизионно-правовой метод представляет собой совокупность приемов и средств законодательного разграничения в применении собственного (национального) и иностранного гражданского законодательства. Указанное разграничение осуществляется изданием законодательным органом особых коллизионных норм. Коллизионный способ регулирования применяется в двух правовых формах: национально-правовой — путем издания национальных коллизионных норм, разработанных каждым государством в своем праве самостоятельно, и международно-правовой — посредством унифицированных коллизионных норм, разработанных государствами совместно в международных соглашениях. Коллизионное регулирование в международных соглашениях имеет место в тех случаях, когда соответствующее отношение не может быть урегулировано непосредственно и при этом внутренние коллизионные нормы заинтересованных государств в значительной степени различаются. Применение коллизионных норм в значительной степени отличается от применения норм собственной, национально-правовой системы государства. Специфика коллизионной нормы непосредственно отражается и на механизме её применения, который более сложен, так как отражает взаимодействие различных правовых систем, имеющих собственные значительные особенности. Механизм применения коллизионной нормы включает в себя две отчетливо обособленные и различные по своим правовым компонентам стадии.

На первой стадии необходимо выяснить, применяется ли коллизионная норма вообще, какая именно и к праву какой страны она отсылает. На этой стадии возникают такие вопросы как: взаимность, квалификация, обратная отсылка и отсылка к праву третьей страны. После выяснения и решения этих вопросов

наступает вторая стадия — применение права, к которому отсылает коллизийная норма. На данном этапе применению уже подлежит непосредственно материальная норма национального или иностранного права. При этом возникают уже иные правовые вопросы: публичный порядок и установление содержания иностранного права.

При рассмотрении того или иного правоотношения осложнённого иностранным элементом правоприменитель должен руководствоваться помимо общих коллизийных норм собственными правовыми убеждениями, способствующими наиболее правильному и всестороннему рассмотрению дела.

Целью заключения международного договора коллизийного характера является максимальное обеспечение так называемого международного соответствия судебного решения, когда судебное решение (независимо от того, в какой стране оно вынесено), будет основано на одних и тех же коллизийных принципах.

В связи с этим становится ясно, что интересы развития международного гражданского оборота требуют совершенствования коллизийного способа правового регулирования. На решение данной проблемы направлена именно унификация коллизийных норм, которая позволит:

- 1) создать единообразие регулирования частноправовых отношений с иностранным элементом;
- 2) устранить коллизии в материальном законодательстве отдельных стран;
- 3) сократить число судебных разбирательств;
- 4) повысить степень правовой защищённости спорящих сторон от нарушений ими прав друг друга;
- 5) способствовать международно-правовому и деловому сотрудничеству;
- 6) обеспечить стабильность правового пространства.

Унификация осуществляется в форме международных договоров, заключаемых между государствами, которые берут на себя международно-правовое обязательство, применять сформулированные в договоре единообразные коллизийные нормы по определённому кругу гражданских правоотношений.

В заключение хотелось бы сказать что, международное общение есть единственное верное и положительное основание, на котором может развиваться международное частное право, и исходя из него только и могут быть разрешены запутанные и сложные вопросы о применении законов различных государств.



## АННОТАЦИЯ

Мақола халқаро хусусий муносабатларига дахлдор бўлган соҳаларни тартибга солишда коллизий нормаларни қўллаш хусусиятларига бағишланган. Мақолада муаллиф ушбу ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида томонларнинг ўзаро манфаатлар мужассамлигини кафолатлашда коллизий нормаларни татбиқ этиш юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид тегишли таклиф ва тавсиялар баён этган.

**Адхам ОДИНАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг**  
**Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси**

## ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИДА НЕУСТОЙКАНИНГ МАҚСАДИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИГА ОИД ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли хил шакллари-ни ташкил топиши билан иқтисодий муносабатларининг ривожланиши учун етарли шарт-шароит яратилди. Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида бу каби муносабатларининг ривожланишини ҳар томонлама таъминловчи восита сифатида фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан кенг қўламда ва эркин фойдаланилмоқда.

Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни тақозо этади<sup>1</sup>. Бу борада ҳозирги даврда ҳуқуқнинг асосий институтларидан бири фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг аҳамияти муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакатимиз қонунларига кўра шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликнинг иккита асосий шакли мавжуд бўлиб, булар зарарни қоплаш ва неустойка (пеня, жарима) ҳисобланади. Бу шаклларнинг қўлланиши умумий шартномавий ҳуқуқ нормаларида назарда тутилади, шунингдек, улар шартноманинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳужалик юритишнинг у ёки бу соҳасида бевосита ифода этилган алоҳида норматив актлар томонидан ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Мажбурият билан боғлиқ муносабатларни қонуний тартибга солишдан мақсад – фуқаролик-ҳуқуқий манфаатларни бутунлай, яхлит ҳимоя қилиш бўлиб, у асосан, мажбуриятлар муомаласида вужудга келувчи жароёнларни аниқлик, барқарорлик билан таъминлашга йўналтирилган самарали чораларни яратишда намоён бўлади<sup>2</sup>.

Мажбурият ҳуқуқининг такомиллашиши неустойканинг мақсади ва функциясини қонунчилик даражасида ҳам, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам ҳар томонлама ўрганиш ва комплекс ҳал қилишни талаб этади.

Бинобарин, шартнома интизомига риоя қилиш масалаларини ечиш тор тармоқ доирасида эмас, балки комплекс усулда амалга оширилиши лозим. Бу ерда шартнома мажбуриятларига доир ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари фуқаролик муомаласи субъектларининг иқтисодий манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда ечилиши даркор.

Неустойкадан тижорат муомалаларида кенг тарзда қўлланилиши сўзсиз “қарши вакил (қарздор)нинг ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли вужудга келган кредитор кўрган зарарни қоплаб беришнинг соддалашган, қулай ва универсал воситасини намоён қилади”<sup>3</sup>.

Шартнома бўйича мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш воситаси бўлган неустойка тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларига риоя этишларини, пировард натижада эса шартнома шартларининг бажарилишини рағбатлантириш мақсадини кўзлайди.

Неустойка шартнома мажбуриятининг ривожланиш босқичига (шартномани тузиш; уни бажариш; шартнома лозим даражада бажарилиши билан уни тугатиш ёки жавобгарлик) қараб турли функцияларни бажаради.

Неустойканинг функциялари масаласи хусусида илмий адабиётларда икки хил нуқтаи назар илгари сурилган. Айрим олимлар неустойка шартнома бўйича мажбуриятлар лозим даражада бажарилишини рағбатлантириш ва кредиторнинг мулкий ҳуқуқларини тиклаш функцияларини бажаради деб ҳисобласалар<sup>4</sup>, бир гуруҳ олимлар неустойканинг кўп функцияли роли ҳақидаги нуқтаи назарни асослашга ҳаракат қиладилар<sup>5</sup>. Бунда турли муаллифлар неустойкага рағбатлантирувчи ва компенсацион функциялардан ташқари, жазолаш функциясини<sup>6</sup>, тарбиявий, сигнализация ва огоҳлантириш функцияларни юклайдилар<sup>7</sup>.

И.Н.Петров неустойканинг “жазолаш” функцияси тарафдори бўлиб, кредитор томонидан неустойканинг ундирилиши – бу қарздор учун умумий ва хусусий превенция мақсадларини кўзловчи жазодир<sup>8</sup> деб ҳисоблайди.

Бу фикрни С.Н.Братусь танқид қилиб, неустойкага бундай кўз билан қараладиган бўлса, унинг мажбурият бажарилишини рағбатлантирувчи омил сифатидаги таъсирчанлиги эътибордан бутунлай четда қолишини таъкидлайди<sup>9</sup>.

Айрим олимлар мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишини рағбатлантириши неустойканинг энг муҳим функцияси деб ҳисоблайдилар<sup>10</sup>. Масалан, Н.С.Малеиннинг фикрига кўра, неустойканинг рағбатлантирувчи функцияси биринчи даражали аҳамият касб этади, чунки айнан у жавобгарликни ҳуқуқнинг алоҳида институти сифатида белгилайди, уни бошқа институтлардан ажратади<sup>11</sup>. Баъзи муаллифлар эса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари энг аввало қоплаш функциясини (компенсацион функцияни) бажаришини таъкидлайдилар<sup>12</sup>.

Мажбуриятга доир ҳуқуқий муносабатни таъминлаш чораси бўлган неустойка шартномани тузиш ва уни бажариш босқичида мажбурият лозим даражада бажарилишини рағбатлантириш, ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш функциясини бажаради.

Б.М.Сейнаров бу хусусда шундай деб ёзади: “Хўжалик шартномасининг бажарилишини таъминлаш шартноманинг конкрет шартларини, контрагентларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларини, мажбуриятларни бузганлик учун уларнинг жавобгарлигини шакллантириш босқичидаёқ намоён бўлади. Хўжалик шартномасининг предметини, унинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, бажариш муддатлари ва усулларини, маҳсулот (ишлар, хизматлар) қийматини, моддий рағбатлантириш ва жавобгарлик чораларини белгилаш – шартноманинг бажарилишини таъминловчи муҳим омиллардир”<sup>13</sup>.

Шартнома мажбуриятининг бузилиши босқичида неустойка компенсацион ва сигнализацион функцияларни ҳам бажаради. Неустойканинг компенсацион функцияси зарарларни қоплаш ҳақидаги талаб билан уйғунликда намоён бўлади.

М.И. Брагинский мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишини таъминлашга қаратилган рағбатлантирувчи функция неустойканинг бош функцияси сифатида эътироф этилиши лозимлигини айтса,<sup>14</sup> В.А. Хохлов неустойканинг асосий вазифаси ҳамкорликда иш олиб бораётган шерикларни рағбатлантириш ҳисобланиши ҳамда муайян ҳаракат сурункали равишда бажарилмаётган ёки шартнома шартларини қўпол равишда бузиб бажарилаётган ҳолларда неустойкани шартномага киритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди<sup>15</sup>.

Хўжалик муносабатларини интенсифлаштиришнинг<sup>16</sup> муҳим омили сифатида шартнома интизомини мустаҳкамлаш муаммосига барча даврларда ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Олимлар томонидан шартнома интизомини мустаҳкамлаш юзасидан илгари сурилган таклифларнинг аксарияти жавобгарликнинг янги шакллари ўрнатиш, мажбуриятларнинг бажарилишини норматив неустойка ёрдамида, унинг миқдорини кўпайтириш йўли билан таъминлашдан иборат бўлган.

Ю.Г.Басин жавобгарликнинг рағбатлантирувчи функциясини интенсифлаштиришга қайси ҳуқуқий шакллар ёрдамида эришиш мумкинлиги тўғрисида қуйидаги хулосаларга келади: биринчидан, шартномани бузганлик учун тўланган жарима суммаларининг муайян фазини иқтисодий рағбатлантириш жамғармаларига киритиш йўли билан; иккинчидан, моддий санкцияларнинг тўланишидан кўрилган зарарни айбдор жамоалар ва ходимлар ҳисобидан тўлаш йўли билан. Хўжалик муносабатларининг шартнома бузилишидан жабрланган иштирокчисига келсак, бу ерда жавобгарликнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш учун жарима санкцияларини ундиришдан корхоналарнинг манфаатдорлик даражасини ундирилган суммаларни қонунга мувофиқ корхонанинг турли эҳтиёжларини қондиришга сарфланадиган даромадга киритиш йўли билан ошириш мақсадга мувофиқ бўлади<sup>17</sup>.

Бизнингча, масаланинг мазкур ечими мулкый санкцияларнинг рағбатлантирувчи функциясини фаоллаштиради, корхоналарнинг моддий (мулкый) манфаатларига уларнинг таъсирини кучайтиради, ҳуқуқбузарликларнинг кўнгилсиз оқибатлари учун жавобгарлик уларга йўл қўйган юридик шахсларга янада одилона тайинлишини таъминлайди.

Неустойканинг яна бир муҳим функцияси бу компенсацион, ҳуқуқни тиклаш ёки тақсимлаш функциясидир. Мазкур функциянинг амал қилиши шартнома тарафлари томонидан мажбуриятнинг бажарилиши босқичида ёки тарафлардан бири ўз шартнома мажбури-

ятларини бузганидан кейинги даврда, яъни ҳуқуқбузарлик факти мавжуд бўлганида намоён бўлади. Бу ҳолда неустойка мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида эмас, балки мулкый жавобгарлик шакли сифатида амал қилади. Аммо, Н.С.Малеин таъкидлаганидек, неустойканинг компенсацион функцияси ҳуқуқбузарлик мулкый зарар кўрилишига сабаб бўлган ҳоллардагина қўлланилади<sup>18</sup>. Мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабатларнинг мазкур босқичида неустойка фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгилари (ҳуқуқбузар учун кўнгилсиз мулкый оқибатларнинг келиб чиқиши, қўшимча мажбуриятлар юзга келиши ва ҳ.к.) билан тавсифланади ва унинг компенсацион функцияси намоён бўлади.

В.А.Хохлов барча турдаги мулкый санкцияларни уч асосий гуруҳ – компенсацион, рағбатлантирувчи ва маъмурий-жарима санкцияларига ажратган ва бунда неустойкани рағбатлантирувчи санкцияларга киритиб, неустойка “...мулкый зарарни муайян даражада қоплаш имкониятини беради”,<sup>19</sup> деб таъкидлаган.

Неустойка тўлаш мажбуриятига О.Э.Лейст мажбуриятга доир муносабат мазмунининг элементи сифатида эмас, балки унинг кафили, бузилган (бузилаётган) мажбуриятни бажаришга даъват этувчи “қўшимча санкция” сифатидагина қарайдики, мазкур ёндашув неустойканинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакли сифатидаги юридик табиатидан бевосита келиб чиқади<sup>20</sup>.

Неустойканинг компенсацион функцияси мавжудлиги туфайли, шартнома бўйича мажбурият бузилган ҳолда (мажбуриятни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик босқичи) ваколатли тарафда (кредиторда) мажбурият бажарилмагани ёки лозим даражада бажарилмагани натижасида юзга келган кўнгилсиз оқибатларни (ҳақиқий зарар, бой берилган фойда) неустойкаларнинг ундирилган суммалари ҳисобидан қисман ёки тўлиқ қоплаш ҳуқуқи ва имконияти пайдо бўлади.

Неустойканинг сигнализацион функцияси шу билан белгиланадики, неустойка (мулкый жарималар) тўлаш ҳолларининг кўплиги корхонанинг хўжалик фаолиятида мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабатларни бузиш ҳоллари кўп учрашидан далолат беради. Бу эса юридик шахснинг бошқарув органларидан хўжалик фаолиятида ишлаб чиқариш нуксонларини бартараф этишни (сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишига йўл қўймастикни) ва бундан буён корхонада ҳуқуқбузарликларга йўл қўймастик мақсадида тегишли қарорлар қабул қилишни талаб этади. Ҳозирги вақтда неустойканинг сигнализацион функциясидан банкларда, шунингдек, кредиторлар томонидан бошқа хил шартномалар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Юқорида баён этилганлар қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

Биринчидан, неустойканинг ҳуқуқий институт сифатидаги моҳияти хўжалик фаолиятидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, юридик жавобгарлик профилактика функциясини таъминлашдан ва шартнома бўйича мажбурият лозим даражада бажарилишини рағбатлантиришдан иборат.

Иккинчидан, неустойка ва унинг функцияларининг амал қилиш механизми жавобгарликнинг фаолият механизми билан айна бир принципларга бўйсунди. Бинобарин, улар компенсацион, оголантирувчи-сигнализацион ва ҳуқуқбузарликларни тўхтатувчи хусусият касб этади.

Учинчидан, неустойка функцияларининг барчаси бир-бири билан боғлиқ, бир-бирини тақозо этади ва бир-биридан келиб чиқади.

Фуқаролик ҳуқуқи институти, тарафларнинг тенглиги ва мулкый мустақиллигига асосланган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули ва шартномага доир ҳуқуқий муносабатларни таъминловчи жавобгарлик шакли бўлган неустойка шартнома интизомини таъминлашни назарда тутди. Жазолаш функцияси жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи каби тармоқлардаги оммавий-ҳуқуқий манфаатларга хосдир. Бундай шароитда неустойка мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида жазолаш функциясини бажаради, деб айтиш учун асослар мавжуд бўлма керак.

Биз неустойка рағбатлантирувчи, компенсацион ва сигнализацион функцияларни бажаради, деб ҳисоблайдиган муаллифлар фикрига қўшилаемиз.

Бизнингча, неустойка охир-оқибат шартнома мажбурияти бўйича интизомни таъминлашга қараб мўлжал олади. Бу жараён ўз ривожланишида муайян босқичлардан ўтади.

Шу муносабат билан неустойканинг асосий функцияси – мажбурият лозим даражада бажарилишини рағбатлантириш ҳуқуқбузарни рағбатлантириш функциясидан кредиторнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш функциясига айланади. Мисол учун, ижарага олинган мол-мулк ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун шартномада неус-

14. Низомнинг 3.2-бандига мувофиқ корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик суди бу ҳақда корхонани давлат рўйхатидан ўтказган органга, махсус комиссияга, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органига (агар корхона акциядорлик жамияти бўлса) ёзма равишда хабар бериши шарт.

Хўжалик судлари шуни назарда тутишлари керакки, ушбу органларга ҳал қилув қарори нусхаларининг юборилганлиги уларнинг ёзма равишда хабардор қилинганлигини билдиради.

15. Низом 3.1-бандининг учинчи хатбошисига мувофиқ хўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш жараёни унинг топшириғига кўра махсус комиссия томонидан амалга оширилади.

Корхонани тугатиш жараёни хўжалик суди қарори асосида:

адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилган корхоналар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссия томонидан;

туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида давлат рўйхатидан ўтказилган корхоналар бўйича — ҳокимлик ҳузуридаги комиссия томонидан амалга оширилади.

Судларга тушунтирилсинки, хўжалик судининг корхонани тугатиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори, қарорининг ижроси юзасидан ижро варақаси берилмайди.

16. ФК 55-моддасининг ўн биринчи қисмига, Низом 3.12-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ корхонанинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг корхонани тугатиш тамомланган, фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

17. Агар хўжалик судининг ҳал қилув қарори, қарори билан тугатилган корхона ягона давлат реестридан чиқарилган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори, қарори устидан берилган шикоят (протест)ни ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ қабул қилиш рад этилади, агар шикоят (протест) иш юритишга қабул қилинган бўлса, у бўйича иш юритиш ХПК 86-моддасининг 4-бандига мувофиқ тугатилади.

18. Агар корхона тугатилган ва ягона давлат реестридан чиқарилган бўлса, ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган деб ҳисоблаган шахслар (шу жумладан кредиторлар), рўйхатдан ўтказувчи органнинг корхонани ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи органга шикоят бериши ёки мазкур қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида тегишли судга даъво аризаси бериши мумкин.

19. Хўжалик судларининг эътибори молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав фондларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ишларни кўришда тижорат банклари, давлат солиқ хизмати органлари, рўйхатдан ўтказувчи органлар, махсус комиссиялар томонидан тугатиладиган корхоналарни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби ҳамда муддатларига риоя этилганлигини текшириш, қонун ҳужжатларининг талаблари бузилган ҳар бир ҳолат бўйича айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарган сабаблар ва шароитларни пухта ўрганиш, хусусий ажримлар чиқариш йўли билан уларни бартараф этиш чораларини кўриш лозимлигига қаратилсин.

**Олий хўжалик суди раиси**

**Олий хўжалик суди  
Пленумининг котиби, судья**

**Д.Мирзакаримов**

**С.Нуманова**

ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ПЛЕНУМА ВЫСШЕГО ХОЗЯЙСТВЕННОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
19 НОЯБРЯ 2010 ГОДА  
№ 221

В целях обеспечения правильного и единообразного применения хозяйственными судами актов законодательства при рассмотрении дел о ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки, руководствуясь статьей 47 Закона Республики Узбекистан "О судах", Пленум Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан

**ПОСТАНОВЛЯЕТ:**

1. Обратить внимание хозяйственных судов, что акты законодательства о ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки, состоят из Гражданского кодекса Республики Узбекистан (далее — ГК), Хозяйственного процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее — ХПК), Закона Республики Узбекистан "О гарантиях свободы предпринимательской деятельности", Указа Президента Республики Узбекистан № УП-2331 от 28 июня 1999 года "О мерах по упрощению порядка ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки", постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 327 от 3 июля 1999 года "О порядке ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки" и иных нормативно-правовых актов.

2. Судам следует иметь в виду, что основания ликвидации юридических лиц предусмотрены в статье 53 ГК и в иных актах законодательства, а в данном постановлении Пленума даются разъяснения только по применению правовых норм, связанных с ликвидацией предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки.

3. В соответствии с частью второй статьи 53 ГК, пунктом 1.3 Положения "О порядке ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки", утвержденного постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 327 от 3 июля 1999 года (далее — Положение), основанием для ликвидации предприятий является решение учредителей (участников) предприятия (добровольная ликвидация) или решение хозяйственного суда.

Исходя из смысла части второй статьи 53 ГК, правила, установленные в Положении, не применяются в отношении индивидуальных предпринимателей, а также дехканских и фермерских хозяйств, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность в течение срока, установленного законом.

4. Разъяснить хозяйственным судам, что независимо от неуплаты налогов и других обязательных платежей, непредставления отчетов, наличия или отсутствия дебиторско-кредиторских задолженностей, денежных средств, имущества, других обстоятельств, предусмотренных в актах законодательства, необходимым усло-

вием для ликвидации предприятия является неосуществление финансово-хозяйственной деятельности с проведением денежных операций по банковским счетам в течение шести месяцев (в отношении торгового и торгово-посреднического предприятия — в течение трех месяцев), или несформирование своего уставного фонда в установленные законодательством сроки.

4.1. Под финансово-хозяйственной деятельностью понимается деятельность предприятия по выпуску продукции, выполнению работ и оказанию услуг со связанным с ними ведением бухгалтерско-финансовой, расчетной и товаросопроводительной документации.

4.2. Под установленным законодательством сроком понимается годичный срок с момента государственной регистрации предприятия для формирования уставного фонда в размере, предусмотренном учредительными документами, указанный в абзаце третьей части второй статьи 53 ГК. Исключение составляют случаи, когда актами законодательства предусмотрены иные сроки.

5. В соответствии с абзацем вторым пункта 3.1 Положения в хозяйственный суд с заявлением о ликвидации предприятия, не осуществляющего финансово-хозяйственную деятельность и (или) не сформировавшего свой уставный фонд в установленный законодательством срок, вправе обратиться регистрирующий орган.

Такие заявления подаются:

Министерством юстиции Республики Узбекистан, Министерством юстиции Республики Каракалпакстан и областными управлениями юстиции — по предприятиям, государственная регистрация которых осуществлена органами юстиции;

хокимиятами — по предприятиям, государственная регистрация которых осуществлена инспекциями по регистрации субъектов предпринимательства при хокимиятах районов (городов).

В связи с этим следует иметь в виду, что в случае обращения хокимията района (города) с заявлением о ликвидации предприятия, государственная регистрация которого произведена в органе юстиции, и напротив, органа юстиции с заявлением о ликвидации предприятия, государственная регистрация которого произведена в инспекции по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте района (города), заявленное требование оставляется без удовлетворения.

6. Разъяснить хозяйственным судам, что в соответствии с пунктом 1 Типового Положения "Об инспекциях по регистрации субъектов предпринимательства при хокимиятах городов и районов", зарегистрированного Министерством юстиции Республики Узбекистан 27 сентября 2003 года за № 1279, инспекция по регистрации субъектов предпринимательства при хокимия-

те района (города) входит в структуру хокимията района (города) и не является юридическим лицом.

Также, специальная комиссия по ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки, при хокимияте района (города) (далее — специальная комиссия) является постоянно действующим органом хокимията, осуществляющим деятельность на общественных началах и не имеет статуса юридического лица.

В связи с этим, при обращении инспекции по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте района (города) или специальной комиссии в суд с заявлением о ликвидации предприятия, такое заявление подлежит отказу в принятии применительно к пункту 1 части первой статьи 117 ХПК, а если заявление принято к производству — производство по делу прекращается применительно к пункту 1 статьи 86 ХПК.

Если с заявлением обратился не хокимият района (города), а от его имени инспекция по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте района (города) или специальная комиссия на основании доверенности, заявление принимается к производству.

7. Хозяйственным судам следует обратить внимание, что к заявлению о ликвидации предприятия кроме документов, предусмотренных в частях первой, второй статьи 114 ХПК (за исключением пункта 1 части первой), должны быть приложены, если оно:

а) подано в связи с неосуществлением финансово-хозяйственной деятельности:

— копии учредительных документов, утвержденных в установленном порядке;

— копия свидетельства о государственной регистрации;

— копия информации банка, предоставленная государственному органу налоговой службы, о неосуществлении финансово-хозяйственной деятельности в течение шести месяцев (в отношении торгового и торгово-посреднического предприятия — в течение трех месяцев);

— в случае отсутствия имущества предприятия, не осуществляющего финансово-хозяйственную деятельность, и (или) отсутствия учредителей (участников) — представление органа государственной налоговой службы в регистрирующий орган о ликвидации такого предприятия, а по другим предприятиям, не осуществляющим финансово-хозяйственную деятельность — запрос органа государственной налоговой службы, направленный специальной комиссии о нецелесообразности дальнейшего продолжения их деятельности;

— заключение (решение) специальной комиссии о нецелесообразности дальнейшего продолжения деятельности предприятия;

— доказательство направления регистрирующим органом письменного предложения учредителям (участникам) осуществить добровольную ликвидацию предприятия;

— доказательство письменного отказа учредителей (участников) предприятия (при наличии такового) от осуществления добровольной ликвидации либо невозможности установления учредителей (участников);

б) подано в связи с несформированием уставного фонда:

— копии учредительных документов, утвержденных в установленном порядке;

— копия свидетельства о государственной регистрации;

— запрос регистрирующего органа о целесообразности дальнейшего продолжения деятельности предприятия, не сформировавшего свой уставный фонд в

установленный законодательством срок;

— заключение (решение) специальной комиссии о нецелесообразности дальнейшего продолжения деятельности предприятия;

— доказательство направления регистрирующим органом письменного предложения учредителям (участникам) осуществить добровольную ликвидацию предприятия;

— доказательство письменного отказа учредителей (участников) предприятия (при наличии такового) от осуществления добровольной ликвидации либо невозможности установления учредителей (участников).

В случае отсутствия учредителей (участников) предприятия, помимо вышеуказанных документов к заявлению должно быть приложено доказательство, подтверждающее объявление регистрирующим органом в печати о начале процесса ликвидации, кроме того, акт или справка, выданная органом самоуправления граждан, товариществом собственников жилья, представителем собственника жилого и нежилого помещения об отсутствии лица по месту прописки, либо справка, выданная адресным бюро о выписке и выезде лица за пределы региона, либо документы, подтверждающие смерть или нахождение лица в местах лишения свободы.

При неприложении документов, указанных в седьмом, восьмом абзацах подпункта а) и в шестом, седьмом абзацах подпункта б) части первой настоящего пункта, то есть доказательств, подтверждающих направление регистрирующим органом письменного предложения учредителям (участникам) осуществить добровольную ликвидацию предприятия и доказательств письменного отказа учредителей (участников) предприятия (при наличии такового) от осуществления добровольной ликвидации либо невозможности установления учредителей (участников), заявление возвращается в соответствии с пунктом 6 части первой статьи 118 ХПК, а если заявление принято к производству — заявленное требование в соответствии с пунктом 5 статьи 88 ХПК оставляется без рассмотрения.

При неприложении документов, указанных во втором-шестом абзацах подпункта а) и во втором-пятом абзацах подпункта б) части первой настоящего пункта, заявление возвращается в соответствии с пунктом 1 части первой статьи 118 ХПК.

8. В соответствии с пунктом 3.1 Положения регистрирующий орган в недельный срок со дня получения представления налогового органа или заключения специальной комиссии о нецелесообразности дальнейшего продолжения деятельности предприятия, не осуществляющего финансово-хозяйственную деятельность и (или) не сформировавшего свой уставный фонд в установленный законодательством срок, письменно с указанием оснований предлагает учредителям (участникам) осуществить добровольную ликвидацию предприятия.

В случае, если предприятие в двухнедельный срок (акционерное общество — в месячный срок) не приступило к добровольной ликвидации, либо отказа учредителей (участников) предприятия от осуществления добровольной ликвидации, а также невозможности установления указанных лиц, регистрирующий орган в недельный срок направляет в установленном порядке в хозяйственный суд заявление о ликвидации предприятия.

Согласно пункту 5.2 Положения, если через три месяца со дня публикации объявления в печати о начале процесса ликвидации предприятия, учредители которого отсутствуют, учредители (участники) не объявятся или не будут найдены, регистрирующий орган в недельный срок обращается в хозяйственный суд с заявлением о ликвидации предприятия.

При несоблюдении данного порядка заявление возвращается в соответствии с пунктом 6 части первой статьи 118 ХПК, а если это обстоятельство выяснится при рассмотрении дела — заявленное требование оставляется без рассмотрения в соответствии с пунктом 5 статьи 88 ХПК.

9. Дела о ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и (или) не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки, рассматриваются по правилам, предусмотренным ХПК, с учетом особенностей, установленных законодательными актами о ликвидации предприятий.

10. В соответствии с пунктом 4 статьи 330 Налогового кодекса Республики Узбекистан от уплаты государственной пошлины в хозяйственных судах освобождаются заявитель и ответчик по делам о ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и (или) не сформировавших свой уставный фонд (уставный капитал) в установленный законодательством срок.

Хозяйственным судам следует учитывать, что в соответствии с пунктом 5 Указа Президента Республики Узбекистан № УП-2331 от 28 июня 1999 года "О мерах по упрощению порядка ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки", заявитель и ответчик по делам данной категории так же освобождены от судебных расходов, в том числе от уплаты почтовых расходов.

11. Разъяснить хозяйственным судам, что выявление в процессе рассмотрения дела факта возобновления деятельности предприятия не является основанием для отказа в удовлетворении заявленного требования. В этом случае, если заявитель заявит, что не возражает против дальнейшего осуществления деятельности предприятия и представит хозяйственному суду заявление об отказе от иска в соответствии со статьей 40 ХПК, отказ от иска принимается и производство по делу прекращается в соответствии с пунктом 6 статьи 86 ХПК.

12. В случае подачи заявления о ликвидации предприятия, не осуществляющего финансово-хозяйственную деятельность в течение шести месяцев (в отношении торгового и торгово-посреднического предприятия — в течение трех месяцев), до истечения указанного срока, в удовлетворении заявленного требования отказывается. Если заявление подано вновь после истечения указанного срока, в этом случае изменяется основание заявления, оно должно быть рассмотрено по существу и производство по делу не может быть прекращено на основании пункта 2 статьи 86 ХПК.

13. Следует иметь в виду, что если до принятия решения по делу учредителями (участниками) принято решение о добровольной ликвидации предприятия, но предприятие не исключено из единого государственного реестра, в заявленном требовании должно быть отказано, а если исключено из единого государственного реестра, производство по делу должно быть прекращено на основании пункта 4 статьи 86 ХПК.

14. В соответствии с пунктом 3.2 Положения хозяйственного суда, принявший решение о ликвидации предприятия, обязан письменно сообщить об этом органу,

осуществившему государственную регистрацию предприятия, специальной комиссии, а также уполномоченному государственному органу по регулированию рынка ценных бумаг (в случае, если предприятие является акционерным обществом).

Хозяйственным судам следует иметь в виду, что направление копии решения данным органам означает их письменное извещение.

15. В соответствии с абзацем третьим пункта 3.1 Положения при принятии хозяйственным судом решения о ликвидации предприятия ликвидационное производство по его поручению осуществляется специальной комиссией.

Процесс ликвидации предприятия на основании решения хозяйственного суда осуществляется:

специальной комиссией при Совете Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятах областей и города Ташкента — по предприятиям, государственная регистрация которых осуществлена органами юстиции; специальной комиссией при хокимияте района (города) — по предприятиям, государственная регистрация которых осуществлена инспекциями по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте.

Разъяснить судам, что во исполнение решения, постановленного хозяйственным судом о ликвидации предприятия исполнительный лист не выдается.

16. В соответствии с частью одиннадцатой статьи 55 ГК, абзацем вторым пункта 3.12 Положения ликвидации предприятия считается завершенной, а предприятие — прекратившим существование после внесения об этом записи в единый государственный реестр юридических лиц.

17. Если предприятие, ликвидированное решением, постановлением хозяйственного суда, исключено из единого государственного реестра, в принятии по данной на решение, постановление суда жалобы (протеста) отказывается в соответствии с пунктом 1 части первой статьи 117 ХПК, а если жалоба (протест) принята к производству, производство по ней прекращается в соответствии с пунктом 4 статьи 86 ХПК.

18. Если предприятие ликвидировано и исключено из единого государственного реестра, лица (в том числе кредиторы), которые считают, что их права и охраняемые законом интересы нарушены, могут обжаловать решение регистрирующего органа об исключении предприятия из единого государственного реестра в вышестоящий орган или подать в соответствующий суд исковое заявление о признании данного решения недействительным.

19. Обратит внимание хозяйственных судов, что при рассмотрении дел о ликвидации предприятий, не осуществляющих финансово-хозяйственную деятельность и не сформировавших свои уставные фонды в установленные законодательством сроки, необходимо проверять соблюдение коммерческими банками, органами государственной налоговой службы, регистрирующими органами, специальными комиссиями порядка и сроков выявления и учета ликвидируемых предприятий, по каждому факту нарушения требований законодательства ставить вопрос об ответственности должностных лиц, тщательно изучать причины и условия, способствовавшие совершению правонарушений, принимать меры по их устранению путем вынесения частных определений.

**Председатель  
Высшего хозяйственного суда**

**Д.Мирзакаримов**

**Секретарь Пленума, судья  
Высшего хозяйственного суда**

**С.Нуманова**

**Рахмонкулова Нилуфар Ходжи-Акбаровнанинг "Халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳ муносабатларининг тартибга солиниши" мавзусидаги 12.00.03 — фуқаролик ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертациясига**

## **ТАҚРИЗ**

Мамлакат равнақи ва юрт келажаги учун етишиб келаётган баркамол авлодни ҳар томонлама етук ва мукаммал инсон бўлиб етишишида оиланинг ўрни жуда муҳим. Шу боисдан жамиятнинг асосий бўғинини ташкил этувчи оила жамият ва давлат муҳофазасидадир.

Президентимиз Ислам Каримов оилага таъриф бериб, "Авваламбор оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор", - деб таъкидлаган эдилар.

Оила энг аввало, шахсларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлиги асосида ўзаро никоҳга киришиши орқали вужудга келади. Бизга маълумки, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 120 га яқин миллат ва элатлар вакиллари ўртасида тузилаётган никоҳ муносабатлари ҳам, ўз навбатида, жамиятдаги шахслар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни таъминлашга хизмат қилади.

Турли давлатларнинг фуқаролари ўртасида тузиладиган никоҳ муносабатлари ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос бўлган миллий, диний ва ҳудудий омиллар таъсири остида шаклланган оила қонунчилиги орқали тартибга солиниши натижасида мазкур муносабатларни тартибга солиш юзасидан турли нуқтаи назарни вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Айнан мазкур масала юзасидан тадқиқотчи Н.Х.-А. Рахмонкулованинг "Халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳ муносабатларининг тартибга солиниши" номи диссертация иши чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг коллизия қонунчилигини халқаро хусусий ҳуқуқдаги икки томонлама коллизия боғловчилар тизимига мувофиқлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот иши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг кўпгина соҳаларда хорижий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириб бориши ҳамда ушбу алоқалар заминида юзага келаётган хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатларини қўллаш борасида ҳам турли хил фикр ва мулоҳазалар юзага келмоқда. Жумладан, аҳоли миграциясининг кенгайтириши натижасида чет эллик фуқаро-

лар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги халқаро хусусий ҳуқуқий тавсифига эга бўлган муносабатлар, хусусан, чет эл элементи билан мураккаблашган оилавий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келмоқда. Оилавий ҳуқуқий муносабатлар сифатида никоҳ тузиш, уни тугатиш шартлари ва тартиби ҳар бир халқнинг урф-одатлари, диний қарашлари каби омиллар таъсири натижасида шаклланганлиги туфайли хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги моддий қонунчилик нормалари бир-биридан муайян даражада фарқ қилади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ ва оила муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг "Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш" деб номланувчи VIII бўлими билан тартибга солинади. Мазкур бўлим чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ ва оила муносабатларини тартибга солувчи коллизия нормалардан иборат. Бироқ, ушбу коллизия нормалар бугунги кундаги халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида ҳал этилаётган оилавий муносабатларни тўлиқ равишда тартибга солиш имконини бермайди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига собиқ иттифоқ оила қонунчилиги нормаларининг сақланиб қолганлиги натижасида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс иштирокидаги никоҳ муносабатларини тартибга солишда коллизия нормалар халқаро хусусий ҳуқуқда "оқсоқ никоҳ"лар, яъни бир давлатда тан олиниб, иккинчи давлатда эса тан олинмайдиган никоҳларни пайдо бўлишига олиб келувчи ҳолатлар диссертант томонидан ҳар томонлама чуқур ва кенг таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи айрим мамлакатларда чет эл элементи иштирок этган никоҳ муносабатларини тартибга солишда ҳудудийлик тамойилини ифода этувчи "қатъий" бир томонлама коллизия нормалар эмас, балки "эгиловчан" икки томонлама коллизия нормалардан фойдаланиш ҳолатларини назарда тутиб, халқаро хусусий ҳуқуқда икки томонлама коллизия нормаларни ҳар бир муносабат иштирокчиларининг шахсий қонунини эътиборга олган ҳолда қўллаш масалаларига ҳам атрофлича тўхталиб ўтган.

Никоҳни тузиш ёки тугатиш ҳолатларининг турли мамлакатларда тан олинишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, чет эл элементи билан мураккаб-

лашган никоҳ муносабатларини тартибга солувчи миллий коллизия қонунчилиги таҳлил этиш, хорижий давлатлар билан Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилиги ўртасидаги коллизия нормаларни бартараф этиш йўлларини ўрганиш лозимлиги мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертант чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳни тузилишини ва тугатилишини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг коллизия қонунчилигини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда хорижий ҳуқуқий тажрибадан фойдаланиб, илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотга асосий мақсад қилиб олинган.

Диссертациянинг аҳамияти шундаки, чет эл элементи билан мураккаблашган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги никоҳ муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда суд ва бошқа давлат органларининг мазкур соҳадаги қонунчиликни қўллаш амалиётига ижобий таъсир кўрсатиш учун хизмат қилади.

Тадқиқотчи диссертациянинг кириш қисмида илмий изланиш мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, ҳимояга қўйилаётган ҳолатлари, илмий янгилиги ва хулосаларини батафсил баён қилган.

Диссертациянинг биринчи бобда халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига кирувчи чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг муносабатларини турли мамлакатларда тан олиншини ва қонуний кучга эга бўлишини кафолатлаш, "оқсоқ" муносабатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида миллий коллизия қонунчилик нормаларини янада такомиллаштиришни асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Чет эл элементи никоҳ муносабатларини халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида тартибга солишда муаллиф мазкур муносабатда чет эл элементининг мажудлиги, турли мамлакатлар никоҳ қонунчилигининг ўзаро бир-биридан фарқланиши ҳамда судлов мамлакатининг чет эл қонунчилиги билан ўзаро олоқада бўлишга тайёрлиги омилларидан келиб чиққан ҳолда ёндашган.

Тадқиқотчи никоҳ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда ривожланган мамлакатлар қонунчилигидаги қўлланиладиган асосий коллизия нормалари таҳлили натижаларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси VIII бўлимининг номланишини "Чет эл элементи билан мураккаблашган ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш" деб номлаб, унга кўра чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ муносабатлари тушунчасига таъриф беришга ҳаракат қилган.

Диссертациянинг иккинчи бобда Ўзбекистон Республикасида чет элликлар иштирокида тузиладиган никоҳларни коллизия-ҳуқуқий тартибга солиниши, чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳларни қайд этишда шахсий қонунни қўллаш оқибатлари ҳамда чет эллик фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида тузиладиган никоҳларни қайд этиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар моддий қонунчилигида никоҳ тузиш шакли ва шартлари, консуллик никоҳлари, чет элда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида тузилган никоҳни тан олиш билан боғлиқ масалалар тадқиқотчи томонидан атрофлича ёритиб берилган.

Муаллиф "оқсоқ" никоҳларни юзага келишининг олдини олиш учун ривожланган мамлакатларнинг коллизия қонунчилигида самарали қўлланиб келинаётган жисмоний шахснинг шахсий қонуни мезонининг аралаш шаклини миллий коллизия қонунчиликка киритиш лозимлигини назарий жиҳатдан асослаб, Оила кодексига икки томонлама коллизия боғловчидан иборат янги 2341-модда киритиш таклифини ишлаб чиққан ҳамда мазкур тартиб "оқсоқ" муносабатларнинг келиб чиқишини максимал даражада олдини олишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтган. Бунинг боиси коллизия мезонларнинг ўзгарувчан, яъни аралаш шаклини қўллаш шахсни энг яқин олоқада бўлган давлат қонуни таъсири остида бўлиши ва ҳуқуқий муносабатнинг ҳар қайси давлатда ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиши имкониятини таъминланиши асослантирилган. Бу борада АҚШ, Англия, Франция, Германия ва араб мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали асослантиришга ҳаракат қилган.

Шу билан биргаликда, муаллиф томонидан амалдаги қонунчиликка биноан фуқароларни муомала лаёқатини чеклаш, муомалага лаёқатсиз деб топиш, муомала лаёқати билан боғлиқ ишларни судлар томонидан кўриб чиқишини ҳамда хорижий мамлакатлар амалиётини инобатга олган ҳолда, узрли сабаблар бўлганида ёки олоҳида ҳолларда никоҳга киришишни ҳоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳни давлат рўйхатидан ўтказишда никоҳ ёшини камайтириш билан боғлиқ масалаларни жойдаги туман, шаҳар ҳокими эмас, балки судлар томонидан амалга оширилишини назарда тутувчи тартиб-қоида-нинг қонунчиликка киритиш юзасидан берган таклифи ўзига хос аҳамият касб этади.

Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасида консуллик никоҳларини ҳуқуқий тартибга солиниш ҳолатига танқидий нуқтаи назардан ёндашилган ва никоҳни қайд этишнинг мазкур шакли қонунчиликда етарли даражада тартибга солинмаганлиги ҳамда ушбу масалалар юзасидан амалиётда муаммоли ҳолатларни келтириб чиқаришини эътиборга олган ҳолда ривожланган хорижий мамлакатларнинг

бу борадаги қонунчилик тажрибаси ва мамлакатимиздаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш негизида миллий қонунчиликни такомиллаштириш лозимлиги илмий-назарий жиҳатдан асослантилган ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига консуллик никоҳларини қайд этиш асослари ҳамда шартларини батафсил белгиловчи 234-моддани киритиш таклифини илгари сурган.

Диссертациянинг учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳларни ажратиш, шу билан бирга, унинг ҳудудидан ташқарида ажратилган никоҳларни эътироф этиш ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ масалалар илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганилган. Тадқиқот ишида ушбу муносабатларда коллизия муаммо, асосан, турли мамлакатларда никоҳдан ажратишга йўл қўйилишининг турлича ҳал этилиши билан боғлиқлиги кўрсатилиб, хорижий мамлакатлар моддий қонунчилигида никоҳдан ажратишга доир нормаларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида диссертант никоҳдан ажратишга доир хорижий мамлакатларнинг оила қонунчилигини шаклланишига диний, ахлоқий қадриятлар, урф-одатлар ва ҳудудий омиллар таъсир кўрсатганлигини эътироф этган.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган икки ва кўптомонлама халқаро шартномаларнинг кўрилатган масалага оид нормаларини таҳлиliga кўра уларнинг аксариятида, бошқа хорижий мамлакатлар қонунчилигида бўлгани каби коллизия боғловчиларнинг аралаш шакли қўлланганлигини таъкидлаб ўтган. Бундан ташқари, диссертант чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳни ажратишда фуқаролик қонунига ёки яшаш жой қонунига ҳавола этиш ҳам ўз навбатида айрим муаммолардан холи эмаслигини ва "оқсоқ" муносабатларни тўлиқ бартараф этмаслигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берган. Диссертантнинг таъкидлашича, ушбу муносабатларни тартибга солишда, ҳар қандай ҳолатда ҳам коллизия муаммони тўғри ҳал этишга хизмат қилувчи коллизия тамойил қўлланиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Мазкур ҳолатларга асосланган ҳолда муаллиф ушбу муносабатга нисбатан "оилавий муносабат энг узвий боғлиқ бўлган мамлакат ҳуқуқи" коллизия боғловчисини қўллаш масалани ҳал этишда энг тўғри йўл эканлигини асослаб, Оила кодексининг 236-моддасига тегишли ўзгартириш киритиш таклифини назарда тутган. Оилавий муносабат энг узвий боғлиқ бўлган мамлакат, ушбу фуқаролар никоҳ муносабатлари, оилавий ҳаётлари, энг яқин алоқада бўлган мамлакат ҳисобланади. Эр-хотинлар энг яқин алоқада бўлган мамлакат уларнинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат, доимий яшаш жойи, никоҳларини қайд этган ҳамда шу ерда биргаликда кўп вақт бирга яшаган мамлакат бўлиши мумкинлигини эътироф эт-

ган.

Муаллиф томонидан чет эл фуқароси иштирокидаги никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ масалалар атрафлича таҳлил этилган. Оила кодексига чет эл фуқароси иштирокидаги никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи коллизия нормаларнинг мавжуд эмаслиги натижасида юзага келадиган ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш мақсадида диссертант томонидан миллий коллизия қонунчиликни такомиллаштиришда мазкур муносабатга нисбатан никоҳ қайд этилган мамлакат қонунини қўллаш таклифини илгари сурган. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асосларини никоҳ қайд этилган мамлакат ҳуқуқи асосида белгилашнинг асослиги шундаки, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш никоҳни қайд этиш учун белгиланган шартларни бажармаганлик учун санкция бўлиб ҳисобланиши таъкидлаб ўтилган. Мазкур масалани ҳуқуқий тартибга солиш учун коллизия нормаларни қонунчиликка татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этиши ҳамда бундай ишларга нисбатан никоҳ қайд этилган мамлакат қонунини қўллашни инобатга олган ҳолда Оила кодексига янги таҳрирдаги 236<sup>1</sup>-модда киритилишини мақсадга мувофиқлигини асослашга ҳаракат қилган.

Тадқиқот ишининг хулоса қисмида муаллиф томонидан чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи оила қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ қатор таклифлар ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шунинг билан биргаликда, мазкур илмий тадқиқот жараёнида йўл қўйилган айрим нуқсонлар ҳақида фикр билдиришни лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Тадқиқот ишда хорижий характерга эга бўлган субъект ибораси қўлланилган. Фикримизча, субъектга нисбатан хорижий характер иборасини қўллаш ноўриндир. Шу боис мазкур ҳолатларда субъектга нисбатан чет эл фуқароси ёки бўлмаса хорижий мамлакат фуқароси иборалари қўлланилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди (диссертациянинг 8-бети).

2. Диссертант томонидан кўпгина ҳолатларда никоҳ муносабатларининг халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига киришига сабаб бўлувчи омиллар сифатида: чет эл элементининг мавжудлиги; турли мамлакатлар никоҳ қонунчилигининг ўзаро фарқланиши; судлов мамлакатининг чет эл қонунчилиги билан ўзаро алоқада бўлишига тайёрлиги ҳолатлари кўрсатилган. Бироқ, мазкур омилларнинг мавжуд бўлиши халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига кириши учун сабаб эмас, аксинча асос бўлиб хизмат қилишига тадқиқот давомида алоҳида эътибор қаратилганда ишнинг савияси янада ошган бўлар эди (диссертациянинг 18, 29-бетлари).

3. Диссертант томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги никоҳ

муносабатларини тартибга солиш тартиби ва шартларини белгилловчи алоҳида Йўриқнома ишлаб чиқиш таклифи келтирилган. Агарда мазкур Йўриқноманинг лойиҳаси ишлаб чиқилиб тадқиқот ишига илова қилинганда ишнинг аҳамияти янада ортган бўлар эди (диссертациянинг 86,118-бетлари).

4. Муаллиф томонидан шахснинг шахсий қонуни оилавий муносабатларда муҳим аҳамият касб этишини назарда тутган ҳолда, Оила кодексига ҳам мазкур ҳолатни акс эттириш ҳамда "қайта ҳавола ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш" номли 238-моддани киритишни таклиф этган. Бундан ташқари, қарши томон ҳуқуқига ҳавола этиш институтини "қайта ҳавола" ибораси билан номлаш таклифи ҳам берилган. Бироқ, ушбу таклифни амалга киритишдан аввал мазкур моддани Фуқаролик кодексининг 116<sup>1</sup>-моддасига (қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш) мувофиқлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, Фуқаролик кодексининг 3-моддасига кўра, фуқаролик қонун ҳужжатлари ушбу кодексдан, ушбу кодекс 2-моддасининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунлар ҳамда қонун ҳужжатларидан иборат. Бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари ушбу Кодексга мос бўлиши шартлиги назарда тутилган. Айнан Фуқаролик кодексининг 2-моддаси 4-қисмида

оилавий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари бу муносабатлар махсус қонунлар билан тартибга солинмайдиган ҳолларда қўлланилиши кўрсатиб ўтилганлиги боис юқоридаги моддалар ўзаро бир-бири мувофиқлаштирилса, берилган таклифларни янада тўла асослантирилишига хизмат қилган бўлар эди (диссертациянинг 75,118-бетлари).

Юқорида билдирилган нуқсонлар жузъий кўринишга эга бўлиб, улар тадқиқот ишининг салоҳияти ҳамда умумий моҳиятига таъсир қилмайди.

Тадқиқотчининг диссертация бўйича ишлаб чиққан таклифлари ва хулосалари илмий-назарий жиҳатдан етарли даражада асослантирилган.

Тадқиқотчи Н.Х-А.Рахмонкулованинг "Халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳ муносабатларининг тартибга солиниши" деб номланган диссертацияси ва автореферати тугалланган тадқиқот ҳисобланиб, тадқиқот Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан номзодлик диссертацияларига қўйилган талабларга тўла жавоб беради.

Баён этилганларга кўра, Н.Х-А.Рахмонкулованинг "Халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳ муносабатларининг тартибга солиниши" мавзусидаги 12.00.03 - фуқаролик ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича юридик фанлари номзоди илмий даражасини олишга лойиқлиги ҳақида хулоса берилди.

## ЯНГИ КИТОБ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан "Жиноятчилик, наркобизнес ҳамда терроризмга қарши кураш шароитларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари" мавзусида илмий-амалий анжуман материаллари тўплами нашр этилди (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари А.О.Шарафутдиновнинг умумий таҳрири остида, масъул муҳаррир: Бош прокуратура бошқарма бошлиғи О.Х.Набиев, нашр учун масъул: ю.ф.д. Ф.Х.Раҳимов) Т.: - 2010, 211 бет.

Ушбу тўпلامга олимлар, амалиётчилар ва бошқа бир қатор мутахассисларнинг илмий-амалий мақолалари киритилган. Тўпلامда дунё гло-

бал муаммоларидан бўлган терроризм ҳамда наркобизнесга қарши кураш билан боғлиқ жиноятлар, мазкур ижтимоий салбий иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари, мазкур жараёнда вужудга келаётган айрим муаммолар таҳлили, терроризм ҳамда наркобизнесга қарши курашиш, жиноятларни олдини олиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, бу соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ижобий жараёнлар ёритилган.

Тўпلامдан амалиётчилар, назарийчилар, ҳуқуқшунослар ва бошқа мутахассислар фойдаланишлари мумкин.



## ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

2011 йил 15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Савдо-саноат палатаси, Республика "Хунарманд" уюшмаси ҳамда Тошкент вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Ўрта Чирчиқ туманида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми: натижалар, муаммолар ва ечимлар" мавзусида минтақавий конференция ташкил этилди.

Унда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ходимлари, Савдо-саноат палатаси вакиллари, молия муассасалари ҳамда банк, солиқ, божхона ва ички ишлар органларининг ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, тадбиркорлар ва хунармандлар иштирок этдилар.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида; — "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодий тизимдаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди" — деб таъкидлаганлар.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши — иқтисодий тараққиётни, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашнинг муҳим шартини эканлигини бугун ҳаётни ўзи кўрсатмоқда.

Давлатимиз томонидан хунармандчилик ва оилавий касаначиликка ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёшларни жалб этиш учун

қулай шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида, Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ҳам айнан хунарманд-усталарга давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Шундай экан, хунармандчиликнинг ҳам иқтисодиётда тутган ўрни юқори бўлиб, уларни давлат томонидан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бугуннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда нафақат тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, балки тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосий мақсад бўлиши лозим.

Тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик базасининг кенгайтирилиши, хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига уларнинг сони ҳамда иқтисодиёт тармоқларидаги улушининг тобора ортиб боришига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Конференция иштирокчилари томонидан тадбиркорлик ва хунармандчиликка оид қонунчилик ижросининг самарадорлигини ошириш, бу фаолиятни янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
- матн такрорлашларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- рус тилидаги қисқа аннотация

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- краткая аннотация статьи на узбекском языке